

ДУНЁ АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

# ШУМҚАДАМ БЕВА

Детектив ҳикоялар




ДУНЁ АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

# ШУМҚАДАМ БЕВА

Детектив ҳикоялар

35776



Тошкент – 2017

УЎК: 821(4-011/-015)

КБК: 84 (0)

Ш 93

**Шумқадам бева:** детектив ҳикоялар / Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Дилшодабону Аввалбоева. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2017. 160 бет. (Дунё адабиёти дурдоналари)

ISBN 978-9943-4339-5-3

УЎК: 821(4-011/-015)

КБК: 84 (0)

*Ҳаётимиз яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш асосида қурилган. Ёмонлик, жиноятчилик қанчалик авж олмасин, у охиروقибат таназзулга юз тутади. Яхшилик ва эзгулик ҳаминша галаба қозонади. Бу – ҳаёт қонуни.*

*Детектив ҳикояларда ҳам айнан шу қонуният бутун бўйбастии билан намоён бўлади. Эътиборингизга ҳавола этаётганимиз дунё адабиёти дурдоналари Сиз азиз китобхонларни ёвузликларга қарши ва уларга нисбатан ҳаминша ҳушёр туришга ундайди, деган умиддамиз.*

**Тақризчи:**

Абдуғафур Маматов,  
филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-4339-5-3

© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2017 йил.

## МАРҲУМНИНГ ҚЎЛИ

Бир куни кечкурун, бундан саккиз ой муқаддам, дўстимиз Луи Р.нинг хонасига собиқ синфдошлар йиғилдик. Пунш ичдик, чекдик, адабиёт ва рассомлик санъати ҳақида гап сотдик, одатда ёшларнинг гурунгларида айтиладиган ҳазил-мутойибалар бўлди. Бир пайт туйқусдан эшик ланг очилиб, болаликдаги бир дўстим хонага қунондай бостириб кирди.

– Хўш, қани ким айтади, мен ҳозир қаердан келдим? – қичқирди у.

– Гаров ўйнашим мумкин, Мабилдан! – деди кимдир.

– Йўқ, кўринишингдан кайфинг чоғ, ҳарқалай, бирор жойдан қарзга пул ундиргансан ё бувангни дафн этиб қайтдингми? Ҳа, топдим, соатингни гаровга қўйгансан, мўлжалингдаги нархда, – деди бошқаси.

– Менингча, сен жиндай отгансан, – деди учинчиси. – Луиникидаги пуншнинг ҳидини олиб, томоғингни яна хўллагинг келиб қолган.

– Йўқ, тополмадинглар, мен П.дан келдим. Нормандиядаги П.дан. Бир ҳафта бўлдим у ерда, мана ўзим билан бирга биродаримниям олиб келдим, рухсат этинг, жаноблар, уни сизга таништирай!

У шу сўзларни айтиб чўнтагидан териси шилинган одам қўлини чиқарди. Қўл ниҳоятда кўрқинчли эди: қоп-қорайиб қуриб қолган бармоқлар узун, майишиб кетганга ўхшарди. Фавқулодда бақувват мушакларнинг юқори ва қуйи қисмида шилинмай қолган, пергаментга ўхшаб кетадиган тери парчалари тарам-тарам, бармоқларининг учидан саргимтир ўткир тирноқлар туртиб чиқиб турарди. Бу манзарадан шундоққина жинойтнинг хиди анқирди.

– Тасаввур қилинг, – ҳикоя қила бошлади дўстим, – яқинда вилоятга донғи кетган бир қари жодугарнинг қўқир-

сўқирларини сотишди. Жодугар ҳар ҳафтанинг шанбасида супургисига миниб, жинлар базмига отланар, жодугарлик билан шуғулланар экан: сигирларга кинна солганида жониворларнинг сути кўм-кўк кўкариб, думлари худди авлиё Антонийнинг надиминикидай тиккасига буралиб кетаркан. Ўша қари алвасти мана шу қўлга жуда меҳр қўйган экан.

Унинг айтишича, бу қўл ўзининг қонуний хотинини боши билан қудуққа ташлаб юборгани (дарвоқе, буни шахсан мен жинойт деб ҳисоблайман) ва бунгача ўзларини никоҳлаган руҳонийни жомнинг арконига осиб ўлдиргани учун 1736 йили катл этилган донғи кетган бир каллакесарга тегишли эмиш. Ана шу қўшалок жасоратни амалга оширганидан сўнг бу муттаҳам беҳад оғир жинойтларга қўл уради, ўзининг хийла қисқа ва айни пайтда саргузаштларга тўлиб-тошган умри мобайнида юзлаб сайёҳларни шилади, монастирда йигирматача руҳонийни тутунга қамаб бўғиб ўлдиради, аёллар монастирини ҳарамга айлантиради.

– Нима килмоқчисан бу жирканч матоҳни? – деб сўрадик биз.

– Ҳе, жин урсин, ижарачиларни бир кўрқитай. Буни мен эшикнинг қўнғироғига дастак қилиб бойлаб қўяман.

– Дўстим, – деди новча, тепса тебранмас инглиз Генри Смит, – кўп ҳовлиқаверма, менимча, бу қўл янгича усулда консерваланган гўшт, холос. Мен сенга ундан шўрва қайнатишни маслаҳат бераман.

– Ҳазилни бас қйлинглар, жаноблар! – деди ширакайф талаба-табиб норози оҳангда. – Сен эса, Пер, менинг оқилона маслаҳатимга кулоқ осгин-да, майитнинг бу аъзосини масиҳчасига дафн этгин, акс ҳолда эгаси қўлини кидириб сенга йўлиқади: боз устига, қўлнинг эгаси манфур одатини такрорласа ҳам ажаб эмас, ахир, ўзинг биласан-ку, “тарки одат – амри маҳол”.

– Ҳа, тарки одат – амри маҳол! Ичган – тағин ичади! Қани олдик! – дея қувватлади уй эгаси ва талабага катта қадахни тўлатиб пунш куйди. У қадахни бир кўтаришда бўшатди-ю, кайфи ошиб столнинг тагига қулаб тушди, хонада кийқириқ кўтарилди. Пер қадахни кўтариб, мулозамат қилгандай қўлга бир оз энгашиб, деди:

– Сенинг эганг билан бўлажак учрашув учун ичаман!

Шундан сўнг суҳбатимиз бошқа мавзуга кўчди ва орадан кўп ўтмай ҳамма уй-уйига тарқалди.

Эртаси куни, соат иккиларда мен Пер яшайдиган уйнинг олдидан ўтаётиб, бирров кирдим.

– Хўш, қалайсан? – деб сўрадим ундан.

– Зўр, – деди у.

– Қўл қаерда?

– Қўлми? Нима, кўзинг тушмадими, кеча кечқурун уйга кираётиб кўнғироқнинг ипига осиб қўйгандим. Ҳа, тасаввур қиласанми, аллақандай телба ярим оқшом кўнғироқни роса жиринглатса бўладими, ҳарқалай, кимдир биров бебошлик қилди чоғи, мен кимсан деб чақирдим, ҳеч ким жавоб бермади, кейин тўшакка чўзилиб қотиб ухлаб қолибман.

Шу пайт кўнғироқ жиринглади. Бу уйнинг хўжайини – кўпол, ёқимсиз бир нусха эди. У хонага тумтайганча кириб келди, ҳатто ҳол сўрашни ҳам ўзига эп кўрмади.

– Ҳурматли жаноб, – деди у дўстимга, – бу ўлимтикни дарҳол йўқотишга рухсат этинг, акс ҳолда, сизни хонадан чиқариб юборишга мажбурман.

– Марҳаматли жаноб, – фавқулудда жиддий оҳангда жавоб берди Пер. – Сиз қўлни ҳақорат қилдингиз, ахир, у бунга муносиб иш қилгани йўқ-ку. Билиб қўйинг, бу қўл бағоят ахлоқли инсонга мансубдир.

Хўжайин бурилиб, хайрлашмасдан чиқиб кетди. Пер унинг ортидан бориб кўнғироқдан қўлни ечиб олди ва уни тўшагининг устидаги кўнғироқ ипига илдириб қўйди.

– Мана шу ерда тургани маъкул, – деди у. – Бу қўл худди тирранчалар: “Биродарлар, ўлишга тўғри келади”, деганларидай, ҳар оқшом уйку олдидан мени жиддий фикрларга ундайди.

У билан бир соатча ўтириб, уйга қайтдим. Кечаси уйкум қочди, ҳаяжонландим, асабим бузилди, бот-бот босинқираб уйғониб кетдим. Бир маҳал аллаким бош учимда қаққайиб тургандай туюлди, ваҳима босди, ўрнимдан ирғиб турдим, каравотнинг тагига қарадим, шкафни очдим. Ниҳоят, соат олтилар эди чамаси, кўзим илинибди, бироқ эшик шунақанги ваҳимали тақилласа бўладими, тўшакдан сапчиб туриб кетдим. Тақиллатган дўстимнинг хизматкори экан, ярим яланғоч, ранг-рўйи докадай, жағи-жағига тегмайди, аъзойи бадани қалтирайди.

– Ў, жаноб! – хитоб қилди у йиғламоқдан бери бўлиб, – шўрлик хўжайинимни ўлдириб қўйишди!

Апил-тапил кийиниб, Пернинг уйига югурдим. Тумонат одам, ҳамма ҳар томонга зир югурган, рўй берган фожиани ҳар ким ўзича тўқиб-бичиб изохлар, ҳаяжондан бўғилиб баҳслашарди. Оломоннинг орасини ёриб ўтиб, дўстим ётадиган хонага бир амаллаб етдим: эшикни ичкаридан бекитиб олишган экан, кимлигимни айтгандан сўнг киритишди. Тўрт нафар полиция ходими хонанинг ўртасида қўлларида ёзув дафтарчалари, бор нарсаларни бирма-бир синчиклаб кузатишар, ора-сира шивирлашиб, дафтарчаларига бир нарсаларни ёзиб қўйишарди: икки нафар табиб беҳуш ётган Пернинг бошида гаплашиб турарди. Пер тирик эди, афт-ангоридан от хуркади, башараси аянчли тусда, кўзлари косасидан ирғиб чикқан, кенгайиб кетган қорачиқлари кўзга кўринмайдиган аллақандай ёвуз махлукқа қарагандай даҳшатга тушиб бакрайиб қотиб қолган, бармоқлари эса қаттиқ сиқилганидан мушт бўлиб тошдай қотган. Гавдаси иягигача чойшаб билан ёпиб қўйилган. Мен уни ўмганидан олиб кўтардим, шунда томоғига чуқур ботиб



кетган беш панжанинг изига кўзим тушди. Кўйлагига томган бир неча томчи қон қизариб турарди. Шу дақиқада мени бир нарса ҳайратга солди: фавқулодда кўзим унинг тўшаги устида осилиб турган кўнғирокнинг ипига тушди, кеча шу ипга дўстим боглаб қўйган териси шилинган қўл йўқ эди! Балки кўрганлар кўркмасин деб шифокорлар қўлни счиб олишгандир. Ахир, унга тасодифан кўзи тушган одамнинг юраги чиқиб кетиши турган гап. Қўлнинг қаерга дафн этилганини сўраб ўтирмадим.

Энди эртаси куни газетада бу машъум жиноят ҳақида полициянинг эълон қилган хулосасини жамики тафсилотлари билан келтирай.

Мана, мен газетада ўқиган хабар:

“Ёш, машҳур норманд сулоласидан бирига мансуб талаба йигит Пер Б. кеча оқшом даҳшатли ёвузлик қурбони бўлди. У кечкурун, соат ўнлар чамаси, ётоғига қайтган ва хизматкори Бовенга рухсат бериб чарчаганини, ухламоқчи эканини айтган. Тун яримлаб қолган бир маҳалда кўнғирокнинг аянчли жарангидан уйғониб кетади. Юрагини ҳовучлаб ўрнидан тез туради-ю, шамни ёқиб бироз кутади. Кўнғирок овози бир дақиқа тинади, бироқ тағин узундан узоқ жаранглайди: ўтакаси ёрилгудай кўрқувга тушган хизматкор қоровулга югуради. Қоровул полицияга чопади, ярим соат ичида етиб келган полиция эшикни синдириб ичкарига киради.

Улар хонага киришганда аянчли манзарага дуч келишади: мебеллар тўнтариб ташланган, кийим-кечаклар сочилиб ётарди. Буни кўрган полициячилар жиноятчи билан унинг қурбони ўртасида аёвсиз жанг бўлган деган фикрга келишади. Хонанинг ўртасида ёш йигит Пер Б. беҳуш чалқанча ётарди.

Унинг бадани титраб турар, юзида қони йўқ, қорачиклари ваҳимадан кенгайиб кетганди. Дарҳол бу ерга чақирилган доктор Бурдонинг фикрича, босқинчи кучли,



бармоклари узун ва чайир бўлган, чунки милтиқдан отилган ўкларнинг изидай беш панжа Пернинг гарданини тешиб ўтиб, мушт бўлиб маҳкам сикилган. Қотилнинг шаҳси ва жиноятга алоқадор бирорта далил топилгани йўқ”.

Эртаси куни шу газетада тагин қуйидаги хабар чиқди:

“Кеча хабар қилганимиздек, оғир жиноятнинг қурбони бўлган жаноб Пер Б. доктор Бурдонинг икки соат мобайнидаги саъй-ҳаракатлари туфайли ўзига келди. Ҳозирча жабрланувчининг ҳаёти хавф остида эмас, бироқ ақл-хуши жиддий ташвиш туғдираётир, ҳануз босқинчидан бирор-бир нишона топилгани йўқ”.

Ҳа, шўрлик дўстим ақлдан озиб қолди, етти ойча уни йўқлаб, касалхонага бориб, кўриб турдим, аммо Пер ўзига келмади. У жинниларча жавраган пайтда оғзидан пойинтар-сойинтар сўзлар чиқарди, миясига елимдай ёпишган аллақандай фикр мудом уни азобларди: гўё уни арвоҳ тиндирмай таъқиб қиларди. Бир куни Пернинг аҳволи оғирлашиб қолди деб хабар келди, тезда етиб бордим, мен борганда дўстим жон талвасасида эди. Шундан сўнг у икки соатча қимир этмай ётди. Бир пайт кутилмаганда каравотдан сакраб турди-да, тутқаноғи тутиб, чинқира бошлади: “Йўқот уни! Йўқот! У мени бўғаяпти! Дод! Ёрдам беринглар! Ёрдам!..”. Пер фарёд чекиб жон талвасасида хонанинг ичини икки бор айланиб югурди-да, ўртага юзтубан қулади.

Бояқиш етим эди, жасадни оила аъзолари дафн этилган норманд қишлоқчаси П.га олиб бориш менга юкланди. Ўшанда, Луи Р.нинг уйида пунш ичиб, собиқ синфдошлар билан улфатчилик қилиб ўтирганимизда Пер мана шу қишлоқдан келган, бизга териси шилинган қўлни кўрсатган эди. Унинг жасадини қўрғошин тобутга солдик.

Орадан тўрт кун ўтиб, унинг биринчи муаллими кекса кашиш билан қабр қазиётган жойда айланиб юрдик. Ҳаво очик, жуда ажойиб кун эди, мовий осмонда офтоб чарақлаб

турибди. Болалигимизда неча маротаба маймунжон терган юлғунзорда қушлар чуғурлашарди. Ҳар гал панжарали тўсиқни ёқалаб бориб, ўзимизга маълум майдоннинг тагидаги камбағаллар дафн қилинадиган жойдаги девор тирқишидан кирганимиз ёдимга тушди. Ҳар сафар оғиз-бурнимиз маймунжондан қорайиб уйга қайтардик. Буталарга термуламан: шохларда маймунжон сероб, беихтиёр бир бутани узиб олиб, оғзимга солдим. Кашиш дуолар китобини очди ва минғирлаб ўқий бошлади, хиёбоннинг нариги бошидан ерга урилаётган белкуракнинг зарби эшитилиб турибди: гўрковлар қабр қазишаётир. Тўсатдан улар бизни чакириб қолишди, кашиш китобини ёпди ва биз нима гаплигини билиш учун бордик. Маълум бўлишича, гўрковлар қабр қазиётиб, бир тобутга дуч келишибди. Белкуракнинг зарбидан тобутнинг қопқоғи очилиб қолибди. Бир барваста жасаднинг скелетини кўрдик, скелет чалқанча ётар, бўм-бўш кўз косалари билан бизга ўқрайиб тургандай туюлди. Кўнглим беҳузур бўлди, негадир кўркиб кетдим.

— Ана холос! — хитоб қилди гўрковлардан бири. — Қаранглар, бу жўмарднинг панжалари кесилган-ку!

Шундай деб скелетнинг ёнбошида турган куриб қолган бармоқсиз билак суягини кўтариб бизга узатди.

— У менга ўқрайиб қараётганга ўхшайди, — деб кулди бошқа бир гўрков, — ҳозир томоғимдан олади, қўлимни топиб бер дейди.

— Азизларим, — деди кашиш, — марҳумнинг оромини бузманг, бекитинг тобутни: биродаримиз бечора Пер учун бошқа жойдан гўр қамамиз.

Эртаси куни маросимлар тугади ва мен беҳосдан хокини безовта қилганимиз — ўша панжалари кесилган марҳумнинг руҳига дуо ўқиб қўйишни сўраб кекса кашишга эллик франк бериб, Парижга жўнаб кетдим.

*Рус тилидан  
А. ОТАБОЕВ таржимаси*

## ТИКУВЧИНИНГ ХАТОСИ

Мисс Политт эшик ҳалқасини ушлаб, аста тақиллатди. Андиша қилиб бир оз кутиб турди-да, яна тақиллатди. Қўлтиғига қисиб олган тугунчаси тушиб кетаёзди, лекин мисс Политт уни базўр ушлаб колди. Бу тугунчада миссис Спенлоунинг кийиб кўриш учун тайёрланган кўйлаги бор эди. Мисс Политтнинг чап қўлида эса тикувчиларнинг ўлчагичи, игнаю тўғнагичлар кадаладиган ёстиқча ва каттакон қайчи солинган қора сумкачаси ҳам бор эди. Мисс Политт баланд бўйли, котмадан келган, қирра бурунли, лаблари қимтилган ва сийрак сочлари оқара бошлаган аёл эди. Бир оз кутиб тургач, у яна учинчи маротаба эшик ҳалқасини тақиллатди. Кўча томондан уйга юзлари қизариб кетган хушчақчақ мисс Хартнелл яқинлашаркан, кўнғироқдек овозда мисс Политт билан:

– Хайрли кун, мисс Политт! – дея саломлашди.

– Хайрли кун, мисс Хартнелл! Кечирасиз, мисс Спенлоу уйдамикин, мабодо, сиз билмайсизми? – у сўзларни чиройли қилиб, худди киборлардек талаффуз билан паст овозда гапирди. У ёшлигида бир оқсуяк хонимнинг хизматида бўлган эди.

– Хабарим йўқ, – жавоб берди мисс Хартнелл.

– Буёғи қандоқ бўлди? Миссис Спенлоу билан у тиктираётган янги кўйлагини кийиб кўриши учун бугун соат уч яримда учрашишга келишгандик. Боядан бери уч марта эшик қоқдим, лекин ҳеч ким жавоб бермаяпти. Балки миссис Спенлоу қаергадир кетиб, кўйлаги эсидан ҳам чиқиб кетганмикин? Қизик, лекин у кўйлагини индинга тайёр бўлишини жуда ҳам истаётганди.

Мисс Хартнелл ўз эшигини очгач, мисс Политтга яқин келди-да:

– Глэдис ҳам жавоб бермаяптими? – дея сўради.–  
Лйтганча, бугун пайшанба-ку, унинг дам олиш куни! Балки,  
миссис Спенлоу ухлаб қолгандир? Сиз эшикни жуда секин  
тақиллатган бўлсангиз керак-да.

У эшик ҳалқасини ушлаб бир неча марта шунақанги  
қаттиқ тақиллатдики, қулоқни тешиб юбораёзди. Бу ҳам  
етмагандай, оёғи билан ҳам эшикни бир неча марта тешиб,  
баланд овозда:

– Ҳой! Уйда одам борми? – деб бақирди.

– Ҳеч ким жавоб бермади, – деди хайрон бўлган мисс  
Политт. – Менимча, мисс Спенлоу кўйлаги ҳақиқатдан ҳам  
эсидан чиқиб, бирор ёққа кетган бўлса керак. Кейин яна бир  
кириб ўтарман, – дея у аста кўча эшик томон юра бошлади.

– Бўлмаган гап! – унинг гапини бўлди мисс Хартнелл.– У  
ҳеч қаёққа кетмаган. У ҳолда мен уни йўлда учратган  
бўлардим. Ҳозир кўрамиз: бу ерда бирорта тирик жон  
борми ўзи.

У одати бўйича ҳазиллашаётганини билдириш учун  
хушчақчақлик билан кулиб қўйди-да, олдидаги дераза  
ойнасидан ичкарига кўз ташлади ва шу бир қарашнинг  
ўзидаёқ уйда ҳеч бир тирик жон йўқлигига амин бўлди ва  
бунинг акси – камин олдидаги гиламчада миссис Спенлоу  
ётганига кўзи тушди – у жонсиз эди.

– Лекин, – кейинчалик гапириб юрди мисс Хартнелл, –  
мен ўзимни йўқотиб қўймадим. Аммо анави қилтирик  
Политт эса шунақанги кўрқиб кетдики, ҳатто нима қилишни  
ҳам билмай қолди. “Шовқин солманг! – дедим мен унга. –  
Сиз шу ерда кутиб тулинг, мен бориб полицияни чақириб  
келаман”. У эса бир ўзи қолишга кўрқилини айтиб,  
нималардир деб мингирлади, мен бўлсам унга қулоқ ҳам  
солиб ўтирмадим. Бундай одамлар билан қаттиқроқ  
гаплашиш керак. Мен ҳали кетишга ҳам улгурмагандим,  
кўча бошида мистер Спенлоу кўриниб қолди. –  
Ҳикоясининг шу ерига келганда мисс Хартнелл уни ҳаяжон

билан тинглаётганлар: “Вой, худо! Хўш, у нима қилди?” деб сўрашларини кутиб, бир оз жим турди-да, яна давом этди: – Тўғриси айтсам, у менга бошиданок шубҳали туюлди. У жуда хотиржам, биласизми, ҳаддан ташқари хотиржам эди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек. Нима десангиз денг-у, лекин бу ғайритабиий эди.

Ҳамма унинг бу фикрига қўшилди.

Полиция ҳам шу фикрда эди. Кейинчалик, миссис Спенлоунинг эридан кўра анча бойроқ эканлиги ва васиятномага кўра унинг ҳамма пуллари эрига ўтиши маълум бўлгач, бу шубҳа яна ҳам мустаҳкамланди.

Жиноят маълум бўлгандан сўнг орадан ярим соат ўтгач, полиция мисс Марпл билан учрашди. Униқига маҳаллий констебель мистер Полк кириб келди. Унинг қўлида ёндафтари бор эди ва у маъноли қилиб ёндафтарига уриб қўйди.

– Хоним, бир-иккита саволимга жавоб берсангиз, дегандим.

– Миссис Спенлоунинг ўлдирилиши билан боғлиқ эмасми?

– Кечирасиз, сиз буни қаердан биласиз?– хайрон бўлди Полк.

– Балиқлар орқали, – деди мисс Марпл.

Констебель унинг бу жавобидан балиқ дўкончасида тарқатувчи бўлиб ишлайдиган болақайнинг янгиликни ҳаммага тарқатишга улгурганига амин бўлди. Унинг суҳбатдоши миссис Спенлоунинг ўз хонасида ётганлигини, уни, маълум бўлишича, балки ингичка камар билан бўғиб ўлдиришганини, лекин жиноят содир бўлган жойда ҳеч нарса топилмаганини ва яна бошқа нарсалар ҳақида аллақачон билишга улгурганини билди. Констебель бу “она сун оғзидан кетмаган Фред”дан аччиғи чиқа бошлаган эди, мисс Марпл унинг гапини бўлди:

– Мен ёқангизда тўғнағич кўряпман-а.

Констебель ҳайратланиб ўз мундирига қараб қўйди.

– Э-ҳа... биласизми, бу ҳақда нима дейишади? Тўғнағич топиб олиш – бу бахт топиб олиш дегани.

– Умид қиламанки, шу сафар бу гап тўғри чиқади. Энди айтиш-чи, мендан нимани билмоқчи эдингиз?

Полк йўталиб қўйди ва жиддий тортиб, ёндафтарига қаради.

– Менда марҳуманинг эри бўлмиш мистер Артур Спенлоунинг кўрсатмалари бор. Унинг таъкидлашича, сиз соат икки яримларда кўнғироқ қилиб, ундан соат учдан чорак ўтганда бир маслаҳатли иш билан сизникига кириб ўтишини сўрагансиз. Мен, ростдан ҳам шундай гап бўлган-бўлмаганини сиздан аниқлаб олмоқчи эдим.

– Албатта, йўқ, – деди мисс Марпл.

– Яъни, сиз соат икки яримда мистер Спенлоуга кўнғироқ келмагансиз, тўғрими?

– Икки яримда ҳам, ундан кейин ҳам кўнғироқ келмаганман.

– Шундай денг... – деб қўйди констебель ва мўйловининг учини бураб қўйди. – Мистер Спенлоунинг яна айтишича, у учдан ўн дақиқа ўтганда сизнинг олдингизга келган. Лекин у келганда, хизматкорингиз сизни уйда йўқ деган.

– Ҳа, бу рост, – деди мисс Марпл. – Мен Аёллар клубида эдим.

– Ҳа... – деб қўйди констебель Полк.

– Сержант, нима, сиз мистер Спенлоудан шубҳаланяпсизми?

– Ҳозирги шароитда аниқ бир гап айтиш қийин, лекин назаримда, исмини аниқ айтолмайман-у, кимдир мендан кўра айёрлик қилмоқчи.

– Ва сиз бу “кимдир”ни мистер Спенлоу деб ўйлаяпсиз, шундайми? – деди мисс Марпл.

Мистер Спенлоу унга ёқарди. Жиккаккина, қотмадан келган, бир оз тўпорироқ бўлса-да, ҳақиқий инсоннинг

тимсоли эди. Ундаги бошқаларга ғалати туюлган ягона нарса – унинг қишлоқда яшашни исташи эди. Унга тегишли ҳар бир нарсада унинг олдинги ҳаёти шаҳарда ўтганлиги билиниб турарди. Кунларнинг бирида у мисс Марплга ўзининг қишлоққа келиб қолиш тарихини сўзлаб берди: “Мен умр бўйи қишлоқда яшашни, ўзимнинг боғим бўлишини орзу қилардим. Мен ҳар доим гулларни жуда севганман. Менга турмушга чиққунга қадар хотинимнинг ҳатто ўз гул дўкони ҳам бўлган. Мен у билан ўша ерда танишганман”. Бу гапларда унинг нозик ҳис-туйғулари сезилиб турарди. Ва боғдорчиликдан у ҳеч вақонини тушунмаса-да, кўз олдида анча ёш ва келишган мистер Спенлоуни келтириш мумкин эди. У уруғлар, экин-тикин ва бошқалар тўғрисида ҳеч нарса тушунмасди. Унга ёқадиган нарса фақат анвойи ҳидлар уфуриб турган гулларга тўла боғи бор уй эди, холос. У мисс Марплдан берилиб маслаҳатлар сўрар ва эшитганларининг барини – биттасини ҳам қолдирмай, ҳаммасини ёндафтарига ёзиб борарди.

Мистер Спенлоу биров таниб биров танимайдиган камтарин инсон. Шунинг учун ҳам полиция у билан хотини ўлгандан кейингина қизиқиб қолди. Полицияга хос сабр-тоқат ва кунт билан киришилгандан кейингина, у бечора ҳақида унча-мунча маълумот йиғишга эришилди ва Сент-Мери-Мидда ҳеч нарсани сир сақлолмаганлари сабабли, тез кунда бу маълумотлар ҳаммага маълум бўлди.

Марҳума миссис Спенлоу ёшлигида бир бой оилада ошпаз бўлиб ишлар эди. У боғбонга турмушга чиққач, ишдан кетади ва эри билан бирга Лондонда гул дўкони очади. Дўкон яхшигина фойда келтириб, тез кунда гуркираб кетади, боғбон эр эса, аксинча, тез орада касал бўлиб вафот этади. Унинг беваси яна ҳам берилиб ишини давом эттиради ва бизнесини анча-мунча кенгайтиришга эришади. Сўнгра эса дўконини яхшигина пулга сотиб, меросга кичкина бир заргарлик корхонасини олган, унча ёш

бўлмаган мистер Спенлоуга турмушга чиқади. Кейинчалик заводни ҳам сотиб, эр-хотин Сент-Мери-Мидга кўчиб келишади.

Гул савдосидан тушган пулларни миссис Спенлоу спиритик сеансларида руҳлардан олган кўрсатмаларга амал қилиб, сармоя қилар эди. У бу ҳақда берилиб гапириб берарди. Унга дуч келган руҳлар жуда ҳам устомон эдилар. Миссис Спенлоу орттирган сармоялар жуда ҳам фойдали, таажжубланарли даражада фойда келтирар эди. Бундан келиб чиқиб, миссис Спенлоунинг спиритизмга ишончи янаям ортади, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин, бунинг акси бўлиб чиқади: бу ношукур аёл бирдан ҳамма нарсанинг баҳридан ўтиб, нафас олиш машқларини ўргатувчи қандайдир бир тезкор ҳинд гуруҳининг таъсирига берилиб кетади. Лекин, Сент-Мери-Мидга келгач эса, у яна ҳам ўсишда давом этади: инглиз черковининг ашаддий тарғиботчисига айланади. У кечаси ҳам, кундузи ҳам коҳиннинг уйида қолиб кетар, бирорта ҳам черков маросимини ўтказиб юбормасди. У дўконларга борар, кундалик янгиликларни муҳокама қилар ва ҳатто қарта ҳам ўйнади.

Бир-бирига ўхшаш сокин кунларнинг бирида тўсатдан қотиллик рўй берди.

Полиция бошлиги полковник Мелчетт инспектор Слэрни чақиртирди.

– Бу унинг эрининг иши, – ишонч билан деди инспектор. – Бунга шончим комил. Ҳатто хижолат ҳам бўлмади, хавотирланмади ҳам. Сиз уни бир кўрсангиз эди!

– У ҳаттоки ўзини ғамдан адо бўлган эрга ўхшаб кўринишга ҳам уринмадимми?

– Йўқ-да. Баъзи бировлар бирор нарсага уриниб кўришга ҳам қодир эмаслар. У менга хотини унинг жонини ҳиқилдоғига келтириб юборганга ўхшаб кўринаяпти. Хотинининг ҳаёли доимо бирор нарса билан банд бўлар



экан – гоҳ йога, гоҳ эса бир нарса. Охир-оқибат, эри ундан кутулишга аҳд қилган. Ҳамма нарсани ипидан-игнасигача ўйлаб чиққан.

– Унга бирортаси қўнғироқ қилган-қилмаганини аниқладингизми?

– Йўқ, аниқлай олмадим. Демак, у ёлгон гапирган ёки унга телефон будкасидан қўнғироқ қилишган. Бу ерда иккита телефон будкаси бор – бири вокзалда, иккинчиси эса почтада. Унга почтадан қўнғироқ қилишмаган, чунки миссис Блейд у ерга кириб-чиқадиган ҳаммани кўриб туради. Вокзалдан қилган бўлишлари мумкин. Соат иккидан йигирма етти дақиқа ўтганда у ердан поезд ўтади, у ер жуда сершовкин. Лекин мистер Спенлоу унга айнан мисс Марпл қўнғироқ қилганини таъкидлапти.

– Сизга кимдир уни атайин уйдан чиқишга мажбур қилгандек бўлиб туюлмаптими?

– Сиз ёш Тедди Жерардни назарда тутаясизми? Мен, албатта уни ҳам рўйхатга тиркаб қўйдим, лекин унда миссис Спенлоуни ўлдириш учун ҳеч қандай сабаб йўқ-ку?!

– Биз бу сабабларни билмаслигимиз мумкин. Унинг орқасида эса яхшигина гуноҳи бор: қандайдир пулларни еб кетган.

– У албатта – аблаҳ. Лекин ўшанда уй эгалари ҳали ҳеч нарсадан гумонсирашга улгурмасларидан, у ҳамма гуноҳларини бўйнига олган.

– У ҳозирда Оксфорд гуруҳининг аъзоси, – деди Мелчетт.

– Ҳа, у тўғри йўлга тушиб олди. Лекин мен барибир ўшанда ундан гумон қилаётганларини билиб, ўз айбини бўйнига олаётган гуноҳкор ролини ўйнаган, деб ўйлайман.

– Сиз скептик-шуҳратпарастсиз, Слэк, – деди полковник. – Айтганча, мисс Марпл билан бир гаплашиб кўрмайсизми? У жуда ҳам ақлли аёл.

Слэк бутунлай бошқа нарса тўғрисида гап бошлади:

– Сэр, мен сиздан яна бир нарса тўғрисида сўрамоқчи эдим. Ўлган аёл ёшлигида сэр Роберт Аберкромби уйида хизмат қилган экан. Ўша пайтда унинг уйдан бутун бир бойликка тенг қимматбаҳо тошлар йўқолган, ўғриларни эса топиша олмаган эди. Сиз нима деб ўйлайсиз, унинг бунга алоқаси йўқмикин? Яна бу Спенлоу ҳам тайини йўқ, бир тийинга қиммат заргарлардан – у олибсотар ёки шунчаки бир қаллоб бўлиши мумкин.

– Менимча, бундай бўлмаса керак. Ахир у пайтда бу аёл мистер Спенлоуни танимаган-ку. Мен бу ишни яхши эслайман. Ўша пайтларда полиция доираларида бу ишга хўжайиннинг ўғли Жим аралашган, деб ҳам ўйлашган эди. У безорининг жуда ҳам кўп қарзлари бўлиб, ўша ўғирликдан сўнг ҳамма қарзларидан қутулган эди. Қария Аберкромби эса бу ишни бости-бости қилиб кетишга ҳаракат қилганди – у полиция бу ишга аралашшини хоҳламаган эди.

Мисс Марпл инспектор Слэрни полковник Мелчетт юборганини билгандан сўнг, жуда ҳам илиқ кутиб олди.

– Полковник мени ҳали ҳам эсидан чиқармаганидан жуда хурсандман.

– Бўлмасам-чи! Жуда ҳам яхши эслайди. У айтдики, агар бу ерда сизнинг хабарингиз йўқ бирор ҳодиса рўй берган бўлса, демак, бу нарсани билишга ҳам арзимайди.


– Полковник томонидан бу жуда ҳам катта илтифот, лекин ишонинг, мен қотиллик ҳақида ҳеч нарса билмайман.

– Ҳеч бўлмаса, бу ҳақда нималар гапиришаётганини айтинг.

– Айтишга-ку айтаман-а, лекин ғийбатчиларнинг бўлар-бўлмас гапларини қайтаришнинг нима ҳожати бор?

– Бу суҳбатимиз сўроқ ёки расмий суҳбат эмас, – инспектор Слэк гап оҳангини ўзгартиришга ҳаракат қилди.

– Шунчаки, бир дилдан гаплашиб олсак, дегандим.



– Демак, сиз, одамлар қотиллик ҳақида нима дейишаётганини билиб, кейин ҳақиқатни аниқламоқчисиз, шундайми?

– Ҳа, худди шундай.

– Тушунарли. Бу ҳодиса тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар ва тахминлар бор. Агар айтиш жоиз бўлса, одамлар икки гуруҳга бўлинишди. Бир гуруҳ одамлар марҳуманинг эрини айбдор дейишяпти ва бу, албатта, табиий. Одатда биринчи шубҳа эрдан ёки хотиндан бўлади-ку, шундай эмасми? Бундан ташқари, бундай ҳодисалар одатда пулни деб содир бўлади, мен эса мистер Спенлоу хотинининг ўлиmidан кейин жуда ҳам бой бўлиб кетади, деб эшитгандим. Афсуски, бу телба дунёда бундай тахминлар жуда кўп ҳолларда тўғри бўлиб чиқади.

– Унга мерос қолган пулларни назарда тутадиган бўлсак, сиз ҳақсиз.

– Худди шундай. Бундан ташқари, бу ишни бажариш унинг учун унчалик қийин бўлмаган: хотинини бўғиб ўлдириб, орқа эшик орқали ҳовлидан меникига келиш, менинг бор-йўқлигимни сўраш, мен унга қўнғироқ қилиб чақирганимни айтиш ва уйига қайтиб кириш, гўёки хотинини унинг йўқлигида ўлдириб кетишгандек.

– Агар молиявий шароитни ҳисобга оладиган бўлсак, – гап бошлади Слэк, – айниқса, уларнинг охириги пайтларда бир-бирларига муносабатлари яхши бўлмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак...

– Бўлмаган гап, улар бир-бирлари билан жуда яхши эдилар, – мисс Марпл унинг гапини бўлди. – Агар улар хафалашиб қолишганда, бундан ҳамма аллақачон хабар топарди: уларнинг хизматкори Глэдис Brent буни бутун маҳаллага ёйиб чиққан бўларди.

– Хизматкор буни билмаган ҳам бўлиши мумкин... – ўзи ҳам ишонқирамай, эътироз билдирди инспектор, лекин мисс

Марпл унга қараб кинояли кулимсираб қўйди ва давом этди:

– Лекин бошқа бир гуруҳ одамлар ҳам борки, улар Тед Жерарддан гумон қилишяпти. У жуда ҳам келишган йигит. Афсуски, бундай тоифа одамлар атрофдагиларнинг эътиборини ҳаддан ортиқ ўзига тортади, ҳаттоки чегарадан ҳам чиқиб кетишади. Масалан, ўзимизнинг охириги капелланимизни олайлик – у ҳаммани ўзига ром қилиб қўярди. Қизларнинг ҳаммаси черковга боришни бошлашди – эрталаб ҳам, кечкурун ҳам. Ёши катта аёллар эса черковнинг ҳар хил хайрия акцияларида қатнаша бошладилар. Унга яна қандайдилар шиппаклар ҳам тикиб олиб келишдимиз-ей... Бечора роса хижолат бўларди... Тўхтанг. Мен нима ҳақида гапираётгандим? Айтганча, Тед Жерард ҳақида эди... Унинг тўғрисида ҳар хил миш-мишлар юрарди. У миссис Спенлоунинг уйига тез-тез келиб турарди. Миссис Спенлоу менга Теднинг қандайдир сектага... Оксфорд гуруҳи эди шекилли, аъзо бўлганлигини айтганди. Бу секта аъзолари ҳаммаси худога ишонган ва ўз эътиқодларига содиқ бўлган, миссис Спенлоу бунга жуда қизиқарди. Тедни у ерга, албатта, фақатгина диний қарашлари олиб келганига мен ишонаман, лекин одамларнинг қанақалигини ўзингиз яхши биласиз-ку... Кўпчилик миссис Спенлоу у йигитни деб эс-хушини йўқотиб қўйиб, унга жуда катта пул қарз берганлигига ишонади. Бундан ташқари уни ўша куни вокзалда соат иккию йигирма еттида келадиган поездда кўрганлар ҳам бор. Унинг учун вагоннинг бошқа томонидан тушиб, йўлни кесиб ўтгач, девордан сакраб ўтиш, сўнг эса буталарнинг у томонига ўтиш ҳеч ҳам қийин эмас эди. Агар шундай бўлса – у Спенлоуларнинг уйигача кўринмай пусиб бориши мумкин эди. Ха, айтганча ҳамма миссис Спенлоунинг кийган кийимидан ҳайратланыпти.

– Ҳайратланыпти?

– У кўйлакда эмас, халатда эди, – мисс Марпл бир оз кизаринқиради. – Баъзилар бунда бир гап бор, деб ўйлашяпти, мен эса бу табиий деб ҳисоблайман.

– Бу сизга табиий туюлаяптими?

– Ҳозирги шароитда – ҳа. – Мисс Марпл инспекторга хотиржамлик билан ва бир оз ўйланиб жавоб берди.

– Демак, яна эрини айблашга қайтамиз. Сабаб – рашк.

– Йўқ, йўқ, мистер Спенлоу рашк нималигини билмайди! Агар хотини игналар санчиладиган ёстикчага бирорта хатчани қадаб, ундан қочиб кетсагина у бирор нарсани сезган бўлармиди. – Мисс Марпл Слэкка тикилиб қаради ва унга аёлнинг гапларида қандайдир тушунарсиз шама бордек туюлди. – Инспектор, бирорта из топдингизми?

– Мисс Марпл, бизнинг давримизда қотиллар из қолдиришмайди.

– Менга эса бу айнан урфдан қолган қотилликка ўхшаб туюлаяпти.

– Сиз шундай деб ўйлаяпсизми? Илтимос, тушунтириб берсангиз.

– Балки сизга констебель Полк ёрдам берар, – секингина деди мисс Марпл. – Жиноят содир бўлган жойга у биринчи бўлиб борган.

Мистер Спенлоу боғдаги ўриндикда ўтирар, унинг кўриниши жуда аянчли эди. У аста шундай деди:

– Балки менга шундай туюлгандир, лекин мен болакайнинг менга қараб “Ҳой, сен мабодо Криппенни танимасмидинг?” деб бақирганини аниқ эшитдим. Ахир Криппен дегани бу – ўз хотинини ўлдирган шахс-ку. Ва менинг хаёлимга: “У менга хотинимни мен ўзим ўлдирганимни айтмоқчи бўлдими?” деган фикр келди.

Мисс Марпл эҳтиёткорлик билан куриб қолган гул ғунчасини қирқиб ташлади:

– Албатта, у худди шундай демоқчи бўлган.

– Ох, худойим, ахир ёш болага бу гапни ким уқтирганкин?

– Тушунарли, – йўталиб қўйиб деди мисс Марпл, – бола ота-онаси ўзаро суҳбатлашаётганини эшитган бўлса керак.

– Сиз ҳақиқатдан ҳам кимдир шундай деб ҳисоблайди, деб ўйлаяпсизми?

– Сент-Мери-Мид аҳолиснинг қоқ ярми шундай деб ўйлапти.

– Ахир қандай қилиб бундай нарса хаёлга келиши мумкин? Ахир мен, ўрناق олса бўладиган, хотинини суядиган эр эдим-ку. Бахтга қарши, кишлок ҳаёти унга ёқмасди, лекин иккита инсон ҳар доим ҳам ҳамма нарсада бир-бирларига тўғри келавермайди-ку. Сизни ишонтириб айтаманки, хотинимнинг ўлими менга жуда қаттиқ таъсир қилди.

– Тушунаман. Лекин, мени кечирасиз-у, сизнинг кўринишингиздан бундай деб бўлмайди.

Мистер Спенлоу ўзининг жиккак қадини ростлади.

– Ҳурматли мисс, мен бир пайтлар ўз хотинидан айрилиб, кўчада бемалол занг чалиб юрган (занг уриш хитойликларнинг кундалик ўйини шекилли) хитой файласуфи ҳақида ўқигандим. Унинг ўзини қўлга ола билиши шаҳар аҳолисида катта таассурот қолдирган эди.

– Афсуски, Сент-Мери-Мид аҳолиси учун хитой фалсафаси бегона.

– Лекин, умид қиламанки, сиз мени тушунарсиз?

– Мен тушунаман. Менинг Генри амаким доим: “Ўз ҳиссиётларингни ҳеч қачон билдирма”, деб таъкидларди. У ҳам гулларни жуда севарди.

– Мен ғарб томонда айвонча қуришни режалаштираётгандим, – заҳархандалик билан деди мистер Спенлоу. – Атиргулми ёки глициниялар билан атрофини ўраб... Ва яна битта гул бор, оппоқ, гулбарглари ёйилиб туради, афсуски, ҳозир номини эслай олмаяпман...

Мисс Марпл ўзининг уч ёшли набира жияни билан гаплашадиган оҳангда деди:

– Менда расмлари билан берилган гулларнинг жуда яхши рўйхати бор. Кўриб чиқасизми? Ҳозир, мен бир неча дақиқага сизни ёлғиз қолдираман.

Мисс Марпл мистер Спенлоуни кўлида рўйхат билан ёлғиз қолдириб, ўз хонасига қараб кетди. У ерда қоғозга қандайдир кўйлакни ўраб, уйдан чиқди ва почта томонга қараб жадал йўл олди. Тикувчи Политт почта жойлашган бинонинг иккинчи қаватида яшар эди. Лекин мисс Марпл у ерга бирданига кирмади. Соат роппа-роса икки ярим эди, дарвоза олдида Мач Бенхэмдан келган автобус тўхтади. Ичкаридан почта ходимаси кўплаб тугунлар, қутилар, халталар билан – ўзининг асосий ишидан ташқари у яна ширинликлар, арзон китобчалар ва болалар ўйинчоқлари билан ҳам савдо қиларди, – чиқиб келди. Миссис Блейд қайтиб келгандан кейингина мисс Марпл юқорига кўтарилди, эшикни тақиллатиб, тикувчи билан учрашди ва ундан ушбу кўйлакни агар иложи бўлса замонавийроқ қилиб қайта тикиб беришни сўради. Мисс Политт ҳаракат қилиб кўришга ваъда берди.

Полиция бошлиғи Мелчетт мисс Марплнинг ташрифидан жуда ҳайрон бўлди.

– Тўғриси айтсам, сизни безовта қилиш менга ноқулай, жуда ҳам ноқулай. Полковник, биламан, сизнинг ишингиз бошингиздан ошиб ётибди, лекин сиз ҳар доим шундай хушмуомаласизки, шунинг учун мен инспектор Слэк эмас, сизнинг олдингизга келишга қарор қилдим. Тўғриси айтсам, констебель Полкда кўнгилсизликлар бўлишини хоҳламайман. Лекин, барибир, у қотиллик бўлган жойда ҳеч нарсага тегиши керак эмас эди.

– Полк дейсизми? Сент-Мери-Миддаги констебелми? У нима қилиб қўйди?



– Тўғнағични олибди, тушуняпсизми? Олиб, лацканига тақиб қўйибди. Мен ўша захоти, буни Спенлоунинг уйидан олган бўлса керак, деб ўйладим.

– Хўп, майли, шундай деб фараз қилайлик. Лекин, тўғнағичнинг бунга нима алоқаси бор? Тўғри, у ҳеч нарсага тегиши керак эмасди, лекин бу тўғнағич экан-ку, аёллар ишлатадиган оддийгина тўғнағич.

– Йўқ, полковник, сиз янглишаяпсиз. Бу бошқача тўғнағич, жуда ҳам ингичка, уларни мана бундай қутичаларда сотишади. Улардан тикувчиларгина фойдаланишади.

Мелчетт мисс Марплга тикилганча қараб қолди: у эндигина бирор нарсани тушуна бошлаганга ўхшарди. Мисс Марпл бошини қимирлатиб қўйди:

– Ҳа-ҳа, ҳаммаси очиқ-ойдин кўриниб турибди. Миссис Спенлоу халатда эди, чунки у янги қўйлагини кийиб кўришга тайёрланиб турганди. Мисс Политт унга яна бирор нарсани ўлчаб кўриш кераклигини айтган бўлса керак – бўйнига ўлчагични ташлаган – учини айлантириб бурашгина қолган. Мен суриштириб кўрдим, бу унчалик қийин эмас экан... Шундан сўнг мисс Политт хотиржамгина ташқарига чиққан, эшикни ёпган ва худди эндигина келгандек эшикни тақиллата бошлаган. Лекин бу тўғнағич унинг миссис Спенлоунинг уйига аллақачон кириб, чиққанини тасдиқлайди.

– Сиз мистер Спенлоуга ҳам у кўнғироқ қилган деб ўйлайсизми?

– Албатта. У икки яримда почтадан кўнғироқ қилган – бу пайтда автобус келади ва бир неча дақиқа давомида у ерда ҳеч ким бўлмади.

– Лекин, нима учун, азизим мисс Марпл, нега? Ахир одамларни шунчаки, ҳеч қандай сабабсиз ўлдиришмайди-ку?

– Менинг тушунишимча, бу жинойтнинг илдизи жуда чуқур. Биласизми, менинг иккита амакиваччам бўларди – Энтони ва Гордон. Энтони нимага қўл урса доим омади келарди, бечора Гордоннинг эса ҳеч иши юришмасди: гоҳ пойгада отининг оёғи синарди, гоҳ биржада акцияларнинг, гоҳида ер участкаларининг нархи тушиб кетарди... Менимча, ўша ўғирликда бу икки аёлнинг ҳам қўли бўлса керак. Хизматкор ва ошпазнинг. Ўша пайтда битта нарсани охиригача ҳал қилишмаган: ошпаз аёл богбонга турмушга чиқибди, гул дўкони сотиб олиш учун пулни улар қаердан олишган? Жавоб оддий – бу унинг ўғирликдан тушган пуллардан ҳиссаси эди. Ҳа, менимча “ўғирликдан тушган пуллар” десак жуда тўғри бўлади. Шундан кейин у нимага қўл урса ҳамма ерда омади чопаверади. “Пул пулни чақиради”, деган гап худди унга қарата айтилгандек. Лекин иккинчи аёл эса жуда ҳам омадсиз бўлиб чиқади: охири бориб-бориб у оддийгина тикувчи бўлиб қолади. Улар учрашиб қолишади. Бошида ҳаммаси сип-силлиқ эди, лекин кейин бу йигитча – Тед Жерард пайдо бўлади. Менимча, миссис Спенлоу олдинлари ҳам виждони қийналган, ахир у жуда таъсирчан ва художўй бўлган-ку. Тед, албатта, миссис Спенлоунинг “ўз гуноҳларини бўйнига олишини, худо олдида юзини ёруғ қилиб олишини” талаб қилиб туриб олади. Билишимча, Тед уни кўндирган ҳам бўлса керак. Лекин мисс Политт эса қамоққа тушишни ҳеч ҳам истамайди ва айбини бўйнига олишга қаршилиқ қилишга қарор қилади. У ҳар доим ҳам жоҳил ва номуссиз бўлса керак. Агар виждонли ва тентак мистер Спенлоуни ушбу жинойтда айбдор қилишса, бу аёл пинагини ҳам бузмаган бўларди.

– Ҳа, – гап бошлади полковник. – Буни текшириб кўрамиз. Мисс Политт ҳақиқатан ҳам ўша уйда хизматкор бўлиб ишлаганлигини аниқлашимиз мумкин, лекин...

– Бунинг қийин жойи йўқ, – мисс Марпл уни тинчитди. – У ҳамма нарсани дарров бўйнига олади. Ва яна менда унинг ўша ўлчагичи бор. Мен уни... ўғирлаб олдим. Биласизми, ушбу ўлчагич билан унинг жиноятини исботлаш мумкин ёки мумкин эмаслигига бу аёлнинг ақли етмайди. – Мисс Марпл уни тинчитаётгандек жилмайиб қўйди. – Ишонаверинг, ҳаммаси силлиқ битди.

Бу сўзларни у, полковник қачонлардир Санджерстдаги ҳарбий академияга имтиҳон топшириш учун кетаётганида ҳоласи уни кузатиб омад тилаётганда айтгандек оҳангда айтди.

Полковник эса ўша куни имтиҳондан муваффақиятли ўтган эди.

*Инглиз тилидан  
Муҳаббат Исмоилова таржимаси*

## ТҮРТ ДЕВОР ОРАСИДА

– Қотилликдан ҳам оғир жиноятлар бор, – деди кулранг костюм кийган пакана киши. – Электр курсисидан баттароқ жазолар ҳам йўқ эмас.

Нотаниш кимсалар доим менга ҳар хил воқеаларни гапириб беришади. Бар, ресторан ёки поездда уларнинг бири-биридан ажабтовур ҳикояларини тинглаганман. Лекин ўша куни гап бошлаган кулранг костюмли киши бегоналар билан бемалол гурунглашаверадиган улфат одамга ўхшамасди. Унинг оқ оралаган соқоли бужмайган оғзини тўсиб турар, кўзига қалин гардишли кўзойнак таққанди. Барменга яна пиво буюрганамда телевизор яқинида ўтирганлар ўлим жазосини муҳокама қилишаётганди. Ораларидан кимдир бу жазо ҳозирги замонга – инсоният эришган бугунги тамаддунга мос келмаслигини атрофдагиларга уқтирди.

– Тамаддун? – деди ёнимда ўтирган кулранг костюмли энсаси қотиб. – У ўзи нима? Уч-тўртта билагон ўйлаб топган сохта дунёми? Одамзод ёввойилигича қолган, оғайни. Аввал тоғдаги ғорда яшардик, энди жиҳозланганида яшяпмиз, тамом-вассалом. Сабаб топилди дегунча ҳайвондан фарқ қилмаслигимизни кўрсатиб кўямиз.

У стаканидаги ях солинган арокдан ҳўплади.

– Мисол учун Мортонни олайлик. Бу дунёда Мортондан маданиятлороқ одамни топиш қийин эди, мен сизга айтсам. Бутун умр қонуну ахлоқ доирасидан четга чиқмаган, мусиқа ва санъатни ардоқлаган, кўй оғзидан чўп олмаган сахий киши. Мортон инглиз, инглиз халқи эса унча-мунчага пинагини бузмайдиган оғир-вазмин халқ. Еру кўкка ишонмаган арзанда қизи Люсигина Мортондаги меҳрни юзага чиқара оларди. Қизи ҳаётининг мазмуни эди.

Кунлардан бир куни Люси ўзини сувга ташлаб жонига қасд қилди. Бошига тушган жудоликдан гангиб қолган Мортон кўп ўтмай қизининг ўлимида бегона бир эркакнинг айби борлигини билди. Шундан сўнг унинг юрагидаги азоб ўрнини нафрат эгаллади. У ҳали бирор марта бунчалик кучли нафратни ҳис қилмаганди.

Люсининг ўлимида айбдор йигитнинг исми Дэвис эди. Бўйи олти фут келадиган бу спортчи йигит қиз билан коллежда танишган, Люси уни қаттиқ севарди. Қизнинг ўз жонига қасд қилишига Дэвиснинг хиёнати сабаб бўлди.

Мортон дастлаб Дэвисга ўхшаган номардлар бу дунёда камми деб ўзини юпатишга, кўнглидаги нафратни ҳайдашга уринди. Лекин бир куни бу аблаҳ Люсига ўхшаган қизларни найпоқдай алмаштириши ҳақида эшитди-ю, ундан ўч олишга аҳд қилди.

Агар Мортон мексикалик бўлганда Дэвиснинг олдига бориб уни итдек отиб ташларди. Лекин у инглиз эди, ҳамма ишни режа билан бажарарди.

Дастлаб Дэвисни азоблаб ўлдириш учун қулай жой топиш керак. Мортон шаҳарма-шаҳар кезиб, ниҳоят жазо учун мос бино – кўпқаватли иморатнинг томида қурилган қулай бир пентхаусни топди.

Пентхаусни ижарага берадиган ташкилот вакилига ўзининг хориждан мол келтирадиган савдогар эканини айтиб, сохта ном билан уйни ижарага олди. Кейин эшикни кулфлади-да, ҳеч нима кўрмагандек ортга қайтди.

Шундан сўнг у эшик очилмаганига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар уч-тўрт ойда ижарага олинган уйига қатнаб турди. Мортон ижарага берувчи ташкилот вакилига уйда қиммат моллар сақланишини, унинг рухсатисиз ҳеч кимни ичкарига киритмаслик лозимлигини қайта-қайта тайинлагани учун бир йил давомида ичкарига ўзидан бошқа бирор зот кирмади. Энди Мортон бамайлихотир режанинг иккинчи қисмига ўтиши мумкин.

У сохта фирма номидан Дэвисга яхши ҳақ тўланадиган иш таклиф қилиб хат ёзди. Йигитдан жавоб хати келгач, телефонлашиб ижарага уй олган ўша шаҳардаги бир ресторанда учрашишни таклиф қилди. Дэвисни бошқа биров билан адаштирмаслиги учун ҳар эҳтимолга қарши ёзган хатини ҳам олиб келишни ундан илтимос қилди. Аслида Мортон ҳалитдан бўлғуси жинойт изларини йўқотаётганди.

Қадди-басти келишган, гавдали йигит жилмайганча ресторанга кириб келганда бир чеккада уни кутаётган Мортон кўшни столларда ўтирган аёллар Дэвисга суқланиб қараётганини пайқади.

Турган гапки, Дэвис Мортон ўзи бир вақтлар ташлаб кетган Люсининг отаси эканини билмасди. Йигит иш ҳақидаги таклифга рози бўлгач, икковлон ресторандан чиқиб, Дэвиснинг машинасида ижарага олинган уйга кетишди. Мортон оёқнинг чигалини ёзайлик деб уйдан икки даҳа нарида шеригига машинани тўхтатишни буюрди. Икковлон кўпқаватли бинога пиёда кириб келишганда кўчага қоронғи тушган, вақт алламаҳал бўлганди. Уларнинг лифтда пентхаусга кўтарилаётганини ҳеч ким кўрмади.

Буқадай бақувват Дэвисни йиқитиш учун Мортон алдаб-сулдаб унга уйқудори аралаштирилган уч стакан виски ичирди. Ниҳоят, йигитнинг кўзи қисилиб, кўп ўтмай донг қотиб ухлаб қолди. Барзангини юмшоқ ўриндикдан бир амаллаб кўтариб, тор зина орқали пентхауснинг юқори қаватидаги хонага олиб ўтгунча Мортоннинг бўлари бўлди.

Авваллари ҳовуз вазифасини ўтаган бу юмалоқ хона ғалати қурилганди: қалин деворлардан товуш ўтмайди, шифтдаги кичкина туйнукдан бошқа дарча йўқ, вентилятор ва ҳаво совутгичгина ичкаридаги одамни димиқишдан асрайди. Уйда аввал яшаган кўшиқчи хонадан студия сифатида фойдаланган экан. Мортон ҳам айнан шу хона

туфайли пентхаусни ижарага олганди. Бу хона унга мундонни эслатарди.

Дэвисни ичкарига олиб кириб, камари ва пойабзалини олиб олган Мортон унинг чўнтагидан ўзи ёзган хат, машина қалити ва бошқа майда-чуйда нарсаларни олди-да, хонанинг эшик-замбил эшигини кулфлаб ташқарига чиқди.

Энди икки даҳа нарида турган Дэвиснинг машинасини мундон қилса бўлгани. Бунинг йўли осон. Мортон машинани шаҳарнинг нариги чеккасидаги безорилар йиғиладиган қиморхонанинг ёнига олиб бориб кўйди. Ўша кунийёқ қалити ичкарида қолган уловни ўмариб кетишди.

Боши оғриқдан тарс ёрилай деб уйғонган Дэвис қаерда ўтганини билолмай атрофга узоқ аланглади. У деворларига широкли нақшлар солинган, диаметри йигирма футча келадиган ғалати юмалоқ хонада ётарди. Рўпарасидаги телевизор ёқилган, пазандалар ҳақидаги алламбало кўрсатув бўлаяпти, ҳаво совутгич ғувиллайди. Хонанинг эшиги ёпиқ. Атрофида ҳеч ким йўқ.

У ўрнидан турмоқчи бўлганди, чап тўпиғи зирқираб кетди. Оёғини қисган пўлат занжирнинг нариги учи бетон деворга маҳкамланган ҳалқага уланганди.

Дивандан узоқлашолмаслигини тушунган Дэвис хаёлини бир жойга жамлашга уринди. Олти футча наридаги стол устида тунука кўза турарди. У бир оёқда туриб чўзилганча кўзани олиб, қултиллашиб сувдан ичди. Столнинг устида беш-олтита бўлка нон ҳам бор экан. Лекин Дэвиснинг ҳеч нарса егиси келмаётганди. У диванга ўтириб, кеча нима бўлганини бир бошидан эслаб бошлади.

Кеча ресторанда Мортон билан учрашиб, унинг уйига келгани Дэвиснинг ёдида эди. Бирга ичишгани ҳам эсида. Демак, мастлигида Мортон унинг оёғига кишан солиб, шу ерга қамаб кетган. Лекин нега? Мортоннинг унда нима касди бор? Унга нима ёмонлик қилган бўлиши мумкин? Дэвис ўйлаб ўйига етолмасди. Охири бу аҳмоқона ҳазил

бўлса керак деб, оёғини боғлаб турган занжирга тармашди. Йўқ, бу мустаҳкам пўлат занжир ўйинчоқ эмасди. Уни деворга ўрнатилган пўлат ҳалқадан узиб олиш ҳам, оёғидан ечиб олиш ҳам амримаҳол.

Дэвис беихтиёр тамаки қидириб чўнтагига қўл солди-ю, тамакисиниям, ҳамён, ручка, чопқи, гугурт ва тангалариниям Мортон олиб кетганини тушунди. Нима бало, бу Мортоннинг эси жойидами? Балки у телбадир? Дэвис унинг номини айтиб уч-тўрт марта бақирди. Бефойда. Хонада телевизордаги пазанда қизнинг овози-ю, ҳаво совутгичнинг бир маромда ғувиллашидан бошқа товуш эшитилмасди.

Дэвис унча-мунча хатарни писанд қилмасди. Лекин ҳозир ростакамига кўрқа бошлади. Мортон деганлари ким бўлди экан? Иш таклиф қилиб юборган хатида “Таклифимни ҳеч ким билмасин. Фирмамизнинг иш услуби шундай”, деб ёзганди. Дэвис унинг таклифини ҳеч кимга ҳатто иккита энг яхши кўрган кизига ҳам айтмаган. Демак унинг бу ердалигини биров билмайди. Квартирасининг эшигини қулфлаб келган. У ёққа ҳам яқин орада ҳеч зо қадам босмаслиги аниқ.

Балки Мортон ўша кимсанинг асл исми эмасдир. Дэвисни алдаб бу ерга қамаш учун фирма ҳақида уйдирмо тўкиган бўлса-чи? Дэвис алаמידан буқадай бўкириб, бо куч билан занжирни тортаверди. Охири тинкаси қуриб хансираганча диванга қулади.

Унинг дод-войини ҳеч зоғ эшитмасди. Пентхауснинг остидаги кўпқаватли бинодагиларга унинг товуши ети бормаётганди.

“Агар эрингизни хурсанд қилмоқчи бўлсангиз, унга ман бунақа мазали таомлар пишириб беринг”, дед телевизордаги ошпаз жилмайиб. Энди фақат шу телевизор хонадаги сукутни бузарди. Ёрдам сўраб додлайверганидан овози бўғилган Дэвис чарчаб ухлаб қолди. Уйғонганид

телевизордаги ошпаз бир тўда аёлга ҳар хил савол бераётганди. Энг кўп тўғри жавоб берганларга кир ювиш машинаси, электр плита ва шунга ўхшаш бошқа совғалар бериларкан.

Экранга беш-ўн дақиқа бақрайгач, Дэвиснинг томоғи кўкраб, столдаги кўзага қўл чўзди. Кеча сув ичиб, жаҳл устида кўзани улоқтиргани эсидан чиққанди. Столнинг идиш турган жойи намиққан эди. Энди билса шифтга ўрнатилган чўзинчоқ резина халтадан стол устидаги кўзага ҳар дақиқада икки-уч томчи сув томаркан. У кўзани улоқтиргани учун сув столга томиб исроф бўлаётганди.

Дэвис ўзини босиш учун чуқур-чуқур нафас олди-да, камзулини ечиб, уни хонанинг ўртасида ётган кўзага отди ва худди балиқ овлагандек идишни камзул билан тортиб олиб аввалги жойига қўйди. Энди сув тўлишини бир соатча кутиш керак. Шу пайт унинг нигоҳи камзулнинг кўкрак чўнтагидан тушган қоғозга қадалди. Машинкада ёзилган бу хатда шундай сўзлар битилганди:

“Мен зарур иш билан кетаяпман, дўстим. Келгунимча уйимда бемалол меҳмон бўлинг. Стол устидаги нарсалардан сиб-ичиб ўтиринг. Қачон келишим номаълум. Уч-тўрт кун ушланиб қолсам керак. Мортон”.

Бу жин ургур Мортонни огилхонага боғланган молдек тўрт кун кутиши кўз олдига келиб Дэвис яна додлай бошлади. Лекин бу сафар у тез ҳолдан тойди. Ҳозир қанча бақирсаям барибир ҳеч ким ёрдам бермайди. Қош қорайиб, ҳамма ишдан қайтган маҳал додлаш керак. Шунда пастда нишаётганлардан кимдир, албатта, унинг овозини эшитади.

Кўнглида учқунлаган умиддан хиёл тетиклашган Дэвис столдаги бўлкаларни санади. Ўттизта нон бор экан. Хаёлига келган гумондан сесканиб кетди. Наҳотки Мортон уни бу ерда ўттиз кун ушлаб турмоқчи бўлса? Бир ой-а! Ё, анграм! Йўқ, буларнинг бари ҳазил. Бир-икки соатдан кейин Мортон тиржайганча кириб келиб, унинг бардошини

синамоқчи бўлганини, Дэвис имтиҳондан яхши ўтганини айтади. Кейин иккаласи қиттак-қиттак ичиш учун бўлаётиган хонадан ташқарига чиқишади...

Дэвис бир соатча ўзини шу ўй билан овутиб ўтирди. Аслида у соат неччилигиниям аниқ билмас, телевизордаги кўрсатувларнинг ўзгаришига қараб вақт ўтаётганини ҳам чамаларди. Бу гал телевизордаги танлов иштирокчиларининг ичида совғаси бор кутини топиш шарти қўйилганди. Бир кун аёл танлаган кутисидан карам бўлаги чиққанини кўриб, кўра афтини бужмайтирди. Унинг дугонаси эса кутисидан минг долларлик чек ва дўкондан хоҳлаган пўстинни танлаш имконини берувчи сертификат топиб олиб шодликдан қийқириб юборди. Беш минг долларлик чек ютган жувон эса ҳушидан кетиб қолди.

Тунука кўзага бир хўпламча сув тўпланибди. Дэвис қақраган лабларини ялаб сувни сипқорди-да, кўзани жойини кўйдди. Кейин ўзини мажбурлаб бўлка нондан бир-иккита тишлам еди.

Ниҳоят, телевизорда кечқурун соат еттида бериладиган янгиликлар бошланди. У янгиликлар тугагини сабр билан кутди. Пастдаги кўшнилар ишдан қайтган бўлса керак. Уларни ёрдамга чақириб вақти келди. Дэвис “Ёрдам беринг! Мени кутқаринг!” деб бор овоз билан беш дақиқача бақирди. Кейин бир оз дам олиб, яна дод солди. Томоғи бўғилиб қолгунча ўкира-ўкира охири ҳолдан тойиб диванга чўкди.

Унинг овозини ҳеч ким эшитмади. Хонанинг деворларга товуш ўтказмайди қилиб қурилганига ниҳоят унинг ақли ета бошлади. Лекин Дэвис таслим бўлмоқчи эмасди. Ахир ундан бор-йўғи ўттиз-ўттиз беш фут пастда одамла яшайди. Тепадаги шовқинни кимдир барибир эшитиш керак-ку. Лаънати Мортон пойабзалиниям ечиб олибди деворга уриб таққиллатадиган ҳеч вақо йўқ. Ўзи ўтирган

диван ҳам, кўза турган стол ҳам полга михланган. Шифтдаги туйнукка эса етиб бўлмайди.

Ёрдамга ҳеч кимни чақира олмаслигини тушунган Дэвис ниди ростакамига кўрқа бошлади. Мортон уни нима қилмоқчи? Наҳотки у қайтмаса? Юрагига ёпирилиб келаётган ваҳимани ҳайдаш учун у ярим тунгача телевизорга бақрайиб ўтирди. Ҳамма кўрсатувлар тугаб, экранда жимирлаётган оқ доғдан бошқа ҳеч нарса қолмагач, ўтиб ухлади.

Ортаси куни уйғониб қаерда ётганини эслолмади. Кейин бари ёдига тушиб, яна додлаб одамларни ёрдамга чақирди. Индинига ҳам, ундан кейинги кунлар ҳам худди шу зайлда ўтди. Дэвис ора-орада кўзадаги сувдан ичиб, бўлка нондан одамларни тинмай ёрдамга чақирар, лекин кўпқаватли ушкан бинонинг томидаги зиндонда ётган маҳбуснинг овози ҳеч кимга эшитилмасди...

Шу ерга келганда кулранг костюмли пакана ҳикоясини тўхтатиб соатига қаради-да, ўрнидан кўзгалди.

– Самолётга кечикаяпман, – деди у. – Сизни зериктириб қўймадимми?

– Шошманг! – дедим мен. – Дэвисга кейин нима бўлган?

– Ўттиз кундан сўнг нон ва сув тугаган. У ёғига... – костюмли киши елка қисди.

– Хўш?

– Орадан икки йил ўтсаям ўша уйга ҳамон ҳеч ким қадам босмаган, – деди пакана маъюс жилмайиб. – Ижара ҳаққини Мортон Европадан туриб банк орқали жўнатади. Ижарага берувчининг кўнгли тўқ. Ичкарида нима сақланиши билан уларнинг нима иши бор?.. Қизик, вақти келиб эшик очилгач, ўша хонада бир пайтлар Дэвис ётганини аниқлай олишармикан? Мортонни топиш қўлларидан келармикан? Ахир Мортон қасдини олган ўша одамнинг сохта исми-ку?

Пакана кетгач, унинг ортидан тикилганча ўтиравери-ман. Кўнглимга келган гумондан шошиб ташқарига



чикқанимда у аллақачон оломонга сингиб кетганди. Атрофга алангладим. Ҳаммаёқ кўпқаватли иморат. Дэвис камалган ўша хона қайси бинода экан-а? Балки бу шаҳарда эмасдир. Бармендан боя мен билан гаплашган одамни танийсизми деб сўрасам, биринчи марта кўришим, деди.

*Рус тилидан  
А.ОТАБОЕВ таржимаси*

Фрэнк ГРУБЕР

## ШУМҚАДАМ БЕВА

Телеграммани ўқиб гангиб қолдим, бироз кўрққаним ҳам рост. “Роберт Соммерсга. “Риц” меҳмонхонаси. Нью-Йорк. Нима бўлган тақдирда ҳам Жозефина Коллинзга уйлана кўрманг. Тез орада етиб бораман. Жоан Ремингтон, Оклахома штати, Прохазка шаҳарчаси”.

Мен ҳеч қанақа Жоан Ремингтонни билмайман. Оклахома штатининг Прохазка шаҳарчасида танишим ҳам йўқ. Қизиқ, Оклахомадаги аллақандай бир аёл Жозефинага уйланишимни қаёқдан билган? Ва у нима учун уйланишимга қаршилиқ қиляпти? Жозефина эрга тегаётгани учунми? Ахир, у беш ҳафтача бурун бева қолганди-ку?

Шунга қарамай биз тезроқ турмуш қуришга қарор қилдик. Ральфни ҳаммамиз ёқтирардик, у ҳам бизни яхши кўрарди.

Тушлик олдидан Жозефинага кулгиси қисташи учун телеграммани ўқиб бермоқчи эдим. Лекин у шундоғам қувноқ ва фусункор эдики, яхшиси кўрсатмаганим маъқул, деб ўйладим.

Эртаси куни биз турмуш қурдик. Жозефинанинг хизматкори ва таксичи гувоҳ бўлишди. Никоҳ маросимидан сўнг дарҳол йўлга отланиб, асал ойини ўтказиш учун Ниагара-Фоллзга жўнадик.

Ниагарага тонг шаҳарда етиб келдик ва “Честер Хаус” меҳмонхонасига жойлашиб, кийимларимизни алмаштириб олдик, сўнг нонушта қилиб, сайрга чиқдик. Ўша куни дунёда мен ва Жозефинадан бахтиёр инсон йўқ эди. Ҳалиги галати телеграмма ҳам хаёлимдан кўтарилиб кетганди. Аслида Жозефинага ўхшаш малакка уйланишни фақат орзу қилиш мумкин.

Эртаси куни эрталабдан телефон жиринглаб қолди. Бу пайт Жозефина ҳамон ухлаб ётар, мен эса ҳаммомда соқолаётгандим.

– Ҳа? – дедим секингина.

– Жаноб Соммерс? – аёл кишининг овози эшитилди гўшакдан. – Жоан Ремингтонман. Сизга Нью-Йоркдан телеграмма юборгандим. Меҳмонхонангизнинг холлиди турибман. Тезда учрашишимиз керак.

Ҳайратда қолганимдан телефон гўшагини қўлимдан тушириб юборай дедим. Бу аёл нега бизни таъқиб қиляпти ўзи? Никоҳимизни тўхтатиш учун нега узоқ йўл босиб Оклахомадан Нью-Йоркка келди? Мана энди, оилани қурганимизга қарамасдан, бизни ранжитиш учун яна саккиз юз километр йўл босиб, бу ерга келиб ўтирибди.

Ширин уйқуда ётган Жозефинага қараб бош ирғат қўйдим.

– Кечирасиз, мен ҳатто нима ҳақда гаплашишимизни ҳам билмайман.

– У ҳолда мен ўзим хонангизга чиқаман, – деди у қатъий тарзда.

Жозефина кўзларини очиб, жилмайди.

– Яхши, мен ҳозир тушаман, – дедим ва гўшакни жойига қўйдим. – Хайрли тонг, азизам.

– Ким у? – шивирлади малагим.

– Хизматкор, – дедим ёлғон гапириб. – Ишхонамдан телеграмма келганмиш. Сени уйғотиб юбормаслик учун ўзим тушаётгандим. Бироз сайр ҳам қилиб келаман, шу сабаб ўрнингдан туришга шошилмасанг ҳам бўлади. Ўн дақиқалардан сўнг қайтиб келаман, азизам.

Холлда менга бир аёл пешвоз чиқди.

– Жаноб Соммерсмисиз?

Совуққонлик билан бош ирғадим. Жоан Ремингтон йигирма тўрт ёшлардаги, узун малла сочлари ўзига ярашиқ турган чиройли қиз экан.

– Сизга фақат бир неча дақиқагина вақт ажратишим мумкин, – дедим куруққина қилиб. – Юринг, кетдик.

Биз меҳмонхонадан ўн метрларча ҳам узоқлашмаган эдик, Жоан ташвишланганча деди:

– Мен ҳеч бўлмаганда никоҳни кейинроққа суриб турасизми, деб ўйлагандим.

– Нега энди? – дедим жаҳлим чиқиб. – Сизни умримда биринчи марта кўриб турган бўлсам...

– Бироқ хотинингиз мени яхши билади. У эрга тегиб чиққанидан хабарингиз бўлса керак?

– Албатта, – дедим бироз юмшаб. – Кечирасиз-у, унинг ири энг яхши ошнам эди.

– Ҳа, Ральф Коллинз ҳақида эшитганман. Лекин рафиқангиз Коллинздан илгари ҳам турмушга чиққанини билганми?

Жоан Ремингтон ҳисобда олдинга чиқиб олди. Мен буни билмасдим. Лекин нима учун унга ишонишим керак?

– Унинг аввалги эри ҳам дўстингиз Ральф сингари сирли тарзда вафот этганини билмасангиз керак?

“Сирли” сўзи мени саросимага солиб қўйди. Кўнглимнинг бир четида шубҳа ҳам уйғонди. Бу шубҳа ўша кунда Нью-Йоркка Ральфнинг дафн маросимига кечикиб юрганымда пайдо бўлганди аслида. Ўшанда жаҳлим чиқиб дўстимнинг бевасидан “эринг вафот этганини нега менга кунда кеч хабар қилдинг?” деб сўрагандим ҳам.

– Бу билан нима демоқчисиз? – деб сўрадим овозим итраганча.

– Акам Фил Ремингтон Жозефина билан турмуш қурганидан сўнг ошнангиз Ральф Коллинз каби орадан раққиз ой ўтиб вафот этди. Фил ҳеч қачон касал бўлмаганди. Дарвоқе, у Ральф ҳақида нима деди? Юрак қуружими?

– Ҳа, – деб бош ирғадим. – Жозефинанинг айтишича, юрак хуружидан қазо қилибди. Сизнинг акангизга нима бўлганди?

– Унинг Филдан олдинги эри ҳам юрак хуружидан вафот этган, – дея Жоан кузирни ўртага ташлади.

– Унинг бошқа эри ҳам бўлганми? – дедим сапчи тушганча. – Сиз бу билан Жозефина Ральф билан турмуш қурмасидан аввал ҳам икки марта эрга тегиб чиққан демокчимисиз?

Жоан Ремингтон қўлимдан ушлаганча ўриндик томон бошлади.

– Ўтиринг, жаноб Соммерс. Акам 14 ой илгари вафот этган. Мен хусусий изқуварлик агентлигига мурожаат қилгандим. Текширув ишлари ниҳоясига етай деганда унинг йўлида пайдо бўлиб қолдингиз ва биз сизни оғоҳлантиришга улгурмадик. Жозефина ҳамма эрларини ўлдирган! – Жойимдан ирғиб туриб кетмаслик учун аран ўзимни босиб турардим. – Бугун изқувар Хадсон ети келади. У сизга ҳамма далилларни ошкор қилади.

Ўзимни босиб олишим учун яна ярим соатча айланиб юришимга тўғри келди. Ёрқин рангли ҳарир кўйлак ва кен соябонли шляпа кийган Жозефина холлда мени кутиб турарди. Уни кўришим билан ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Шундай гўзал рафиқам қотилми? Бу қанақа бемаънилик?!

– Азизим, югур-югурлар билан овора бўлиб сени Ральфдан аввал ҳам эрга текканимни айтишни унутган эканман, – деди Жозефина нонушта сўнгига.

Кутилмаган бу гапдан қўлимдаги қаҳва чашкаси тушиб кетишига бир баҳя қолди.

– Шунақа де?

– Азизим, бу шунчалик муҳимми? Биз эндигин танишган пайт эди. Мен ўшанда ҳеч қаерда ишламасдим. Ўша одамдан кўп яхшилик кўрганим учун ҳам ун турмушга чиққандим.

– Унинг исми нима эди?

– Ремингтон. Филипп Ремингтон.

– Кейин ажрашдингларми?

– Йўк, у ўлди, – деди хотиним хотиржамлик билан.

– У сенга нимадир қолдирдимми? – аҳмоқона тиржайиб ўрадим. – Пулим борлиги ҳақида мендан ҳеч қачон ўрамагансан-ку. Умуман олганда, мен бадавлат эмасман. Оддий муҳандисман, холос, кўприклар, йўллар қураман. Тургиси, ота-онамдан озгина қолган...

– Жуда соз! – деди хурсанд бўлиб Жозефина. – Менга Филдан ҳам озроқ қолган. Хуллас, очдан ўлмаймиз.

У Ральф Коллинз ҳақида ҳеч нарса гапирмади. Мен унинг ишлари, хусусан, ўзини катта маблағга суғурта қилдирганини билардим.

Қаҳва ичаётган пайтимизда ресторанга Жоан Ремингтон кириб келди. Бизга безътибор бир қараб кўйгач, кўшни столга бориб ўтирди.

– Жоан! – деб ҳайқириб юборди Жозефина.

– Салом, Жозефина! – дея куруққина саломлашди Жоан.

– Боб, бу Жоан Ремингтон, Фил Ремингтоннинг синглиси, – деди хотиним ўзини хотиржам тутишга уриниб. Жоан, бу эрим, Боб Соммерс.

– Хайрли тонг, Ремингтон хоним, – деб ўрнимдан турдим-да, таъзим қилиб кўйдим.

Ремингтон хоним ҳам бунга жавобан енгилгина эгилиб кўйди. У Жозефинага совуқ нигоҳини қадади ва юзидан нафрат аломатлари пайдо бўлди.

– Яна эрга тегдингми? – сўради Жоан.

Жозефина жуда чиройли табассум қилди, бироқ мен унинг ичидан зил кетганини пайқадим.

– Ҳа, азизим. Ўзинг-чи, сен ҳам бу ерда асал ойини утказаяпсанми?

– Йўк, шунчаки шаршараларни ёқтираман.

Официант ҳисоб чекини олиб келганида шошилганча қўқўйиб бердим. Сўнг ўрнимдан туриб, рафиқамнинг туришига ёрдамлашдим.

– Бечора, – деди у ресторандан чиққанимиздан сўнг. – Фил вафот этганидан сўнг турмушга чиққаним учун ҳозиргача мени кечиролмайди. Унингча, мен бир умр аза тутиб юришим керак экан. Аслида Жоан акаси ҳаётли пайтида ҳам мени ёқтирмасди. Ҳа, айтганча, у акаси билан шунчалик яқин бўлиб кетгандики, баъзида одам бундан таажжубга тушарди. Жоан Ремингтон билан учраши қолганимиз яхши бўлмади. У асал оймизни расво қилади. Ниагаранинг кўриниши ҳам бугун кечагидай бўлмайди назаримда.

– Торонтога кетамиз. Мен у жойга боришни доим орзу қилардим. Ёки Бостонга. Охирги марта у ерда коллежди ўқиб юрганимда бўлгандим.

– Бугун кечкуруноқ жўнаб кетамиз, – дея рози бўлди хотиним.

Меҳмонхона холлида бизни миқти бир киши кутиб турган экан.

– Жаноб Соммерс, сиз билан гаплашсам бўладими? – деди у.

Бу нусха Жоан Ремингтон ёллаган хусусий изқувар эканини дарров фахмладим. Эҳтимол, шубҳа-гумонларга чек қўйиш учун унинг гапларига қулоқ тутганим маъқулдир.

Унга бош иргаб Жозефинани лифтга қадар кузатиб қўйдим.

– Юқорига чиқавер, азизам. Бу одам билан гаплашимга тўғри келаяпти. Узоқ қолиб кетмайман.

– У ким ўзи? Бу ердалигингни қаёқдан билибди? Меҳқаерда дам олишимиз ҳақида фақат ҳамкасбларингга айтган бўлсанг керак деб ўйлагандим.

— У суғурта фирмасининг ходими. Нью-Йоркда ўришгандик. Яқинда автоҳалокатга учрагандим. Ҳақтимизга ҳеч кимга зиён етмади, лекин пачоқланган машинанинг эгаси ҳалокатда мени айблаб, таъмирлаш таражатлари учун пул талаб қиляпти. Мен эса автоҳалокатнинг айбим билан бўлганини инкор қиляпман... Бу ҳақда кейинроқ гапириб бераман. Ўйлашимча, бу ишни ўттирилди қўлимдан келади.

Албатта, бу гапларим у қадар ишончли чиққани йўқ ва бунданми рафиқамнинг кўзларида шубҳа пайдо бўлди. У ҳеч нарса демасдан лифтга чиқди. Холлга қайтиб миқти дамнинг ёнига ўтирдим.

— Сиз Жоан Ремингтон айтган кишимисиз? — сўрадим мен.

У бош ирғади.

— Қаерда гаплашиб олсак бўлади?

Уни ҳам эрталаб ўтирган ўриндиққа олиб бордим. Кувар гапни айлантириб ўтирмасдан, биратўла муддаога та қолди:

— Сиз уч нафар эркакни ўлдирган аёлга уйлангансиз.

— Ишотларингиз борми?

— Агар далилларим бўлганида, у аллақачон панжара ртида ўтирган бўларди. Лекин ишончим комил, у қотил. Бу иш билан шуғулланаётганимга бир йилдан ошди.

— Бошидан гапиринг-чи.

— Яхши. Унинг ҳақиқий исм-фамилияси — Жозефина Уилки. Ўзининг биринчи никоҳ гувоҳномасида Огайоттатининг Лима шаҳрида туғилганини, йигирма тўрт ёшда канини кўрсатган. Биринчи эри аллақандай Хармон деган дам бўлган. Мана, орадан ўн йил ўтди. Демак, у ўттиз ўртга кирган бўлиши керак.

Менга Жозефина ёшим йигирма тўртда деганди. Ўриниши ҳам бундан каттага ўхшамайди. Одатда, аксарият ёшлар ҳақиқатда неча ёшда эканини яширишади.

– Гапираверинг, – дедим ковоғимни солиб. – Леки олдиндан шуни айтиб қўяйки, биронта ҳам сўзингиз ишонмайман.

– Менга ишонинг. У Огайо штатининг Лима шаҳрида 1963 йилда туғилганман, дейди. Лимадаги архивларда эса бу туғилиш қайд этилмаган. Бу биринчи ёлғон. У Хармон 1987 йилда турмушга чиқиб, уни катта маблағга суғуртириб қилишга кўндиради. Орадан етти ой ўтиб эри Чикагода қамаб қилади. Тиббиёт хулосасида ўлим сабаби сифатида юрак хуружи кўрсатилган. 1987–1995 йиллар оралигида эса уни доир биронта маълумот топилмади. Ҳатто унинг сурати бутун мамлакатга эълон қилинганда ҳам бундан бир нарсани чиқмади.

– Шошманг, – деб унинг гапини бўлдим. – Тушунамагани булар албатта ғалати туюлади. Мени айрим деталларни кизиқтираяпти. Жоан Ремингтоннинг айтишича, бир йилда буён унинг иши билан банд экансиз. Сизнинг хизматингизни ҳар тугул арзон бўлмаса керак. Почта орқали бутун мамлакат бўйлаб расм тарқатиш ва бу ишга бошқа агентликларни жалб этиш ҳам озмунча маблағ талаб этмайди...

– Сиз ҳақсиз, лекин Ремингтон хонимда пул бор.

– Қанақасига? Ахир унинг акаси у қадар бой бўлмаган эди ку.

– Гап шундаки, нефть кони топилган олти акр ҳудуд акасига эмас, унинг ўзига тегишли. Бу мерос унга тоғасидан қолган. Нефть савдоси унга ҳар йили бир миллион доллар яқин даромад келтиради, жаноб Соммерс. Ва у мана шу иш учун минглаб долларларни сарфлайди. Шуларга кўра мен Жозефинанинг хизматидаман. Баъзида бир аёлнинг иккинчисидан қасос олиш учун тиним билмаслигини нафратимни ҳам кўзгайди.

– Давом этинг, – дедим совуққонлик билан.

– Шундай қилиб, у йўқолди. Бу саккиз йил ичида у нима қилганию, қанча эркакни ўлдирганини ҳеч ким билмайди. Филиппимча, Жозефина кичикроқ шаҳарчаларда “ишлаган”. 1995 йилда у ёш Ремингтон кичикроқ иш юритаётган Канзас-Сити шаҳарчасида пайдо бўлади. Жозефина унга тиббалик қилиб, ишга жойлашиб олади. Орадан икки ой ўтгач, унга турмушга чиқади. Унинг яхшиликларига бу эдибжамол ҳам жавоб қайтариши керак эди-ку.

– Тўғри, – деб маъқулладим мен.

– Саккиз ойдан сўнг Ремингтон ҳам юрак хасталиги уфайли вафот этади. Синглизининг айтишича, Фил ҳеч қачон соғлиғидан шикоят қилмаган экан. Канзас-ситилик шифокори ҳам буни тасдиқлади. У Ремингтонни ўлиmidан бир мунча аввал кўриқдан ўтказган ва соғломлигига амин бўлган. Ремингтонларнинг оилавий шифокори менга тиббий маълумотнома ҳам берди ва ундаги қайдлар Филнинг туғилақо соппа-соғ эканини, керак бўлса, Прохазкадаги энг соғлом одамлигини тасдиқлайди.

– Мен шундай хулосага келдимки, хоним Филипп Ремингтоннинг вафотидан сўнг яхшигина суғурта пули олиган ва янги қурбонларини қидириш учун жўнаб кетган.

– Ва у менинг дўстим Ральф Коллинзни топган, – дея қарор бўлдим ўйга толганча.

– Ҳа. Агар Ральфни яхши билсангиз, у юраги хасталиги ҳақида ҳеч гапирганмиди?

– Коллежда бу ҳақда гапирмаган, бироқ Ральф спорт синнисини эди ва юрагини зўриқтириб қўйганди. Бу шифокорларнинг ташҳисида ҳам тасдиқланган.

– Мен шифокор билан гаплашдим. Унга Ральфнинг шифокаси эри юраги оғриётганидан тез-тез шикоят қилиб турганини айтган. Шифокор унга ишонган, аммо Ральф вафот этгач, ўлим сабаби хусусида шубҳага борган. Худди шундай ҳолат ҳақида Хармон ва Ремингтоннинг шифокорлари гапириб беришди.

– Ральфнинг жасадини эксгумация қилишга ҳалиям келмаётган эмас. Агар уни захарлашган бўлса, оғу аломатлари билинади...

– Тўғри! – деб маъқуллади Хадсон. – Ёриб кўрилса, захар аломатлари топилиши мумкин, бироқ бунинг иложи йўқ. Учала майит ҳам шумқадам беванинг илтимосига кўриш куйдирилган.

Яна бир зарба, шубҳа деворига яна бир ғишт кўйилди. Бошим айлана бошлади. Ҳа, изкувар яхши ишлабди. Мен ҳам ҳали Нью-Йоркдалигимиздаёқ кўнглимда хавотир пайдо бўлганига иқрор бўлдим. Жозефинага бўлган жўшқин муҳаббатлари уларнинг кўзини кўр қилиб кўйгани аниқ.

Бизнинг ёнимизга Жоан Ремингтон келди.

– Ҳаммасини айтдингизми? – деб сўради у Хадсондан.

Изкувар бош ирғади.

– Ҳаммасини, аммо сизда биронта ҳам далил йўқ, дедим мен чўқаётган одам хасга ёпишганидай.

– Тўғриси, буларнинг ҳақиқат эканини ўзингиз ҳам сезиб турибсиз, фақат тан олгингиз келмаяпти. Ишқилиб, сизни ҳам бир балога гирифтор қилмасайди. Ич-ичингиздан Жозефина қотил эканини билиб турибсиз. Мени ёву қасоскор аёл деб ҳисоблашингиз мумкин. Ҳа, худди шундай. Мен акамни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрардим, бу аёл эса совуққонлик билан уни ўлдирди. У Лес Хармон ва ўртоғингиз Ральф Коллинзни ҳам тинчитди ва энди сизни даф қилишга тайёргарлик кўрапти!

Бир неча дақиқа ўриндикда мурдадек қотиб ўтирдим. Кейин ўрнимдан ирғиб турдим-да, мехмонхонага югурдим.

Чамадонлар жавон олдида турарди. Афтидан, Жозефинани кечкурун кетишни ўйлаётган бўлса керак. У деразани олдидаги креслода ўтирар, полда эса шляпаси ётарди.

– Боб, биламан, бу Жоан Ремингтон томонидан ёлланган хусусий изкувар, – деди у. – Сенга нима ҳақиқат гапиришганини ҳам биламан. Ахир, Жоан иккаларини

қоталаб ҳам гаплашгандиларинг-ку. Жоанни кўрмагунимча шундан сўнг ҳам ҳаяжонинг босилмаётгани сабабини тушунаётгандим.

– Ҳа, Хадсон билан у алланималарни валақлашди. Унинг гапига гамгин ўтирдим. Улар ўзларини қандай қилганларини кўришни истагандим.

– Нима, Фил Ремингтон ва Ральф Коллинзни мен кўрибманми? Пул учун шундай қилибманми? Аввалига шунга турталанишга кўндирганман, кейин захарлаганман. Шунчами?

– Ҳа, – деб шивирладим мен. – Улар яна аллақандай Хармон ҳақида гапиришди.

Агар назар солмаганимда бундан унинг юзида ўзгариш пайдо бўлганини сезмасдим.

– Хармон? – маъюс жилмайди Жозефина. – Бу фамилияни биринчи марта эшитиб турибман. Улар шу йилда Смит, Жонс ва Келлилар ҳақида ҳам гапиришмадими?

– Жозефина, – дедим йиғлагудай бўлиб, – 1987 йилда шунда эдинг?

– Ватерлоода, Айова штатида. Мен ўша ерда тутилганман. – Унинг ўпкаси тўлиб елкалари титраётган бўлса-да, кўзларида ёш кўринмасди.

– Фил Ремингтон биринчи эрингмиди?

У мажолсиз ўрнимдан туриб, сумкачасини кавлаштира бошлади. Мен у ҳозир тўппончасини чиқаради деб кўрқиб турдим, бироқ у икки букланган қоғозни олди.

– Демак, 1987 йилда мен жаноб Хармонга эрга текканманми уни ўлдирганман? Қара, Боб.

Вақт таъсирида сарғайиб кетган ҳужжатни никоҳ қўғирсисидаги гувоҳномага ўхшатгандим, яқиндан кўраганимда унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома экани маълум бўлди. Унда ёзилишича, Жозефина Алиса Борнс



1972 йил 9 декабрда Айова штати Ватерлоо шаҳри туғилган, ота-онаси: жаноб ва хоним Борнслар.

Хаёлимда ҳисоблай бошлагандим, буни Жозефина пайқади.

– 1987 йилда ўн тўрт ёшда бўлганман.

Мен унга бир қараб қўйдим-да, нигоҳимни яна эса гувоҳномага қаратдим. Бу ҳужжат Жоан билан Хадсон ўзларининг биринчи, балки ягона хатоларига йўл қўйганини исботлаб турарди.

– Жозефина!.. – дея шодлигимдан кичкириб юбордим.

– Сен эса уларга ишондинг, – деди у хотиржам тарзда. Бугун бу хонага икки марта мени қотил деган хаёлда кирди келдинг... Боб, азизим, сени севаман. Бироқ, илтимос, кел Тезда кет...

Мен кетмадим. Бунинг ўрнига жавонда турган костюмнинг чўнтагидан буларнинг барчасига сабаб бўлган ўша телеграммани олдим.

– Жозефина, – дея тушунтиришга уриндим, – телеграммани мен жума куни олгандим, шанба куни эса бундан никоҳдан ўтдик.

У телеграммани ўқиб, қўққисдан хўнграб йиғлаб юборди.

– Боб! Боб! – деди хўрсиниб кўз ёш қилаётган Жозефина. – Демак, сен уларга ишонмагансан. Мени севасан ва мени ишонасан.

У мени аврашни бошлади!

Уни бағримга босдим. Йўқ, менинг рафиқам қотил бўлиши мумкин эмас.

Бирпасдан сўнг Жозефина ўзини босиб олгач, Жоан Ремингтон ҳақида гапириб берди.

– Эҳтимол, у акасини бекорга астойдил яхши кўрмагандир. Оклахомадаги еридан келаётган даромадда ҳамёни қаппайиб, ортимдан хусусий изкувар ёллади. Унинг катта-катта пул тўлаяпти. Хадсонга мени тинч қўйсанг, унинг бераман деганимда, афтимга қараб кулганча,

Ремингтон хоним бундан йигирма баробар ортиқ тўлашини айтди. Ишонавер, у беради ҳам. Улар хонимга ёқадиган нарсаларни айтаверишаркан, у тўлайверади. Жоаннинг мени уларга кўзи йўқ. Миллионларнинг бахридан кечишга ҳам эришар, фақат мен даф бўлсам бўлгани.

Ўшимда Жоан Ремингтонни лаънатлай бошладим. Пул бўлса бўлгани: гувоҳларни, ёлгон кўрсатмаларни, ушбуларни сотиб олиш мумкин.

Рафиқамни тинчлантириб, то ухлаб қолгунича бағримдан кетмадим. Кейин жойига ётқизиб, уни уйғотиб юбормаслик учун ҳаммомга кириб кийимларимни алмаштириб олдим. Мабоодо у уйғониб, ювингиси келиб қолса деган хаёлда ҳаммом чироғини ёқиқ қолдирдим.

Ўрнимга ётганча Ральф Коллинз ҳақида ўйлай бошладим. Жоан Ремингтон уни ҳам огоҳлантирганмикан? Унинг қўлига ҳам шубҳа уруғларини қадаганмикан? У ҳам худди мен каби азоблар исқанжасида қолганмикан?

Гоҳ у, гоҳ бу томонга ағдарилиб, анча пайтгача ухлай кетмадим. Менимча, оғзим очилган ҳолда ухлаб қолган бўлсам керак, хуррак отаётгандим.

Қандайдир овоздан эмас, ёруғлик йўқлигидан уйғониб кетдим. Ҳаммом эшигини қия очиб қўйган бўлсам-да, хонада ним-зиё қоронғу эди. Наҳотки, эшик ўз-ўзидан ёпилиб қолган? Жозефина ёнимда йўқ эди. Демак, у ҳаммомда.

Ҳеч нарсани эшитмаётган бўлсам-да, қандайдир тутун таралаётганини пайқаб қолдим. Эшик гичирлаб, секин очилди. Ҳаммом чироғининг ёруғи юзимга тушганда мени ҳаммомни ухлаётганга солдим ва ҳатто хуррак отдим.

Кўзларим юмук, оғзим очик ҳолда қулоғимни динг қилиб тавардим. Мен унинг қўллари юзимга тахминан 15 сантиметрча яқинлашганида кўриб қолдим. Агар юзимга қарорат урилмаганда ҳеч нарсани сезмасдим, негаки у нарпадек ҳаракатланаётганди. Жозефинанинг қўлида эшик бор эди.

Ўрнимдан ирғиб турарканман, уни итариб юбордим. Қўлимга оловли томчилар тўкилган бўлса-да, ҳеч қана оғриқ сезмасдим. Қўлидаги қошиқни уриб, девор томонини учириб юбордим. Жозефина кичкириб юборди ва мен уни кўзларини – шафқатсиз қотилнинг кўзларини кўрдим. Қўллари билан мени силтай бошлади, узун тирноқлари эсимни юзимни тирнаб юборди.

Бор кучим билан Жозефинанинг юзига мушт туширдим. У ҳаммом эшигига бориб урилди ва ичкарига кириб эшикни қулфлаб олди. Аввалига ичкаридан аянчли кул эшитилди ва нимадир гурсиллаб қулади. У ажойиб қомат билан полга йиқилганди. Менинг соҳибжамол хотиним заҳарланганди.

Хона чироғини ёқдим. Деворда кумушранг доғлар кўзи ташланарди. Улардан бирига қўлимни теккиздиму, дарҳол тортиб олдим, чунки шунақа иссиқ эдики. Полдан томчиларга ҳам кўзим тушди. Булар менга аталган кўрғошин эди. Одам хуррак отаётганда оғзи очиқ бўлади. Қошиқдаги эритилган кўрғошин эса уни нариги дунёга жўнатиш учун етарли. Кейин эса қотиб қолган кўрғошиннинг чиқариб, оғизни ёпиб қўйиш мумкин, ҳеч қайси шифокор ўлим сабабини аниқлай олмайди. Ва ҳеч қайси шифокорнинг хаёлига қотиллик ортида ғам-андухда қолган чиройли хотин тургани келмайди.

Бир неча ойдан сўнг Айова штатидаги Ватерло шаҳарчасида бўлдим. Лекин Жозефина Алиса Борнснинг туғилгани қайд этилган ҳужжатларни топа олмадим. Бунда кўринадикки, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномае бошқалари каби қалбаки бўлган.

Мен унинг ўтмишини бошқа қавлаштирамадим. Шунинг билганимнинг ўзи у ҳақда тасаввурга эга бўлишга етарли эди.

*Рус тилида  
Д. ҲАЙИТОВ таржима*

УСТАСИ ФАРАНГ

Ёқилғи қуйиш шохобчасига бир неча ярд масофа қолганда оёғимни тезлик тепкисидан олиб, тормозни босдим. Орқа ўриндикда ухлаётган укам Ньютон уйғониб қаддини ростлади.

– Ёқилғи кам қолди, – дедим унга. – Ҳали олдинда тупроғ-у жин ургур кактус босган юз милча йўл бор.

Укам оғзини кафтининг орқаси билан тўсиб эснади.

– Ухлаб қолибман, шекилли.

– Донг қотиб ухладинг ўзиям.

У яна эснаганда йўл ёқасидаги уйдан биздан уч-тўрт ёш катта бир йигит чиқиб, машинамиз томон кела бошлади. У бошига гардиши кенг шляпа қўндириб, эгнига коржома кийганди. Уйи бир қаватли, томи ясси, одмигина синчли бино эди. Ёнидаги гаражни ҳам уй билан бирга қуришган бўлса керак. Тарҳиниям битта одам чизган, чамаси.

– Ёқилғининг оддийсидан қуйинг, – дедим у ёнимизга келгач. – Бак тўлгунча қуяверинг.

– Оддийси йўқ, – деди йигит бош чайқаб. – Фақат суперидан бор. Бўладими?

“Майли”, деганимдан кейин у машинанинг тўйнуқчасини очиб, қопқоғини бурай бошлади.

– Фақат супери бормиш, – дедим укамга энсам қотиб.

– Супериям оддийсидай яхши ёнади, Верн.

– Гапинг тўғрику-я, лекин суперининг бир литри оддийсидан беш сент қиммат туради-да. Бакни тўлдириш учун бир доллар ортиқча сарфлаш керак. Манави нусха атайлаб ёқилғининг қимматини сотаяпти. Чунки гадой топмас бу жойда ёқилғи қуядиган бошқа шохобча йўқ.

– Қўйсанг-чи, Верн. Бир доллар кўпроқ тўласак, пулимиз камайиб қолармиди?

Укам билан тортишиб ўтирмадим. Лекин кейин кўзим шохобчадаги нархлар ёзилган лавҳага тушиб, жаҳлим чиқиб кетди. Бу ердаги супер ёқилғи оддийсидан беш сент эмас, нақд ўн икки сент қиммат тураркан.

Укамга бу расвогарчиликни уқтириб, қанчага тушганим-ни хомчўт қилиб кўрдим. Уч доллар-у қирқ сент...

– Жин урсин, Нютон, – дедим тутақиб. – Бу одам мени калака қилаяптими?

– Харажатлари кўпроқ бўлса керак-да. Биласан-ку, бунақа шаҳарчада харидор топиш қийин.

– Шаҳарча дейсанми? Атроф ойдала-ку.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда шаҳарча дегулик ҳеч вақо йўқ эди. Йўлнинг бу томонида синчли бино ва гараж. Нариги томонда реклама тахтасидаги ёзувга қараганда уч-тўрт хил таом ва қадоқланган озиқ-овқат сотиладиган ошхона. Гаражнинг ёнида мотори ечиб олинган, капоти очик иккита машина. Ошхонанинг ёнида яна бир машина. Тамом-вассалом.

– Пул ўмариш учун жуда қулай жой эканми, Нют?

– Бу гапни хаёлингдан чиқариб ташла.

– Айтдим-қўйдим-да.

– Арзимаган пулни деб босқинчилик қилиш энди бизга тўғри келмайди, Вернон. Ахир иккаламиз келишиб олгандик-ку. Кечқурун Силвер-Ситига етиб оламиз. Жонни Мак Ли у ёқда бизни кутиб турибди. Тонгда эса банкни ўмарамиз. Шунақа келишгандик-ку, тўғрими?

– Тўғри.

– Энди майда ўғрилиқ ҳақида унут.

– Пулимиз кам қолган, ахир. Юз доллар ҳам чиқмаса керак.

– Юз доллардан кўпроқ.

– Шу ерда чўнтакни қаппайтириб олардик...

– Эртага чўнтагимиз қаппаяди.

Укамнинг гапи тўғри. Лекин тарки одат амри маҳол, дейдилар. Нют иккимиз ёқилғи шохобчалари, ярим тунгача ишлайдиган дўкон ва қовоқхоналарни ўмаришда устаси фаранг бўлиб кетганмиз. Аслида бунинг қийин жойи йўқ — кирасан, тўппонча ўқталиб кассадаги пулни оласан-у, кўённинг расмини чизасан. Унчалик кўп пул тушмасаям, харқалай, бинойидек кун кўришга етади.

Лекин ҳар қандай устаси фаранг ҳам бир кун келиб қўлга тушаркан. Укам иккимиз жазо муддатини штат турмасида ўтказдик, бадқовоқ амакилар роса тавбамизга таянтиришди. Турмадан кўзимиз мошдай очилиб чиқдик. Майда босқинчиликка қайта қўл урмаймиз, деб бир-биримизга сўз бердик. Дўкондан икки юз-уч юз доллар ўмарган одам каттароқ ишга қўл ургандан кўра кўпроқ таваккал қилади. Жонни Мак Лининг бир гапи сира ёдимдан чиқмайди: “Банкни ўмарасанми, новвойхонаними — аслида фарқи йўқ. Лекин банкдан бир қоп пул билан чиқасан, новвойхонадан бир халта нон билан”.

Саватдан шляпа кийган ҳалиги нусха ёқилғи куйгач, капотни очиб машинамизни кавлаштира бошлади.

— Анави нима қиляпти, Нют? Тилла қидираяптими? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Машинанинг мойини текшираяпти, чоғи.

— Мойимиз тугамаган бўлсин-да, ишқилиб. Йўқса, яна уч-тўрт долларга тушамиз.

Мой тугамаган экан. Шляпали йигит мурватларни бирма-бир текшириб чиқди, ҳатто аккумуляторнинг чангиниям артди.

— Мойи жойида экан, — деди у катта иш қилгандек манглаини артиб. — Ёқилғиниям вақтида қуйдирдинглар. Кейинги шохобчагача ҳали узоқ юрасизлар.

— Хўш, қанча тўлашимиз керак?

Шундай деб чўнтагимга қўл чўздим. Йигит нархини айтгач:

– Вентиляторинглар эскирибди, – деди.

– Вентилятор?

– Ҳа, – деди у бош сермаб. – Уч-тўрт милдан кейин ишламай қолиши мумкин. Ташқарига чиқинглар, кўрсатаман.

Нют иккимиз чиқиб капотнинг тагига қарадик. Шляпали йигит радиаторнинг ортидаги бир матоҳни қўли билан лиққиллатиб кўрсатди.

– Зўрға илиниб турибди. Охирги марта буни қачон алмаштиргансизлар?

Укам иккимиз бир-биримизга қарадик. Биз машинани ўт олдириш-у, тўхтатишдан бошқасини билмасдик. Болалигида Нют ҳатто калитсиз ҳам моторни ёқа оларди. Жуда шўх бола эди ўзиям.

– Агар вентилятор ўчиб қолса, сув пуркагич ишдан чиқади. Радиатор ҳам куйиши мумкин. Маслаҳатим – бу ёғига машинани иложи борича секинрок ҳайданглар. Тезлик қирқ милдан ошмасин. Ҳар-ҳар замон тўхтаб, моторни совутиб олинглар. Шунда бир амаллаб уйингларга етиб оласизлар.

Бу гаплардан таъби хира бўлган укам вентиляторни яна бир марта кўрсатишни сўради. Шляпали йигит яна уни кимиралиб кўрсатди.

– Вентиляторни алмаштириш қанча туради? – деди Нют ниҳоят.

– Янгисини ўрнатиш учун кетадиган меҳнат ҳаққини кўшиб ҳисоблаганда ўттиз-ўттиз беш доллар.

– Алмаштириш учун кўп вақт кетадимиз?

– Йигирма дақиқа кифоя.

– Сиз алмаштириб бера оласизми?

Йигит бир оз ўйланиб турди-да:

– Қараб кўрай-чи, янгиси бормикан, – деб уйи томонга кетди.

– Ҳозир дарров янгисини топиб чиқади, – дедим Нютга.

– Ким билади, балки вентиляторимиз эскирмагандир. – деди укам хўрсиниб. – Балки бу нусха ёқилғини қимматга сотгани етмагандек, бизни лақиллатиб ўша матоҳниям пулламоқчидир. Тирикчиликнинг айби йўқ, дейишади-ку.

– Унда ҳозир келганида вентиляторинг бошингда қолсин, деб айт.

– У бизни алдамаётган бўлса-чи, Верн? Ўша матоҳ ростдан ҳам ярим йўлда ишдан чиқиб, даштнинг қоқ ўртасида қолиб кетсак-чи? Агар кун ботгунча Силвер-Ситига етолмасак, Жонни Мак Ли теримизга сомон тикади-я.

– Гапингда жон бор, лекин арзимаган темир учун ўттиз беш доллар тўласак, чўнтак хувиллаб қолади-ку. Агар эртага Жонни Мак Ли банкни ўмариш ниятидан қайтса-чи? Иш йўқ, пул йўқ, хўш, унда нима қиламиз?

– Сенингча, бузуқ машина билан даштда қолиб кетган маъкулми?

Боя айтганимдек, шляпали йигит бирпасда янги вентилятор топиб келди. Кичкина шохобчада дуч келган машинага мос мурватнинг топилиши кишида шубҳа уйғотарди. Бу ҳақида Нютга айтганимда, у елка қисди.

– Бу нусха пулимизни шилаяпти ёки ростдан ҳам бизга ёрдам бермоқчи.

Йигит вентиляторни алмаштираётганида унинг маслаҳати билан йўлнинг нариги томонидаги ошхонага ўгдик. Ошхонанинг ёнидаги машина аллақачон кетиб бўлганди. Ичкарида малла сочига қизил боғич боғлаган озғин ошпаз аёл тамаки тутатиб, рангли журнал варақлаб ўтирарди. Бир-икки долларли олмали пишириқ ва ўттиз беш сентли кофе буюрдик. Овқатланаётганимизда костюм кийган бўйинбоғли бир киши тамаки учун аёлга бир доллар тўлаб, бор-йўғи йигирма сент қайтим олди.

– Ошнамининг ёқилғиси нега бунчалик қимматлигини энди тушундим, – деб шивирлади Нют. – Бу ердан нарса олган одам хонавайрон бўлиши тайин. Ичкиликнинг

нархини кўрдингми? Бир шиша “Эйншент” бурбони етти доллар тураркан.

– Қизиқ, тушган пулни қаерда сақлашаркан-а? – дедим укамга кўз қисиб.

– Яна бошляпсанми, ака?

– Гапириб ҳам бўлмайдимми?

– Сайёҳлар кредит карточка билан тўлайди. Доимий миждозларга озиқ-овқатни насияга беришса керак.

– Биз нақд пулда тўлаймиз-ку?

– Карточка бўлмагандан кейин нақдда тўлаймиз-да.

– Бошқалар ҳам шундай қилишади. Гапимга ишонавер. Озиқ-овқат ва ичкиликка доим нақд пул тўланади.

– Хўп, шундоқ ҳам дейлик. Хувиллаган даштнинг ўртасидаги ошхонанинг кассасига бир кунда қанча пул тушиши мумкин?

– Лекин банк ҳам узоқда-да. Даромадни уч-тўрт ҳафтада бир марта олиб боришса керак.

Нют ўйланиб қолди.

– Балки шундайдир. Аммо биз майда босқинчиликка қайта кўл урмаймиз, деб келишиб олганмиз.

Овқат пулини тўлаганимиздан кейин Нют ошпаз аёлга жилмайиб, олмали пишириғини мақтади-да: “Эрингиз машинамизни яп-янгидай қилиб таъмирляпти”, деди.

– Ҳа, у қўлигул уста, – деди аёл бош сермаб.

– Айтинг-чи, у бу ерга келган ҳамма машиналарнинг вентилляторини алмаштирадимми?

– Билмасам, – деди аёл. – Машинанинг ашқол-дашқолларини мен яхши тушунмайман. У – уста, мен эса ошпазман. Ҳамма ўз ишини қилгани маъқул.

Йўлни кесиб ўтаётганимизда Нют пулларимиздан иккита йигирматаликни ажратиб, кўкрак чўнтагига солди. Ёқилғи ҳақини эслатганимдан кейин истаб-истамай яна битта йигирматалик кўшди-да, қовоғини солиб, қолган пулимизни ҳисоблай бошлади.

– Эртага Жонни Мак Ли ваъдасининг устидан чиқмаса, холимиз хароб, – деди у.

– Жонни бир сўзли йигит.

– Айтишича, банкни ўмарсак, хар биримизга камида йигирма мингдан тегаркан.

– Бу ёғига майда ўғрилик ҳақида ўйламасак ҳам бўларкан унда.

– Ана энди ўзингга келаяпсан, Верн.

Нют жилмайиб елкамга қоқиб қўйди. Кейин машинамизни таъмирлаётган шляпали йигитнинг олдига бордик. У ишшайиб қўлидаги занглаган мурватни кўрсатди.

– Бу эски вентиляторларинг. Манави ерини бураб кўринглар.

Нют иккимиз галма-галдан бураб кўрдик.

– Буралмаяпти, тўғрими? Бунақа вентилятор билан шохобчага қандай етиб келдинглар, ҳайронман, – йигит шундай деб эски вентиляторни темир-терсак уюмига улоқтирди.

Балки у бизни лақиллатаётгандир, деб ўйладим ичимда. Балки вентиляторнинг ўша ери аслида буралмас? Ҳозир ташлаган матоҳи бизнинг вентилятор бўлмаса-чи? Нютга қарасам, уям ўйланиб турибди. Турмада машина таъмирлашни ўргатишмагани чатоқ бўлди-да. У ёқда мени кир ювишга, Нютни эса почта халталарини тикишга мажбур қилишганди.

– Майли, – деди Нют чўнтагидан учта йигирматаликни чиқариб. – Ёқилғига ўн олти доллар. Вентилятор ўтгиз-ўтгиз беш доллар туради, дедингиз. Шунда ҳаммаси қанча бўлади?

Саксон беш доллар бўларкан. Чунки йигит машинамизга эллик икки долларлик вентилятор ўрнатибди. Мехнат ҳаққи – ўн икки доллар. Бунинг устига устамиз моторнинг камари ва радиатор қувуриниям алмаштирибди.



– Мана эски кувурларинг, – деб у темир-терсак уюми орасидан илма-тешик бир матоҳни олиб кўрсатди.

– Алмаштиришдан аввал биздан сўрамабсиз-да? – дедим мен.

– Овқатланаётгандинлар, халал бергим келмади.

– Жуда ғамхўр одам экансиз.

– Буларни алмаштирмаганимда бари бир ярим йўлда қолиб кетардинлар. Майли, агар хоҳласанглар янғисини ечиб, эски кувурингларни ўрнатиб бераман.

Биз бунга кўнмадик, албатта. Нют менга савол назари билан қаради-да, кейин истар-истамас чўнтагини кавлаб, бояги пулга яна ўттиз доллар қўшди.

– Нима ҳам дердик, тўғри қилибсиз, уста, – деди у хўрсиниб. – Буёғига ярим йўлда қолиб кетмаслигимиз аниқ. Машинанинг бошқа бузуқ жойи қолмадими?

– Яна бир жойи чатоғроқми дейман-да... – деди уста кимтиниб.

– Қаери? – укам иккимиз баравар сўрадик.

– Ҳозир кўрсатаман.

У шундай деб гидравлик кўтаргич билан машинани бир оз кўтариб тагига кирди.

– Манави ерига қаранг. Кўраяпсизми, олдинги амортизаторнинг учидаги резина узилиб кетган. Бу аҳволда амортизатор машинанинг корпусини тешиб юбориши мумкин. Янғисини қўймаса бўлмайди.

Биз ҳам энгашиб машинанинг тагига қарадик. Кейин укам билагимдан ушлаб мени четга тортди:

– Акам иккимиз бир маслаҳатлашиб олайлик.

– Хўш, бунисига нима дейсан? – деди у нарироққа ўтганимизда. – Бу нусха ғирт қаллобга ўхшайди.

– Лекин у алмаштирган мурватларнинг бари яроқсиз эди-да.

– Ким билади, балки бизга манави темир-терсакнинг орасида минг йил ётган матоҳларни кўрсатгандир.

– Бўлиши мумкин...

– Амортизаторнинг резинасиниям ўзи суғуриб ташлаган бўлса-чи?

– Хуллас, бу одам ё учига чиққан фирибгар, ё ўта аяқдонли уста.

– Виждонли эмаслиги аниқ. Виждони бўлса, ёқилғига отисининг нархини қўймасди. Ошхонада хотини ишлаётганиниям айтган бўларди.

– Энди нима қиламиз? Амортизаторгаям пул тўласак, чўнтак қуриши аниқ.

Устадан амортизаторни алмаштириш қанча туришини сўрадик. У қаламча билан бир парча қоғозга ёзиб ҳисоблади. Янғисини ўрнатиш учун кетган меҳнат ҳақи ва кўшимча қиймат солиги билан бирга қирқ беш доллар бўларкан. Укам иккимиз қолган пулимизни ҳисобладик.

Амортизаторгаям пул тўласак, чўнтакда бор-йўғи уч доллар қоларкан.

Шунда мен укамга қарадим. У эса, нигоҳимдан нима кўнмоқчилигимни дарров тушунди. Бари ҳал бўлганди...

Шляпали йигитга амортизаторниям алмаштиришга рухсат бердик-да, ошхонага бориб товуқ гўшtidан пиширилган қиммат таомни буюрдик. Пиво ва кофе билан уни паққос туширгач, пулини тўлаб пинак бузмай ортга қайтдик.

Устамиз ҳар галгидек, келишимизга машинанинг янги бузуқ жойини топиб қўйганди. Бу сафар у бўйнини қашиб, орқа ғилдиракнинг амортизаториям ишдан чиқай, деб қолганини айтди.

– Биз акам билан барини келишиб олдик, сэр, – деди Нют унга. – Шу пайтгача машинамизнинг техник ҳолатига ҳеч аҳамият бермаган эканмиз. Транспорт воситасига нисбатан бундай муносабатда бўлиш ярамайди, албатта. Орқа амортизатор бузилган бўлса, унияма алмаштира қолинг.

– Мой филтриниям янгиласам-чи?

– Бемалол. Машинанинг қаерини янгилаш керак бўлса янгилайверинг. Тўғри, бизнинг ортиқча вақтимиз ҳам пулимиз ҳам йўқ. Лекин сиздай кўлигул устага учраган эканмиз, қанча керак бўлса, шунча кутишга тайёрмиз. Биз анави дарахт соясида ўтириб турамиз. Сиз ишлайверинг.

Шундай деб Нют иккимиз сояга ўтдик-да, “кола”да хўплаб кута бошладик. Шляпали нусха ҳар-ҳар замонда олдимизга келиб машинанинг яна қаерида камчилик топганини айтар, биз эса, елка қисиб: “Тузатаверинг” дердик.

– Машинамизнинг шунча бузуқ жойи борлигини билмаган эканман, – деди Нют ишшайиб.

– Таъмирдан чикқач, яп-янгидек ярқираб кетса керак.

– Анави нусха рулнинг ёнидаги соат-у кулдондан бошқача ҳамма нарсани янгилаяпти, шекилли.

– Унга соат ҳақида гапира кўрма, – дедим Нютга кулиб. Йўқса, бу ерда бир йил қолиб кетамиз.

Шляпали фирибгар икки соат-у йигирма дақиқадан кейин ниҳоят ишни тугатиб, ёнимизга келди. Қўлидаги қоғозни алмаштирган ҳамма ашқол-дашқолларининг нархи ёзилганди. Хуллас, барини қўшиб ҳисоблаганда 277 доллар у 45 сент тўлашимиз керак эди.

– Анчага тушибмиз-ку, – дедим мен.

– Меҳнати оғирлигини ўзингиз кўрдингиз, – деди йигирта шляпасини пешонасига тушириб. – Бунинг устига, эҳтиёт қисмлар ҳам қиммат туради.

– Тўғри айтасиз, – унинг гапини маъқуллади Нют. Ҳозир машинадан пулни олиб келамиз.

Укам иккимиз машинага қараб юрдик.

– Дунёнинг ишлари кизиқ-да, – деди Нют хўрсиниб. – Одамни ўзи хохламаган ишни қилишга мажбурлашади-я. Биз, ахир, бу ерга машинага ёқилғи қуйдириш учун келгандик-ку, тўғрими?

– Тўғри айтасан.

– Мана, оқибати, – у орқа эшикни очиб ғаладондан 38-калибрли тўппончани олди. Менга эса, 32-калибрлисини кўрсатди. – Мен уста билан ҳисоб-китоб қиламан. Сен бориб ошхонадан ичкилик олиб чиқ. Кейинги дўконгача ҳали анча бор. Томоқ қақраб қолмасин.

Кулиб, унинг елкасидан қоқиб қўйдим-да, тўппончани тўнтакка солиб ошхонага қараб юрдим.

*Рус тилидан А.Отабоев таржумаси*

ТЕЛБА СНАЙПЕР

Водийда янги йўл қуриладиганига икки йил тўлаётганда ва ўтган йиллар ичида бу ерда икки киши ҳалок бўлди. Қурбонларнинг биринчиси устига бетон плита тушиб кетган курувчи бўлса, иккинчиси шу атрофда яшовчилардан бири эди. У бузилиши керак бўлган уйини ташлаб чиқишдан бош тортиб, сочма ўқдан ўқланган милтиқ билан ҳимояланиб тун бўйи мижжа қоқмай дераза остида ўтириб чиқар ва шу уйда эллик йилдан буён яшаётгани, ўлиги ҳам шу ерда чиқишини айтиб бақирарди. Бироз шов-шув бўлганди, мухбирлар, сураткашлар... Бироқ уйни штурм қилишга ҳожат қолмаганди: чол юрак хуружидан вафот этганди.

Бироқ эрта тонгда куриб битказиладиган янги йўлда кетиб борар экан, Жон Ганарсон умуман бошқа нарса ҳақида ўйлаётганди. Янги йўл ҳақида бош қотиришга ҳали вақти бўлади: энди бу йўл туфайли у ишдан уйигача ҳеч қанақа светофорлар, чорраҳаларда ушланмайди, доим бироқ таъмирлаш ишлари олиб бориладигани туфайли торайиб қолган йўллардан юришига ҳожат қолмайди; бироқ янги йўл тушган жойда бир пайтлар инсонлар яшаган, уларни кўчириб уйлари бузиб ташланган, илгари машинасини шундоққина уйининг олдиғинасигача ҳайдаб борарди, энди эса тепалик ёнида қолдириб, уёғига пиёда чиқишга мажбур бўладиганди.

Ҳозир у бошқа муаммолар хусусида бош қотираётганди. Биринчиси, унинг кичик ўғли – кетма-кет дардга чалинаверадиган, туни билан йиғлаб, биғиллаб чиқадиган Билл эди. Боласининг ҳалиям тирик юрганига хотини Элла сабабчи.

Элла – иккинчи рақамли муаммо. “Тинч қўй, Жон, – дея жеркиб берарди хотини кечалари уни силаб-сийпалай бошласа, – зўрға турибман. Билл куни бўйи йиғлайвериб,

бошимни шишириб юборди. Битта Билл менга камлик қилгандек, Худо урган уканг етишмай турувди”.

Укаси Клинт учинчи рақамли муаммо эди. Афтидан, Жоннинг ҳаётидаги муаммоларнинг барчаси инсонлар экан. Унинг ўзи яхшигина топади, соғлом эркак. Эҳ, Билл онасининг чиройи-ю, отасининг соғлигини мерос қилиб олгандами?! Агар Элла ва Клинт бир-бири билан келишолгандами? Клинтнинг ўзи алоҳида яшагани идеал ҳолат бўлардику-я. Бироқ, унинг айтишича, ҳозир иш тополмаётганмиш, шу сабабли уни исталган вақтда армияга қақариб қолишлари мумкин экан. Клинт жуда кеч ётарди, бу эса Элланинг ғашини келтирарди. Куни бўйи у округни уйининг шалоқ машинасида кезиб чиқарди. Машинанинг юриб туриши ҳам Жоннинг зиммасида эди, бу эса Эллани янада ғазаблантирарди. Уйга ҳам ўзи истаган вақтда, яхшилаб овқатланиб олиш учунгина келарди. Табиийки, ука уйга бир тишлам нон ҳам олиб келмасди, бу эса Эллани кутуртирарди.

Жон чуқур нафас олди. Қоронғулик атрофдаги тепаликларни тобора ўз қомига тортаётганди. Фақатгина тугма эҳтиёткорлиги кескин тормоз босиб, йўл четида турган машина билан тўқнашиб кетишининг олдини олди.

– Вой Худойим! – инграрди машина эгаси. – Мени етишди! Худойим! – У уникқан иш кийими кийиб олган урға яшар эркак эди. – Нега?! Мен кимга керак бўлдим? Худойим! Ўз йўлимда кетаётган бўлсам, ҳеч кимга ҳалақит бермаган бўлсам, мана сенга, деб отиб ташлашди! Ўқ мана бу ерга тегди. – У бармоғини тешикка тиқиб кўрсатди. – Ўқнинг тушганини эшитдим, лекин топа олмаяпман. Машинадан тушаётганимда учиб кетдимикин-а? Фонарингиз йўқми?

Жонда фонарь йўқ эди.

– Менга қаранг, нега сиз уни ўқ деб ҳисоблаяпсиз? Балки қаршингиздан келаётган машина учуриб юборган тошдир! – деди Жон.

Эркак Жонга қутургандек шунақанги нигоҳ солдики унинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Тош?! Қанақа тош?! Нималар деяпсан? Қани йўлингдан қолма! Тош эмиш! Вой Худойим!

Ганарсон уйининг ортидаги тепалик тагида машинасини тўхтатиб, тор сўқмоқ бўйлаб тепага кўтарила бошлади.

Клинт меҳмонхонада полга ёнбошлаб, телевизор томошакорларди. Элла духовкада нимадир пишираётганди. Билл эса меҳмонхона ва ошхона орасида бурнини тортганча эмаклаб юрарди.

– Йўлимизда қизиқ ҳодисалар бўляпти, – деди Жон останада кирар-кирмас.

– Ҳа-ҳа, – деб жавоб берди Клинт юзидаги курун ифодани бузмасдан.

– Кўрдингми, Жон! Энди мени тушунгандирсан? Кун бўйи шу аҳвол, кундан кунга ҳиқилдоғимга келяпти, ингради Элла.

Кичкина Билл отаси олиб келган ва аслида кечки овқатдан кейин ейилиши шарт бўлган конфетта қўлчаларини чўза бошлади. Жон қатъият билан ўғлинини итариб ташлади, болакай йиғлай бошлади.

– Бунга нима дейсан? – аралашди Клинт. – У энди иккига қиряпти. Нега унинг ғашига тегасан?

Билл отасига хафа бўлиб тикилиб турарди. Жон унинг тортди ва бир-икки дақиқадан сўнг маза-матраси йўл оқоватни кўкларга кўтариб мақтаб турарди, Элла эса бунга эътибор ҳам бергани йўқ. Овқатланиб бўлишгач, у ётоққа жўнади, бироқ ҳадеганда уйқу келмас, шу сабабли Жон яна меҳмонхонага йўл олди. Клинт ҳануз полда ястанганча тунги шоуни томоша қилиб, сигарет тутатиб ётар, Элланинг

ири кайфияти ҳалигача тарқамаяпти. Жон ух тортиб, яна ётоққа қайтди.

Ганарсон “Гернси корпорейшн”да ишларди. Бу завод маза ва сабзавотларни қайта ишлар, уларни қуриштириб, маддоқлаб маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга жўнатар эди. Корхона унчалик катта эмасди, раҳбариятда тўртта бригадир бор эди. Жон улардан бири эди. Катта ошхонага ўхшаб кетадиган цехларда кўпинча у ўзини кўридан кўра шу ерда хотиржам ҳис қилишини тан оларди.

“Янги йўлимизда қизиқ ҳодисалар бўляпти...” деди Жон бригадирлардан бирига ечиниш хонасида кийим олимаштираётди. “Кеча қизиқ ҳодисанинг гувоҳи бўлдим”, деди ўртоқлашди у корхонанинг ошхонасидаги официант Эллага. Фақатгина қария мистер Гернсига ҳам бунини айтиб берганда ичидан бир нидо келди: “Сен бир нарсани қандайдек такрорлавераяпсан”. Жон пешонаси тиришиб, ички сўзига ўзича жавоб қилди: “Унда нимани айтай? Менинг муаммоларим уларга қизиқмикан?” Нима бўлганда ҳам, мавзунини ўзгартириб, бошлиғи билан машиналар ҳақида гаплаша бошлади.

Бироқ, иш куни якунланаётди Жон яна ўша мудҳиш воқеага қайтишга мажбур бўлди. Навбатчиликдан сўнг душда ювинаётди, бригадирлардан бири Боб Ламотта унинг шовқини аралаш унга деди:

– Эй, Жон! Боя гапириб берган эркак унга қарата ўқ олишганини сенга айтган экан, сен эса бу тош дегансан...

– Мен тош деганим йўқ, шунчаки фараз қилдим...

Бироқ Боб Жонни эшитмаётганини билдириб, елка қисди ва душдан сўнг суҳбатни давом эттирди:

– Хуллас, Жон, сен адашибсан. Шерифнинг ёрдамчилари ўқ узилганини тасдиқлашибди.

– Шерифнинг ёрдамчилари ҳеч қачон адашмас эканми? – деди Элла.

– Тўғри. Бироқ бугун ҳам йўлда ўқ узишган. Бир хонин шаҳардан қайтаётган экан, бир вақт пақиллатиб оти қолишибди. Ўқи орқа ён ойналарнинг иккисини ҳам теши ўтган. Тошдан бунақа туйнук қолмаса керак...

Эртаси кун ийўлда учинчи марта ўқ узилди. Икки кун мобайнида полиция ўтаётган машиналарга ким ўқ узган бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида тепаликлар атрофини тинтиб чиқишди. Жавоб жуда оддий эди: исталган киши! Йўлнинг узунлиги бир неча мил эди атрофдаги тепаликларнинг эса саноғи йўқ.

Кейинги икки кун давомида ҳеч ким ўқ овозини эшитмади. Бироқ учинчи кун турли участкаларда тўртта машина ўққа тутилди.

– Бу кимнинг иши бўлиши мумкин? – ҳайқирди Жон уйда.

Элла дарров жавоб берди: ўрмонда тикилиб ётган, бутун дунёни ўзидан қарздор деб ҳисобловчи бекорчи безорилардан бири бўлса керак-да.

Клинт сўқинди. Элла Жонга қаради ва бақира кетди:

– Унинг сўқинишига индамай қараб тура оласанми?

Жон бу жанжаллар ҳиқилдоғига келгани ҳақида ўйла қолди ва эртасигаёқ мистер Гернсидан Клинт учун армияда чақирилишигача бирорта вақтинчалик иш сўрашни кўнглига тугди. Ҳечқурса Элла кундузи уйда бир ўзи ўғли кўпроқ вақт ажрата олар. Боланинг ҳиқиллашида кулгисини эшитиш яхши-да. Баъзан Жон ўғли ва укасининг юз ифодалари бир хил эканлигидан ҳайратланарди. Иккиси ҳам – доим нимадандир хафа ва кўнгли тўлмаган.

– Менимча, бирорта эси паст отаётган бўлса керак, – дед ўз саволига жавоб бера бошлади Жон Клинт ва Элла ўтасида алангаланаётган жанжални ўчиришга уриниб.

Эртаси кун эса у газеталарда айнан шу тахмининг ўқиди. Сарлавҳалар савол берарди: “Водийдаги эси паст

снайперни қандай топиш мумкин?”, “Телба Снайпер. Ким у?”.

Жон кундузи завод ошхонасида тамадди қилиб ўтирган уч полициячидан снайпер ҳақида чидай олмай сўради.

– Бу бола эсини йўқотгани аниқ, – деди полициячилардан бири. – У бу туришда кимнидир ўлдириб қўяди. Шунақа кимнилар ҳам бўлади. Улар хаёлига келиб қолади-да, шунтиқдан дуч келган томонга ўқ уза бошлашади. Бирорта ким ёзганда ҳам уни ушлашимиз осон кечарди.

Официант аёл Безори Жек деганлари ҳам қоп-қоп хат ёзгани, у хатлар билан бутун бошли Скотланд Ярднинг қами деворларини ёпиштириб чиқиш мумкинлиги, шунда ҳам уни топа олишмаганини эслатди.

Юзлари қип-қизил иккинчиси полициячи эса на қимкаси, на газетачиларга қўшилди.

– Агар менинг фикримни билмоқчи бўлсангиз, – деди у, – у қандайдир олифта. Ҳеч ким ҳеч кимдан қасос олмаяпти. Шунчаки, асабларга ўйнаш учун ўқ узяпти. Олифталар ўзи шунақа бўлишади. Балки ким ҳайдовчига яқинроқ ўқ узиш ҳақида баҳслашишгандир? Жа қуюшқондан чиқиб кетибди улар. Балдоғи мис чарм камарларни олиб, иштонини ечиб, бақиртириб ясаш керак уларни.

Тушлиқдан сўнг Жон мистер Гернси билан Клинт ҳақида гаплашмоқчи эди, лекин бошлиқ ундан аввал гап очди:

– Бу мерган йўл қурилиши давомида уйи бузиб танланганлардан бири бўлиб чиқса ажабланмайман. Ёсингдами, Жон, жуда кўпчилик норози эди. Лекин бизга шунинг йўл керак ҳам эди-да!

– Гапларингизга қўшиламан, – деди Жон. – Илгари ишга кечикмай, деб жуда эрта йўлга чиқишга мажбур бўлардим. Уйга ҳам қачон етиб боришимни олдиндан айта олмасдим. Энди эса йўлга қанча вақт сарфлашимни сониясигача билламан. Айтмоқчи, мистер Гернси...



– Лекин улар ҳаммани рози қилишмаган, – давом этди бошлик, – фалон ўлчамдаги уй фалон фунт турмайди, деб ҳисоблашган. Ҳаммага бир хил ҳақ тўлашган. Ҳеч кимнинг уйининг ичида нима борлигига эътибор ҳам бермаган. Баъзилар уйини яқиндагина таъмирлашган, янги иситиш тизими, турли мосламалар қилиб олишган-да... Ҳамма баробар бўлинган. Мана, кимдир янги йўлга қатнаётганлардан ўч олишни кўнглига тукканга ўхшайди.

Жон бошини тасдиқ маъносида ирғади:

– Бўлиши мумкин. Сиз шерифга кўчириб ўтказилганларнинг ҳаммасини текшириш керак, деб айтасизми?

– Бу ҳақда шериф билан гаплашишим керак, деб ўйлайсанми, Жон?

– Бу жиддий масала, менимча, учрашишингиз керак.

Натижада, Жон Гернсидан Клинт учун иш сўрашнинг нутқи.

Эртаси куни ишга келган Жон ховлида полициячиларнинг машинасига кўзи тушди.

– Ўғри тушибди, – тушунтирди Боб Ламотта. – Кимдир идорага кириб, кассани босган, столлардаги ҳамма тортмаларни очиб кўриб, иккита ёзув машинкаси, радиоприёмник, ҳисоблаш машинаси ва янги алламбалоларни кўтариб кетибди.

Мистер Гернси шериф ёрдамчилари билан гаплашаётгани эшитилиб турарди:

– Албатта, менда гумон бор. Мен буни ким қилган бўлиши мумкинлигини сезяпман. Лекин кечагидек снайпер ҳақида гаплашмоқчи бўлганимизда қўлларингизни силтамай, эътироз билдирмай эшитсангизгина айтаман.

Бу сўзларни эшитгач, Жон кўзга кўринмасликка қарор қилди. Агар қария Гернси унинг маслаҳатига амал қилган бўлса-ю, полициячилар уни тинглашни исташмаган бўлса, яхшиси бошлиқнинг кўзига кўринмай тургани маъқул.

арҳол қўл остидагиларини йиғиб, ишга киришди. Ҳа, боқулай аҳволга тушиб қолди. Қариянинг тахмини ёмон эмасди.

Ўғирликни жуда тез очишди. Тушлиқдан олдин ҳаммол Мануэль иккинчи қаватга – Жон бригадаси билан ишлаб кетган цехга кўтарилиб, ютоқиб гап бошлади:

– Уни ушлашди! Кимлигини ҳаётда топа олмайсизлар! Қани, уриниб кўринглар-чи!

– Мисс Понсонби? – деди кимдир гурр кулгига сабаб бўлиб. Мисс Понсонби компанияда у асос солинган кундан бери ишлар, жуда ҳалол аёл эди.

– Эсингни еганмисан? – эътироз билдирди Мануэль. – Қанақа мисс Понсонби! Бўпти, барибир топа олмайсизлар. Бу Рэй экан!

Буни ҳеч ким кутмаганди. Мўминқобил йигит Рэй компанияда бухгалтер бўлиб ишлар, ёлғиз онаси билан ишлар, кечалари черковда орган чаларди. Бу ҳам миссис Понсонби ўғри бўлиб чиққандек ҳайратланарли эди!

Янгиликдан хануз ўзига кела олмаётган Мануэль тушунтириш бера бошлади: Рэй аввал бошдан пул ўғирлаб орган экан. Ишчилардан кимдир бошлиқ уни тутиб олиб, иккунлик иккун хати ёздирганини эслади. Мистер Гернси ёш бухгалтерни нима қилсам экан, деб ўйлаганча у ўзининг иккунномасини ўғирлаб, ишдан бўшаб, бошқа жойга кўчиб кетишни мўлжаллаган. Ҳақиқий ўғриликни саҳналаштириш учун идорадан пул ва бошқа нарсаларни ҳам ўғирлаган. Иккунроқ қария Гернси Рэйнинг иккунномаси йўқолганини кўргач, гап нимада эканлигини сезган. Ҳақиқий ўғри ҳеч қачон бундай “қимматбаҳо” қоғозга тегмаган бўларди. У ўз гумонларини шериф ёрдамчиларига билдирган, бу сафар ишдамай эшитишибди. Полиция уйига бостириб боргач, Рэй ҳаммасини бўйнига олибди.

Мистер Гернси кун бўйи Рэйга расман айблов эълон қилиш-қилмаслик ҳақида ўйлади. Иш куни тугашидан пича

аввал у ўзининг чанг босган “Шевроле”сига ўтириб, якуни карорни Рэйнинг онаси билан гаплашиб олгач чиқарини ният қилиб, унинг хузурига йўл олди.

Навбатчиликдан сўнг, Жон душда чўмилаётганда Боб Ламотта кулимсираганча ундан сўради:

– Телба снайпер ҳақидаги сўнгги янгиликларни эшитдингми? Кимнинг машинасига кумуш ўқ келиб тегса, вампирлар ҳақидаги янги фильмга бепул чипта соҳиб бўлар экан! – Боб ўзининг ҳазилидан ўзи нашъа қилганча хохолаб кулди.

Жон янги йўлдан уйига қайтарди. Бошида турли ўйлар гужғон ўйнади. Қороғуликда йўл четида турган машина ёнидан ўтиб кетай деди. Жон “Шевроле”ни таниди. Формали кимса қўлидаги фонар билан олдинга ундади.

– Ўтиб кетаверинг, кетаверинг!

– Бу бошлиғим мистер Гернсининг машинаси. Унга ним бўлди?

Фонар Жоннинг юзини ёрита бошлади ва шерик ёрдамчиси деди:

– Уни ўлдиришибди. Ўқ унинг бошига теккан. Сиз Гернсининг қўлида ишлармидингиз? Исмингиз нима?

Сирена овози эшитила бошлади. Яна битта полиция машинаси етиб келди. Жон мистер Гернси рулни кучоқла сулайиб қолганини кўрди. Унинг шу ҳолати Жонни маъқулроқ кўринди: у бошлиғининг ўлик юзини кўрмайди.

– Шундай бўлиши ҳам керак эди, – деди шерик ёрдамчиси.

– Доим машиналарга қарата ўқ узилаверса, эртами-кечми бирортага тегиши аниқ эди.

Шу вақт Жонни ток ургандек бўлди. У ўзи истама гапира бошлади:

– Агар бу тасодиф бўлмаса-чи? Кимдир аввалда ҳаммани боши берк кўчага қамаш учун қотилликни режалаштирган бўлиб чиқса-чи? Бирорта эси паст манья

б ўйлашлари учун машиналарга ўқ узиб турган. Ўзи  
таган кишини ўлдиргач, ҳамма буни тасодиф деб  
оҳонайди. Шунақа ҳам бўлиши мумкин-ку?!

Ҳеч ким жавоб бермади.

Қария Гернсини ўлдириш кимга керак бўлди экан-а?! –  
қариб юборди Жон.

Анави мумсик Рэйга бўлмаса керак, ҳарқалай, у  
шонция бўлинмасида панжара ортида, – деди шериф  
рамчиси. – Бўпти, энди сиз кетақолинг.

Куйинганидан Жон йўлни зўрға илғарди. Бир илож қилиб  
пигача етиб келгач, тепаликнинг дуч келган жойида  
шинасини тўхтатди ва сўқмоқдан оёқларини зўрға судраб  
ўтарила бошлади. Ёноқларини ёшлари ҳўл қилаётганини  
қилиб, эшикни очди ва уйга қадам босди.

Элла ва Клинт ҳар доимгидек уйда эдилар. Уни кўзлари  
қикқа ёш билан кўриб, қай бири биринчи бўлиб бақириб  
борганини тушунмади ҳам. “Улар мени яхши кўришади, –  
қилига келган биринчи фикр шу бўлди, шу сабабли ўпкаси  
қилиб келаётган бўлса-да, ҳаммаси жойида, дегандек  
қилимайишга ҳаракат қилди. – Ҳар нима бўлса ҳам,  
қирнинг ҳар иккиси мени яхши кўради. Суйишади”. Лекин  
нинг бу фикри яшин тезлигида бошқаси билан ўрин  
қилмашди: “Ошхонада милтиқ нима қиляпти? Ахир у ерда  
қил бор-ку?!” Жон бу гапни оғзига чиқармоқчи бўлган ҳам  
қилки, Элла чинқирганча бақириб юборди:

– Ахир сен уни ўлдирдим девдинг-ку! Ўлди девдинг-ку!!!  
Жон хотинига, сўнг укасига қаради ва Элла не сабабдан  
қичираётганини ва шунча вақт нималар бўлганини  
қушунди. У шахдам қадамлар билан ошхонага йўналиб,  
қилтиқни қўлига олди...

*Рус тилидан Шавкатбек таржимаси*



## ҚЎШНИ КАМЕРАДАГИ ОДАМ

Горвалд орқасида сиренанинг дунёни бузиб чийиллабганини эшитса ҳам, бор куч билан газни босарди. О кулранг патрул машинасидан қочиб кетишга унинг кўятмас, лекин оёғи ўзига бўйсунмасди. Йўл назорат полициячисининг “Жип”и у ўтирган машинанинг орқасидан урилганида Горвалд ҳали тезликни пасайтирмаганди.

У тўғрига бақрайиб қараб ўтираркан, оғир ботинканин шағал йўлни шитирлатишини эшитди ва автоинспектор:

– Тезликни пасайтирай демайсиз, мистер. Сиренамв эшитмадингизми? – дегандагина бошини буриб қаради.

Горвалд таъби тирриқ бўлиб хўрсинди.

– Келинг, бу ғалвани тезроқ бир ёқли қила қолайли. Жуда шошиб турибман.

Гувоҳнома ва бошқа ҳужжатларини кидираётган Горвалднинг юзидан аввал ҳам бундай вазиятлар тушганини сезиш қийин эмасди. Инспектор ҳужжатларини текширди ва ён чўнтагидан қалин дафтарчани чиқарди.

– Леон Горвалд, Филадельфиядан. Уйингиздан аниқ олислаб кетибсиз-ку, мистер Горвалд. Бизнинг штатдан ҳақиқатчикиб кетасизми?

– Ҳозироқ чиқиб кетишга тайёрман.

– Энди бироз кутишингизга тўғри келади. Сизнинг квитанция ёзиб бераман, беш кун ичида тўлайсиз. Спидометрим машинани етмиш милдан юқори тезликда ҳайдаганингизни кўрсатаяпти.

– Тушунсангиз-чи, мен бизнесменман, – деди Горвалд. Ёнидаги ўриндикқа қўйилган папкани пайпаслаб. – Муҳим ишларим бор. Балки йўлни қилиб келишармиз...

У чўчка терисидан тикилган, четидан йигирма долларлик пул чиқиб турган ҳамёнини олди.

Жаримани шахсан ўзингизга тўласам-чи? – деди ҳамёнини очаркан кўзини қисиб.

Полициячи дарҳол квитанция дафтарчасини ёпти-да, бир одам ортга чекинди.

– Тушунарли, – деди у. – Машинадан тушинг.

– Шошманг...

– Тушинг, мистер, вақтингизни олманг.

Горвалд пул бераман дегани учун ўзини лаънатлаб машинадан тушди. Йўлда тураркан, полициячининг ўзидан бир фут баланд эканини пайқади ва бу мускулдор инсанинг олдида ўзини ношуд болакайдай хис қилди.

– Ортикча оворагарчиликдан кутулмоқчи эдим, холос, – ушунтирмоқчи бўлди Горвалд.

Энди бу ёғига роса овора бўласиз. Мен пора органларни ёмон кўраман, мистер. – Полициячи бош қармоғи билан патрул машинаси томонга ишора қилди. – Қани, олдимга тушинг-чи. Машинангизга ялтироқ белги қилганаман, кейин Перривилга борамиз.

– Перривилингиз нимаси, жин урсин?

– Унинг ёнидан беш дақиқа аввал ўтдингиз. Машинанинг инспек учирганингиз учун пайқамаган бўлсангиз керак. Шаҳарчамиз кичкина бўлса ҳам, битта зўр муассасаси бор. Турма.

Перривилда, ҳақиқатан ҳам, турма бор экан. Уни кўргач, Горвалд ирганишгами, умидсизликками ўхшаш бир туйғуни хис қилди. Пишлоқ кутисига ўхшаш турма биноси оқ рангга бўялгани учун шаҳарчадаги энг тоза иморатга ўхшаб туринади. Лекин бу бинода мақташга арзигулик ҳеч вақо бўлмас эди. Перривил турмасининг ичи зах ва қоронғу, ёворлари яшил мойбўёқли, жиҳозларининг шалоғи чиққан, шипкалар солинадиган, юпка тахтали жавони бор эди. Ёнининг тўрида қалин темир панжарали иккита камера қойлашган.

Қабулхонада ҳеч ким бўлмагани учун Горвалднинг полициячининг шахсан ўзи қамади. У бўёғи кўчи девордаги илгакдан калитлар боғламини олди-да камералардан бирини очди ва имлаб Горвалдни ичкарига таклиф қилди. Бизнесмен тўнғиллаб-тўнғиллаб камерага кирди.

– Судьяни қачон кўраман? – сўради у. – Судья билан гаплашишга ҳаққим бор-ку.

– Топганимда кўрасиз. Бугун якшанба, мистер. Якшанба кунлари бу ер жим-жит бўлади. – У орқа эшикни очди-да: Ҳой Монтегю! – деб қичқирди.

– Санди! Бирор одам борми? – Ҳеч ким жавоб бермаган у елка қисди.

– Овқатланишгами, бошқа бирор жойга жўनावоришган, шекилли. Судья Вебстернинг уйига бори кутаётганингизни айтаман. Тўполон қилмай ўтиринг.

У эшикка йўналганда Горвалд норози бўла бошлади:

– Ҳой! Мени бу ерга қамаб кетишга ҳаққингиз йўқ!

– Кутишдан бошқа иложингиз йўқ, мистер. – У яна орқа эшикка қаради. – Тавба, ҳамма қаёққа даф бўлди, – деди у. Балки...

Кўча эшиги ортидаги шовқин унинг фикрини бўлди. Хонага оқ сочли қария отилиб кирди, қаттиқ ҳаяжонланганидан ажин босган, бужмайган юз текислангандек туюлиб кетди.

– Чарли! – бўқирди у. – Сени кўрганимдан боши осмонга етди, огайни! Машинангни кўришим билан худонинг шукроналар ўқидим. Анави қайсар нуха...

– Жин урсин, ўзи ким ҳақида гапиряпсан, Монтегю?

– Худо ҳаққи, Чарли, ярим асрдан бери Перривилд бугун тонгда рўй бергандақа жиноят содир этилмаганди. У йўтали тутиб камаридаги тўппонча ғилофини шаппатилади. – Лекин бу ишни қилган кимсани биз қўли туширдик, яъни мен билан Санди. Шундай экан, текин ош...

шерик бўламан, деб овора бўлма. Сенинг ишинг уни бу ёққа судраб келиб, камерага тиқишга кўмаклашиш, холос.

Монтегю гапдан тўхтаб, Горвалдга қараб бақрайиб қолди.

– Ё алҳазар, Чарли, манави нусха бу ерда нима қилиб ўтирибди?

Қария столнинг бир четига ўтириб, пешона терини кафти билан артди.

– Умрим бино бўлиб бунақа кўрқинчли манзарани кўрмагандим, Чарли, – деди у шивирлаб. – Вақтида Францияда кўп нарсани кўрганман, лекин бунақа даҳшатни!.. Қиз бурда-бурда қилиб ташланган. – Унинг ранги оқариб кетди. – Фримонтларнинг қизи. Танирмидинг? Исми Сюзи эди.

– Йўқ, танимайман.

– Товуқ фермалари бор. Танасини укаси уйларидан чорак мил наридан, ўрмондан топган. Қиз бечора шох-шабба йиғишгами, гул теришгами борган экан. Бояқиш жуда соҳибжамол бўлмаса ҳам, ёқимтойгина эди. Ҳозирги аҳволини кўрсанг эди, Чарли! Бу телбани худонинг ўзи кечирсин.

– Қизни ўлдирган ким экан ўзи?

– Чамамда йўлда машина тутиб шаҳардан ўтаётган бўлган, бу ерда уни ҳеч ким танимайди. Тана ётган жойдан чамаси ўттиз ярд нарида машинага минаётган экан, кетидан қичқирдик. Оёғини қўлига олиб югура кетди. Бир амаллаб тутдик. Аниқроғи Санди тутди. Мен бунчалик тез югуролмайман. Қаршилиқ кўрсата бошлаган эди, Санди револьвер билан бошига туширди. Дайди экани кўриниб турибди, лекин қачонлардир механик бўлган кўринади. Икки томонга “Сенека гаражи” деб ёзилган эски оқ коржома кийиб олган. Балки гаражнинг қаерда жойлашганини аниқларсан.

– Ўзи ҳозир қаерда?

– Ташқарида, Сандининг машинасида ўтирибди. Ўн дақиқа бурун тавбамизга таянтираётганди, лекин ҳозир тинчиб қолган. Олиб киришга ёрдамлашасанми?

– Майли. Кейин штаб-квартира билан боғланаман, балки мени жиноят жойига юборишар. Тана ҳали ҳам топилган жойидами?

– Бўлмасам-чи. Чарли, мен ўзимнинг ишимни биламан. Ёнига иккита ёрдамчини қолдириб келдим. – У яна Горвалдга қаради. – Буни нима қиламиз? Нима иш қилган?

– Тезликни меъёридан оширди, устига-устак, менга пора бермоқчи бўлди, – тўнғиллади инспектор. – Бунинг масаласи ҳал. Механигингни эса, нариги камерага тикамиз.

Уларнинг гапини диққат билан эшитиб турган Горвалд аюҳаннос сола бошлади.

– Судьяни талаб қиламан! Жаримани олиб, мени қўйиб юборинглар!

Қария безовталана бошлади.

– Менга қара, Чарли, бунақа вазиятда... Бор-йўғи йўл ҳаракати қويدасини бузган экан. Ўзинг бир ўйлаб кўр...

– Нима бўлди сенга, шериф? – йўл полициячисининг ковоғи уйилди. – Иккита маҳбусга кучинг етмай қолдимми?

– Э, гап бундамас...

– Бошимни огритма, Монтегю. Қонунни буздими – ўтиришга мажбур. Судья Вебстерга бориб айтаман, келиб бунинг ишини кўради, тамом-вассалом.

– Шу қонунчилигинг ҳеч йўқолмади-да, Чарли, – пўнғиллади шериф. – Отанг ҳам шунақа эди.

У хўрсиниб столдан тушди-да, ғичирлоқ тўкима курсига ястанди.

– Бўпти, Санди икковинг анави механикни олиб кинглар, унгача мен судьяга телефон қилиб кўраман. Эҳтиёт бўл, Чарли, механик пихини ёрган нусхага ўхшайди.

Полициячи ташқарига йўналди. Горвалд жаҳл билан камера панжарасини урган эди, қария пати юлинган куркадай унга ўқрайиб қаради.

– Ўзингизни босинг, мистер, – деди у.

Шерифнинг уринишлари зое кетди. Горвалд линиянинг нариги томонидан келаётган гудок овозини эшитди, лекин трубкани ҳеч ким кўтармади. Уч дақиқадан кейин эшик яна очилганда инспектор билан сариқ сочли қорувли йигит судраб келишаётган барзангини кўриб, бизнесменнинг афти буришиб кетди.

Жиноятчининг узун сочи қалин қошларига тушган, кўзларида ғазаб учқунлари йилтирарди. Ўрта бўйли, лекин елкалари кенг, кир босганидан оқ рангдалиги билинмай қолган эски коржома кўкрагига ёпишиб турарди. У кучанди-ю, лекин айтарли қаршилиқ кўрсата олмади.

Кейин қария кўшни камерани очди ва Горвалд энди Перривил турмасида ёлғиз ётмаслигини тушунди.

– Энди бу бизларни безовта қилмайди, – деди нафас ростлагач, шерифнинг сариқ сочли ёрдамчиси ғурурланиб. – Нўлдаёқ мушт кўтармайдиган қилиб қўйдим.

Полициячи панжара орасидан янги меҳмонга қаради ва:

– Исминг нима, мистер? – деб сўради.

– Қорангни ўчир! – бўқирди барзанги.

Камераларни бир-биридан ажратган темир тўсик орасидан қараб турган Горвалд йўталган эди, механик уни кўриб, ғазаб билан шундай ўқрайдики, Горвалд ўзи сезмаган ҳолда ортга тисарилди.

– Бунақада ўзингга жабр қиласан, – деди полициячи пинагини бузмай. – Лекин, агар бизга ёрдам берсанг...

Механик энсаси қотиб тупурди ва бунга жавобан шерифнинг ёрдамчиси мускулдор қўлини панжара орасидан тикиб унинг елкасига кафти билан бир туширган эди, коржоманинг чанги чиқиб кетди.

Махбус уч-тўрт кадам нарига бориб тушди, кейин камеранинг эшигини шунақанги куч билан силжитдики, темир эшик шарақлаб кетди. У ҳаммани бўралатиб сўка бошлади ва кўкқисдан ортига ўтирилиб каравотга кулади. Сўнг ўтириб, пахмоқ бошини чангаллаганча турмада ётишга кўниккан одамлардек жимиб қолди.

Горвалд кўзлари косасидан чиққудек бўлиб уни кузатарди.

– Хўш, судья масаласи нима бўлди? – сўради полициячи.  
– Топилдими?

– Овора бўлманглар, – деди Санди. – У хотини билан Блантонга, қариндошлариникига кетган, ҳар якшанба меҳмонга боришади. Тўққиз яримларда қайтади. Уни ўшанда топасан.

– Жин урсин, – деди Монтегю. – Бундан чиқди, камида уч соатдан кейин келади. Сўнг тушлик ҳам қилади. – У хижолат бўлиб Горвалдга қаради. – Кечирасиз, мистер, биз кўлимиздан келганини қилдик.

Полициячи афтини буриштирди:

– Кутади, энди шошилишдан фойда йўқ. Санди, мен билан Фримонтларникига борасанми?

– Агар Монте йўқ демаса, бажонидил.

– Мен қаршимасман.

– Кейин сенинг номингдан бошқармага ахборот юбораман, – деди полициячи. – Бир ўзинг қоровулликни эплайсанми?

– Хавотирланмай кўяқол, – деди шериф пинагини бузмай. – Бемалол эплайман.

Перривил турмасида яна одам овози эшитилгунча ярим соатдан кўп вақт ўтди. Механик бошини чангаллаганча ҳамон каравотда ўтирар, бунақа хавфли кимса билан кўшни бўлганидан ўзини йўқотиб қўйган Горвалд камеранинг бир бурчагига тикилиб олганди. Кичкина турманинг ягона

воровули – қария-шериф аллақандай узундан-узоқ хатни ёзиш билан овора эди.

Механик фақат бир марта қимирлади. Бошини кўтариб Горвалдга қаҳр билан шунақанги ўқрайдики, бизнесмен инграб юборди. Механик нафрат билан мийиғида кулиб ётигини каравотга чўзди-да, деворга қараб ётиб олди. Турма ёлқариси нимқоронғу бўлгани учун аниқ айтиш қийину, лекин Горвалдга унинг пахмоқ сочларига қон куйқалари ёпишгандек туюлди.

Механик тинчиб қолгач, Горвалд камера эшигининг олдига пусиб келиб:

– Ҳой, бу ёққа қаранг, – деб шивирлади.

Қария маъносиз нигоҳини унга қадади.

– Сиз билан гаплашмоқчи эдим. Илтимос.

Шериф уф тортиб ғирчиллоқ курсидан турди.

– Сизга нима керак, мистер?

– Бир неча соат ўтди, ахир...

– Бир соат ҳам ўтмади.

– Судья билан гаплашишга ҳаққим бор-ку, жин урсин!

Конунда ёзилган!

Қария иягини қашиди.

– Бир марта телефон қилишга ҳаққингиз борлигини билман. Бу бор гап. Кимгадир телефон қилмоқчимисиз?

– Йўқ, – инграб юборди Горвалд. – Ҳеч кимга телефон қилмоқчи эмасман.

У тоқатсизланиб кўлларини силкита бошлади.

– Тушунсангиз-чи, бор айбим ер ютгур шаҳарчангиздан ўтаётганда тезликни оширганам. Тушунаяпсизми? Тезликни оширганман, холос.

– Айтадиган бошқа гапингиз йўқми?

– Йўқ, шошилманг, – Горвалд ҳамёнига кўл чўзди. – Менга қаранг, агар иккимиз...

Шериф таажжуб билан унга тикилди. Горвалд яна хато қилганини тушунди. Ҳибсга олинишига сабаб бўлган

аҳмоқона ҳалолликка лаънатлар ўқиб, ҳамёини чўнтагига тикди. Шерифга у ҳақида нима деб ўйласа барини айтмоқчи бўлиб турган эди, эшик ланг очилиб ичкарига шерифнинг сариқ сочли ёрдамчиси югуриб кирди. Унинг ранги бўзарган, келтирган янгилигини айтолмай нуқул ҳансирадди.

– Дарров қайтингми? – ажабланди шериф. – Чарли билан Фримонтларникига бормоқчи эдинг-ку...

– Чарлининг ўзи кетди. Макмуртининг бари ёнига тўпланган оломонни кўргач, менга шу атрофда юрганин маъкул, деди...

Ёрдамчиси шерифнинг биллагидан ушлаб четга тортди, лекин Горвалд панжарага қапишиб у айтган воқеани бемалол эшитди.

– Ўлай агар, Монти, бир нима бўлаяпти. Кетаётганимизда Макмуртининг бари олдига тўп-тўп одам йиғилганини кўрдик, бақир-чақир авжига чиққан, бунақа пайтда аҳвол қандай бўлишини ўзинг биласан-ку. Макнинг оғзи қулоғида, худди Мавлуд айёми кириб келгандек, қўли-қўлига тегмай ичкилик сотаяпти. Чарли бирор кўнгилсизлик бўлишидан кўрқиб, шу атрофда юр, оломондан кўзингни узма деб тайинлади.

– Қанақа кўнгилсизлик? – деди боши қотган қария. – Мендан нимани яшираяпсан?

– Жим! – шивирлади Санди ва йўғон кўрсаткич бармоғи билан механик ётган камерага ишора қилди. – Бу шаҳардаги айрим йигитларни танийсан-ку, Монти... Бўкиб ичгач тўполон қилишларини биласан. Нима, улар Фримонтларнинг кизига нима бўлганини билишмайди, деб ўйлайсанми... Балки буларнинг барини сир сақламоқчидирсан? Шунини муҳокама қилишаётганди. Тушундингми?

– Хўш, нима бўлибди, жин урсин? Бу шаҳарда Тедди Рувелт ўтган пайдан буён рўй берган энг шов-шувли

воқеа бўлса, сенингча, улар яна нима ҳақида гаплашиши керак, балиқ ови ҳақидами?

– Монти, сен бу ерда анчадан бери шерифлик қиласан, лекин шу пайтгача бирор марта чинакамига жиддий шизиятга рўбарў келмагансан.

– Гапни чўзма, – тўнғиллади қария.

– Оломон бўкиб ичган, ҳаммасининг томи кетган. Нима қилоқчилигимни тушунаёпсанми? Улар анавини муҳокама қилишяпти, – шерифнинг ёрдамчиси яна кўрсаткич бармоғи билан камерага ишора қилди.

Катагининг эшигига ёпишиб турган Горвалднинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Миянги айниб қолибди, – деди шериф. – Механикни тошбўрон қилиш учун ҳаммаси бу ерга бостириб келадими? – мийиғида кулди шериф. – Сэм Дуглас-у, Вине Меррий бошчилигида-я? Эсингни еб қўйибсан, Санди.

– Мен, ахир, ўша ёқда бўлдим, – деди қариянинг озғин биллагини сиқаркан маъюс тортиб Санди. – Барга ҳам кирдим. Бу йигитларнинг кўпчилиги сув тошқинидан буён ишсиз юрибди, уларга баҳона топилса бўлди, ҳаммаёқни естин-устун қилади. Сен газабланган оломонни кўрмагансан. Мен эса Риверхедда кўрганман. Гапимга ишон, Монти, бошимизга ғалва орттириб олдик.

Қария қўлини бўшатиб, эшикнинг ёнидаги кичикрок перазанинг олдида борди. Қоронгу тушаётган кўчага диққат билан тикилди, лекин ҳавотирланишга арзийдиган бирор нарса кўрмади. Столнинг ёнига қайтиб, телефонга қўл чўзди.

– Балки, Макка кўнғироқ қилсам...

– Гапимга ишон, Монти мен йигитларнинг гапини эшитдим. Дарҳол бирор нима қилмасак бўлмайди...

– Менинг қўлимдан нима келади? Федерал хизматга кўнғироқ қилайми? Улар ярим соатдан кейин келишади.



– Бу жуда кеч. Балки агар Чарли шаҳарга қайтишга улгурса...

– Санди, гапларингга ишонгим келмаяпти!

Санди заҳарханда қилди.

– Анавини сиртмоққа осишганини кўрсанг ишонасанми?

У шунақанги баланд овозда ўшқирдики, механик уйғониб кетди, пахмоқ сочлари диккайиб ўрнидан турди. Оғзини очиб, кўзларини чақчайтиришидан кўркиб кетгани сезилиб турарди.

– Сиртмоқ? – ғўлдиради механик. – Ким сиртмоқ ҳақида гапираяпти?

У каравотдан туриб камеранинг эшигига яқин келди.

– Ким сиртмоқ ҳақида гапираяпти? – бўкирди у йўғон темир панжарани чангаллаб.

Шерифнинг столидаги телефон жиринглади. Санди трубкани олиб, бир неча сония қулоғига қўйиб турди-да кейин кафти билан микрофонни ёпди.

– Макмурти экан, – деди у. – Ҳа, Мак, нима гап?

Яна 10 сонияча эшитиб тургач, трубкани улоқтирди.

– Монти, агар бирор нима қилмоқчи бўлсанг, вақтни чўзма. Макнинг айтишича, оломон бу ёққа қараб йўл тушибди. Уларда учта милтиқ бор экан, ҳаммаси маст турмани ўққа тутишлари тайин.

– Ё, алҳазар! – деди қария капалаги учиб.

– Мени қўйиб юборинглар! – бўкирди механик панжарани силкитиб. – Қўйиб юборинглар мени!

Қария яна деразининг ёнига келди.

– Ҳеч нарса кўринмаяпти. Келишса ҳам нариги томонда киришади. Санди, сен орқа томондан ов милтигини олиб чиқ. – Қария ғилофни очиб, тўппончани олди-да барабанидаги ўқларни санай бошлади.

Санди орқа хонага югуриб бориб, катта калибрли ов милтиғи ва бир кути ўқ кўтариб келди. Милтиқ ва тўппончасини ўқлагач:

– Монти, иккаламиз шу оломонни тўхтата оламиз деб ўйласанг... – дея гап бошлаган эди шериф тутоқиб кетди:

– Нима қилай бўлмаса, жин урсин?

– Мени қўйиб юборинглар! – ҳамон бўкирарди маҳбус. – Қўйиб юборинглар! Улар мени ўлдиришолмайди! Мени ҳеч ким ўлдирилмайди!

Қария қовоғини уйиб унга қаради.

– Балки гапида жон бордир. Бир тийинга қиммат жонини сиклаймиз, деб эски кадрдонларимиздан бирортасини отиб қўйгандан кўра бу газандани қўйиб юборган маъкулдир...

– Мен-чи? – гапга аралашди Горвалд. – Мени бу ерда қолдиришга ҳаққингиз йўқ!

Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб Горвалдга янгибор ҳам беришмади.

– Мен ташқарига чиқиб оломонни вақтинча бўлса ҳам тўхтатишга уриниб кўраман, – деди Санди. – Сен эса янавини орқа эшиқдан олиб чиқиб, “Форд”га ўтир-да, Фримонтларнинг фермасига қараб газни бос. Ўша ерда Чарлини топсанг, нима қилишни ўзи айтади.

– Майли, – бош сермади қария. – Уриниб кўраман. Сен оломонни тўхтатиб тура оласанми?

Ёрдамчиси милтиқнинг кўндоғига шартиллатиб урди.

– Кўп ушлаб туролмайман, – деди у хаяжонланиб. – Шунинг учун тезроқ қимирла.

Механик панжарага ёпишиб ҳарсиллаб нафас олар, шериф ва унинг ёрдамчисидан кўзини узмасди. Санди ташқарига чиққач, у яна панжарани силкита бошлади.

– О’кей, – тўнғиллади қария. – Сен айтганингдек бўла қолсин, йигит, фақат ўзингни босиб ҳунар кўрсатмай тур.

У девордан калитни олиб, револьверини чиқарди-да, камеранинг эшигини очди. Механик камерадан илондек сирғалиб чиқди. Кейин ибодат қилмоқчи бўлгандек кафтларини жуфтлаб гарданига қўйди-да, қариянинг бўйнига бор кучи билан туширди. Шериф инграшга ҳам

улгурмай ерга қулади, калитлар ва револьвери ҳам ерга тушиб жаранглаб кетди.

Буларнинг бари шунчалик тез рўй бердики, Горвалд кўрқишни ҳам унутиб, ерда ётган шериф ва маҳбустга қараб анграйиб қолди. Механик энгашиб калитлар ва револьверни олди, кейин Горвалд ўтирган камерага қараб кела бошлади.

Механик калитни кулфга солиб камера эшигини очганини кўрган Горвалд ортга тисарилди. Балки газанда инсоф кириб қўйиб юборар, деб умидланиб турган эди механик револьвернинг учини унинг камзулининг ўрт тугмасига тўғрилади.

– Камзулни еч, – хириллади механик.

– Нима?

– Ҳаммасини еч, ошна. Камзул, шим, кўйлак. Тез бўл!

– Нима деяпсиз ўзи! – тутақди Горвалд. – Ечмайман!

Механик тўппончанинг тепкисини кўтарди, шунда хивич билан ургандек “шиқ” этган овоз эшитилди.

– Хўп! – шошиб қолди Горвалд. – Ечаман!

У шоша-пиша камзулини ечиб курсига қўйди. Кейин шимни ечиб, одатдагидек тахлаб қўймоқчи эди, механик қўлидан юлиб олди. Иштонсиз қолган Горвалд қалт-қалт титраб, кўйлак ва бўйинбоғини еча бошлади.

– Тезроқ! – ўшқирди механик. – Тезроқ деяпман, жин урсин!

Горвалд кийимларини ечиб бўлгач, механик револьверни чап қўлига олиб, ўнг қўли билан мойга ботган коржомасини еча бошлади. Нега бундай қилаётганини тушунтириш учун Горвалдга яна ўшқирдишга мажбур бўлди.

– Кий! – деди коржомани унга улоқтириб.

– Нега? – сўради уст-бошини алмаштиришганидан сўнг нима бўлишини англаб эхонаси чиқиб кетган Горвалд. – Нега мен бунини?..

– Киймасанг, каллангни оламан!

Горвалд бўйсунди.

Кийимлар алмаштирилгач, механик Горвалднинг камерасидан чиқариб қўшни камерага тикди-да, эшикни қулфлаб калит ва револьверни полда ётган шериф томонга улоқтирди.

– Йўқ! – ўтина бошлади Горвалд. – Раҳмингиз келсин...

Аммо механик Горвалднинг камерасига кириб эшикни ёнди, лекин қулфламади. У вақтида ҳаракатини қилиб улгурган экан. Бир сония ўтар-ўтмас милтиқ қўндоғи тирбидан қамоқхона эшиги ланг очилиб кетди.

Турма шу ондаёқ қичқираётган оломонга тўлди. Горвалд ҳаммасини тушунтириш учун аюҳаннос солсаям ҳеч ким эшитмади. Калит қулфга мос келиб, ўнлаб қўллар уни кимерадан тортиб чиқарганда ва ғазабга эрк бериб эшик томонга судрай бошлаганда Горвалд додлаб юборди.

У ўзининг ким эканлигини айтишга, улар адашаётганини тушунтиришга уринди, лекин боши Перривил турмасининг ташқарисидаги қаттиқ ва муздек ерга урилгач, кўз олди қоронғилашиб, тили калимага келмай қолди...

– Гапирма, – деди полициячи.

Ва гўё нима қилиш кераклигини амалда кўрсатмоқчидек, ҳаёткорлик билан Горвалднинг оғзига ҳўл латта тикди. Кейин йўлда учрашганларидан буён биринчи марта жилмайди.

Горвалднинг гарданида ёнғокдек ғурра пайдо бўлганди. Лекин оғриғига чидаса бўларди. У полициячининг мошранг кийимли елкаси оша қараб, яна ўзининг камерасида ётганини, фақат бу сафар эшик очиклигини кўрди. Горвалднинг қўллари турма кўрпасининг қаттиқ матосига тегди.

– Нима бўлди? – сўради у зўрға овоз чиқариб.

– Сени қутқаргани учун Сандига раҳмат де, – деди полициячи. – У оломоннинг тепасидан ошириб уч-тўрт марта ўқ узиб, уларни кўрқитди. Айни шу пайтда мен шаҳарга кираётгандим. Патрул машинасини кўргач, ҳаммаси тумтарақай қочди.

Горвалд туриб ўтирмоқчи бўлди. Полициячи шошилмасликни маслаҳат берса ҳам барибир билганидан қолмади. Кейин хонага кўз югуртирди-да, хўмрайиб олган полициячига қаради.

– Ҳа, қушчамиз учиб кетди. Катта тезликда. Лекин хавотирланмасанг ҳам бўлади, уни барибир қўлга туширамиз. – Полициячи ўрнидан туриб бош бармоғини шимининг камарига тикди. – Биз туфайли роса пўстагингизни қоқишди, мистер Горвалд. Шундай экан, қвитанцияни унутинг, мен эса сиз таклиф қилган порани унутаман, – у жилмайиб қўйди. – Лекин шаҳардан чиқаётганигизда машинани учирманг, бўлмаса яна қўлимга тушасиз.

– Учирмайман, – деди Горвалд ҳовлиқиб. – Ишонаверинг.

У эртаси куни тонгда жўнаб кетди. Боши дока билан боғланган, бу шаҳарда топгани – кир-чир камзул қўлтиғи ва белини қисарди.

Йўл четида тор кўк свитер кийган, чанг босган халтачасини оёғи остига қўйиб бош бармоғини кўтариб турган қизни кўрганда аввал беихтиёр тезликни пасайтирди-ю, лекин кейин унинг ёнидан ўтиб кетди. Яна бирор ғавғога йўлиқиш нияти йўқ эди, шуниси ўзи етарли.

Лекин ён тарафдаги ойнадан ёлғиз қолган қизнинг гўзал қомати қандай кичраётганини кузатиб, юз ярд юргач, машинани тўхтатиб орқага ҳайдади.

Қизнинг ёнига машинани секин ҳайдаб келаркан, унинг эринмай пардозланган юзида табассум пайдо бўлганини пайқади. Қиз гўзал эмасди-ю лекин бизнесмен бундан ҳам хунукларини кўрганди. Айни дамда Горвалд машина тортмасидаги пичоқни ташлаб юбормаганидан хурсанд эди.

*Рус тилидан  
Алишер Отабоев таржимаси*

## НОҲАҚ АЙБЛОВ

Қизни қандай топишганини мен кейинроқ билдим.

Бу малласоч қиз эндигина ўн саккизга кирган эди. Унинг танасида зўравонлик излари бўлиб, кўйлаги йиртилган, юзида эса бефойда қаршилиқдан кейинги даҳшат қотиб қолган, кафтлари худди ниманидир чангаллаб олгандек эди.

Жасадни топган полициячилар тор кўчанинг бурчагида туришар, уларнинг кўлчиروқларидан тушаётган нурлар кизнинг томоғидаги кўкариб кетган излар ва кўзларида қотиб қолган даҳшат ифодасини ёритарди.

Полициячилардан бири бошини чайқади ва деди:

– Эҳ, бу ёшлар!

Иккинчиси эса сўқинди ва шерифга жасад топилгани хақида рация орқали хабар берди.

Бу маълумотларни мен кейинроқ, ҳисобот тийёрлаётганимда билдим. Дастлаб Марсия менга кўнғироқ қилганида унинг овозида ваҳима оҳангини сездим. Эсимда, телефон жиринглаганида Энн биқинимга туртди ва деди:

– Азизим, гўшакни олгин.

Мен каравотдан тушиб, чироқни ёқдим. Соат тунги икки примни кўрсатиб турарди.

– Жин урсин! – тўнғилладим Эннга қараганча.

– Ҳечқиси йўқ, – деди у.

Мен ярим кечаси кўнғироқ қилиб одамнинг асабини бузадиганларни минғирлаб сўққанча қизим Бетнинг хонаси ёнидан ўтдим. Зина бўйлаб пастга тушарканман, телефон ҳали ҳам жиринглашдан тўхтамасди. Телефон ёнига етиб келишим билан гўшакни олдим.

– Алло! – дедим норози оҳангда.

– Дейв? – деди аёл киши.

– Ҳа, – дедим. – Ким бу?

– Марсия. Дейв, Харли қийин аҳволда.

Мен ҳали ҳам уйкусирардим.  
– Ким? – тушунмадим мен.  
– Харли, эрим, – деди аёл. – Полиция... энагамиз...  
– Тўхта, Марсия. Қанақа аҳволда?  
– Уларнинг айтишича... Харли энагамизни  
ўлдирганмиш... Дейв...  
– Нима?!  
– Ҳа, Дейв. Уни олиб кетишди. У сенга қўнғир  
қилишимни сўради. У...  
– Қаерга олиб кетишди?  
– Шерифнинг бошқармасига, Дейв. Жинни бўли  
қоламан! У... у бундай қила олмайди, Дейв! Биласан-ку! У...  
– Албатта биламан. – Энди бутунлай ўзимга келгандим.  
Ҳозирок ўша ерга жўнайман, Марсия. Хавотирланма  
Кийинаман-у жўнайман.  
– Раҳмат, Дейв. Раҳмат.  
– Шошилишим керак. Сенга кейинроқ қўнғироқ қиламан.  
– Яхши, Дейв. Раҳмат.  
Гўшакни қўйиб, зинадан кўтарилдим ва кийин  
бошладим. Энг сўради:  
– Қаерга кетяпсан?  
– Шерифнинг идорасига. Харлини ўша ерга олиб  
кетишибди. Энагаларини ўлдиришда айблашяпти экан.  
– Бемаъ依лик! – деди Энг.  
– Биламан. Аммо иш жиддийга ўхшайди.  
– Ўзинг сақла Худойим!  
Мен кийиниб, у ёқ-бу ёғимни тўғриладим. Сўнг  
ётоқхонага қайтиб уни ўпдим ва дедим:  
– Тезда қайтаман, азизам.  
– Яхши, – деди Энг, – эҳтиёт бўл.  
Йўлакка чиқиб Бетнинг хонаси эшигини очдим. У ўн  
олти ёшга тўлганди. Мен оёқларим учида юриб бориб,  
очилиб қолган кўрпани унинг устига ёпдим, сўнг

хонасидан ўпиб қўйдим. Хонадан аста чиқиб гаражга  
кирдим ва машинани миниб йўлга тушдим.

\* \* \*

Бошқармага келганимда шахсан шерифнинг ўзи мени  
кутиб олди. У Харли билан ҳеч кимнинг учрашишга ҳаққи  
бўлишини айтди, аммо мен унинг адвокати эканлигимни  
ахиринчигача, у учрашув учун озгина вақт берди. У мени бинонинг  
оғзи тарафига бошлаб борди, камераларга олиб борувчи  
шарҳлар эшикни очди, сўнг Харлининг камерасигача  
кириштириб қўйди.

Харли шериф кетмагунича бир оғиз ҳам гапирмади.  
Кейин олдимга келди.

– Дейв, хайрият, келибсан!

– Нима гап? – сўрадим мен ва унга сигарет узатдим. У  
сигаретни ютоқиб тутатди. Сўнг тутун пуфлаганча деди:

– Дейв, улар мени ноҳақ айблашяпти.

– Қанақасига?

У яна сигарет тутунини ютоққанча ичига тортди.

– Бугун тунда топишган қиз бўйича. Уларни кимдир  
қўриқовга олган, энди эса улар айбни менинг бўйнимга  
қўйишмоқчи.

– Бўпти, ҳаммасини бошидан гапириб бер-чи.

Харли бош силкиди:

– Албатта. Албатта.

У чуқур уф тортди.

– Бугун биз Марсия билан айлангани чикдик. Кино  
кўрдик, бир-икки стакан ичдик. Тўғрироғи, уч стакандан  
шарҳлар ичдик.

Давом эт.

– Ярим тунга яқин уйга қайтдик. Болаларимизга Шейла  
Кейн исмли қиз қараб туради. Биз доим уни чақирамиз. Биз  
келганимизда у ухлаётган экан. Марсия уни уйғотди, мен  
унга ҳақини бердим, сўнг машинамга чиқардим. У

шаҳарнинг нариги тарафида туради. Уни доим уйига олиб бориб кўяман.

– Кейин-чи?

– Уни тўғри уйига олиб бордим. Машинадан тушириб ортимга қайтдим. Сигарет сотиб олиш учун барга кирдим. Кейин уйимга қайтдим. – У жим бўлиб қолди. Сўнг гапиди давом этди: – Бир соатдан кейин полициячилар эшигимни тақиллатишди. Айтишларича, қиз зўрланган, кейин ўлдирилган. Унинг ота-онаси эса қиз бизникида бўлганлигини айтишган.

– Тушунмадим. Полиция нима учун қотилликда сени айбляпти?

– Ёндиргичим. Уни қизнинг жасади ёнидан топишган.

Мен Харлига диққат билан тикилдим.

– Қанақасига?

– У чекарди, – деди у елкасини қисганча. – Жин урсин. Дейв, у ўн саккизга кирган қиз эди! Уни уйига олиб кетаётганимда чеккиси келди. Ёндиргичимни бердим. У ёндиргични қайтаришни эсидан чиқарган.

– Анави сен сигарет олгани кирган барда сени бирортаси кўрдими?

– Билмадим. У ерда доим кино кўриб ўтиришади. Фильм жуда қизиқ бўлаётган экан. Кираётганларга ҳам чиқаётганларга ҳам ҳеч ким эътибор бермаётганди. Мен эшик ёнидаги автоматдан сигарет олдим ва чиқиб кетдим.

– Сен қизни олиб бориб кўйганимда унинг уйига кириб кетишини кутиб турмадингми? – сўрадим мен.

Харли эслашга тиришди.

– Йўк, – деди у ниҳоят.

– Одатда кутармидинг?

– Баъзида кутардим, баъзида йўк. Мен чарчагандим. Дейв. Уйга тезроқ боргим келаётувди. Жин урсин, бунақа бўлишини ким ҳам билибди!

– Жасадни қаердан топишган?

– Уйдан бир неча квартал наридаги кўчадан.

– Ёндиргичингни-чи?

– Унинг ёнида ётган экан. Полициянинг айтишича, мен қизни машинадан ташлаётганимда тушиб қолган эмиш. Э Худойим! Дейв, наҳотки улар менга тухмат қилишаётганини кўрмаяпсан?

– Шунақага ўхшайди, – дедим мен. – Ишқилиб, сени қилиги барда бирортаси кўрган бўлсин-да!

– Тупурдим барига! Мен бор-йўғи ўн беш дақиқа йўқ бўлганман, холос. Беш дақиқа қизни уйига олиб боришга, беш дақиқа уйга қайтишга кетган. Дейв, агар шундай қилишни истаганимда ҳам бунга улгурмасдим.

– Уйда ўн беш дақиқача бўлмаганингни Марсиядан бошқа яна бирортаси биладими?

Харли инкор маъносида бош чайқади.

– Унинг ўзи ҳам билмайди, Дейв. Мен уйга қайтганимда у ухлаб ётганди. Жин урсин, қандай бемаънилик!

– Сени қотилликда гумон қилиб ҳибсга олишдимми?

– Ҳа, – деди Харли маъюслик билан. – Уларга айбдор керак.

– Ташвишланма, – тинчлантирдим уни. – Балки ишлармиз.

\* \* \*

Бу мен адвокат сифатида қатнашган энг оғир суд жараёнларидан бири бўлди. Округ прокурори ҳакамлик қилиб суди асосан аёллардан иборат бўлишига эришганди. Аёллар кўрлаган жиноятчидан жудаям нафратланишади. Демак, мен тўққиз нафар аёлга қарши тайёргарлик кўришим керак. Суд таркибида бор-йўғи уч нафар эркак бор эди.

Суд беш кун давом этди. Округ прокурори далилларни шундай моҳирлик билан келтирдикки, суднинг ҳар бир шикоятчи жиноятни худди ўз кўзи билан кўргандек таассурот уйғонарди.



Харлини кўрсатма бериш учун олиб келишганида, у менга айтган гапини қайтарди. У оддий ва аниқ қилиб сўзлади. Шундан сўнг мен унга савол беришни бошладим.

- Ёшингиз нечада, жаноб Пирс?
- Қирқ иккида, – жавоб қайтарди Харли.
- Уйланганмисиз?
- Ҳа.
- Болаларингиз борми?
- Ҳа.
- Нечта, жаноб Пирс?
- Иккита. Ўғлим ва қизим бор.
- Ёшлари нечада?
- Ўғлим етти ёшда. Қизим бешга кирган.
- Сиз хотинингиз билан уйдан чиқиб кетган пайтингизда мархума Шейла Кейнни энага сифатида ёллаганмидингиз?
- Ҳа.
- Доим уни ёллайсизми?
- Ҳа.
- Кейн хонимни неча марта энагаликка ёллагансизлар?
- Деярли бир йилдан бери унинг хизматидан фойдаланиб келардик.
- Шу пайтгача у билан бундай воқеа юз бермаган. Агар...
- Эътироз билдираман! – кичкирди округ прокурори. – Ҳимоячи йўл кўрсатмоқда...
- Қабул қиламан! – деди судья.
- Кейн хонимнинг ташқи кўринишини айтиб бера оласизми?
- Харли иккиланиб қолди.
- Мен... У малласоч эди.
- Аниқми?
- Менимча, кўзлари мовий эди. Аниқ эсимда йўк.
- Бўйи баландмиди, пастмиди?
- Менимча, ўрта бўйли.
- Кўзойнақ тақармиди?

- Йўк. Кўзойнақ тақмасди.
- Қайси манзилда яшарди?
- Билмайман. У менга қаерда яшашини бир марта кўрсатган. Ўшандан буён уйига олиб бориб қўярдим.
- Уни Шейла деб чақирармидингиз, жаноб Пирс?
- Ҳа, албатта.
- У сизни ким деб чақирарди?
- Жаноб Пирс.
- Раҳмат. Бўлди.

Округ прокурори менга қаради, сўнг елкасини қисди. Назаримда, у нима қилмоқчи эканлигимни тушунмаётганди. У тушунмаслиги аниқ эди. Мен шунчаки Харли Пирснинг хўёлида қизга яқинлашиш истаги бўлмаганини кўрсатмоқчи эдим. У мархумани тузук-куруқ тасвирлай ҳам олмади. Унинг уй манзилини ҳам билмайди. Улар ўртасида шунчаки қатта киши ва ўсмир қиз муносабати бўлган, холос. Шейла ва жаноб Пирс.

Округ прокурори навбатдаги гувоҳни – Пирс сигарет сотиб олгани кирган “Фламинго” бари барменини чақирди. Бармен кино бўлаётган пайтда эшикдан кўз узмай ўтирганини айтди. У эшикка тикилиб ўтирганини, ўша тунда ҳеч ким сигарет олгани кирмаганини таъкидлади. У Харли Пирс ичкарига кирганини кўрмаган. Округ прокурори жилмайди ва менга ишора қилди.

- “Фламинго”да кино қачон бошланганди? – сўрадим мен.
- Ўнтакам ўн иккида, сер, – деди бармен.
- Кино бўлаётган пайтда кўп ичимлик қуйишингизга тўғри келадими?
- Йўк, сер. Аксарият ташриф буюрувчилар кино кўриш билан банд бўладилар.
- Демак, сиз эшикдан кўз узмай ўтиргансиз. Лйтмоқчиманки, ҳеч кимга ичкилик қуймагансиз.

– Эътироз билдираман, – деди округ прокурори ўрнидан туриб.

– Қабул қилинмайди, – деди судья. – Давом этинг.

– Кино кўриш ўрнига эшиқдан кўз узмай ўтирдингизми?

– Хўш... мен ҳам кино кўрдим. Айтмоқчиманки, вақти вақти билан. Лекин асосий вақтимни эшиқка қараш билан ўтказдим. Ўғри кўп...

– Сигарет сотиладиган автоматга ҳам қараб ўтирдингизми?

– Йўқ, сер.

– Унда сиз вақти-вақти билан кино кўраётганингизда кимдир автоматдан сигарет олиб кетган бўлиши мумкинми?

– Ҳар қалай...

– Сиз мени ўша куни барда кўрдингизми?

Бармен кўзларини пирпиратди:

– Сизними, сер?

– Ҳа, мени. Мўйна палто кийган малласоч аёл билан. Мен кино бошланганда виски ичиб ўтиргандим. Мени кўрдингизми?

– Мен... эсимда йўқ, сер. Айтмоқчиманки...

– Мен ўша ерда эдим-ку! Мени кўрдингизми?

– Эътироз билдираман! – деди округ прокурори. – Ҳимоячи гувоҳни чалғитмоқчи...

– Мени кўрдингизми-йўқми?

– Малласоч аёл биланми, сер?

– Ҳа, малласоч аёл билан. Хўш, мени кўрдингизми-йўқми?

– Малласоч аёл бор эди. Сиз унинг ёнида эдим деяпсиз. Айтмоқчиманки... эсимда йўқ, аммо...

– Демак, сиз мени кўргансиз?

– Эслолмайман, сер.

– У ерда йўқ эдим! Сиз менинг у ерда бўлган-бўлмаганимни эслолмаяпсиз, канакасига жаноб Пире

сигарет олган-олмаганлигини айта оласиз! Бунинг устига,  
шино кўриб ўтирган бўлсангиз.

– Мен...

– Бошқа саволим йўқ, – дедим мен.

Залда енгил шовқин кўтарилганини эшитдим ва ғолиб  
чиққанимни тушундим. Мен округ прокурорининг гувоҳи  
берган кўрсатмага зарба бердим ва энди суд хайъати  
гувоҳга ишонмайди. Округ прокурори адашган, Харли қизга  
ёндиргичини берган бўлиши мумкин-ку. Нимага унинг  
саволлари рост бўлмаслиги керак? Ахир округ прокурори  
шумон асосида далил келтиряпти-ку.

Мен сўнгги сўзимда ушбу фикрларни баён этдим.  
Харлининг виждонли фуқаро, оилапарвар эр ва ота  
эканлигини айтдим. У бир йилдан буён қизнинг хизматидан  
фойдаланиб келган. Кинога борган, озгина ичиб уйига  
қайтган. Қизни уйи олдига олиб бориб, ўз уйига қайтган.  
Қандайдир номаълум шахс қизга хужум қилган. Лекин  
Харли эмас.

Хайъат аъзолари ярим соатлик муҳокамадан сўнг  
Харлини айбсиз деб топишди.

\* \* \*

Биз буни ўша окшомнинг ўзидаёқ нишонладик. Харли ва  
Марсия бизникига келишди, уларнинг болаларига эса  
қайнонаси қараб турадиган бўлди. Биз ҳазил-хузул қилганча  
ичиб ўтирар, Харли эса тинмай битта гапни қайтарарди:

– Уларга айбдор керак эди, Дейв. Лекин сен бопладинг!  
Сен айбсиз эканлигимни исботладинг.

У менинг дунёдаги энг яхши адвокат эканлигимни айтди,  
кейин эса кўшиқ бошлади, биз эса унга жўр бўлдик.  
Виёфатимиз роса қизиган пайтда хонага Бет кириб келди.

У дугоналари билан учрашувдан қайтганди. Бет Марсия  
ва Харли билан саломлашди, сўнг узр сўраб ўз хонасига  
кўтарила бошлади.

– Қизинг нечага кирди, Дейв? – сўради Харли.

– Ўн олтига, – жавоб қайтардим мен.

– Чиройли қиз бўлибди, – деди у.

Мен Бетнинг зинадан кўтарилишини фахр билан кузатиб турардим. У мен учун ҳали ҳам маъсум гўдак эди. У зинадан қаддини тик тутганча кўтарилиб борарди. Шу пайт Харлига кўзим тушиб қолди.

У ҳам Бетдан кўзини узмай қараб турарди. У қизимнинг оёқларига суқ билан тикилиб турар, ҳирсга тўла кўзлари қизимга еб қўйгудай боқарди.

У қизим хонасига кириб кетгунча кўзлари ёниб қаратурди. Кейин эса бизга қаради:

– Хўш, кўшиқни давом эттирамизми?

Мен ўзимни аҳмоқ бўлгандай ҳис қилдим. Шунчалик ҳам аҳмоқ бўламанми! Эҳ!

*Рус тилида*

*Дилишодбек Асқаров таржимаси*

## ҚОЙИЛМАҚОМ ҲИМОЯ

Баъзи аёлларга бир марта кўзингиз тушса, уни яна кўргингиз келаверади. Машина ҳайдаб кетаётганингизда йўлингиздан чиқса ё йўлакка чиқиб кетасиз ёки ингоҳалокатга учрайсиз. Пиёда юрганингизда эса, қайрилиб қарайман, деб кимнидир туртиб юборасиз-у гап эшитасиз. Фэнкуист ана шундай хурлиқолардан эди.

Уни биринчи марта Рейбнернинг қўл остида ишлаб юрганида учратганман. Рейбнернинг Бродвейда кўнгилочар томошалар кўрсатиладиган катта ресторани бор эди. Бу йигитни уч-тўрт ой кузатдим. Ҳаддан ташқари қаттиққўллиги туфайли у менга ҳеч ёқмасди. Турки совуқ бу нуسخанинг қўлидан ҳар иш келади, деб ўйлардим ўзимча. Бироқ бу кўпол одамнинг ресторан бизнесида муваффақиятга қандай қилиб эришаётганига сира ақлим етмасди. Лекин Рейбнернинг ресторани доим гавжум бўларди.

Фэнкуист унга котиба эди. Кейин билсам, бу унинг чиройли лақаби экан. Қизнинг асл исми ҳозир ёдимда йўғ-у, лекин лақаби ўзига ҳечам мос тушмаганди.

Хуллас, ресторанда Фэнкуистни ҳар кун кўрардим. Фелетончилигим боис, бу ердаги оқсуяк мижозлар ҳақида репортажлар ёзардим. Фэнкуист ҳеч ким билан гаплашмасди. Фақат зал бўйлаб Рейбнернинг хонасига ўтиб кетаётганида унга кўзим тушарди. Кўпинча эркаклар унинг чиройига маҳлиё бўлиб ичаётган шўрваларини кийимларига тўкиб юборишарди. Мана шунақа хурлиқо эди бу қиз.

Баъзан у билан яқинроқ танишсам-чи, деб ўйлардим. Фэнкуист билан танишишни истаганларнинг эса сон-саноғи йўқ. Лекин Рейбнер ҳеч кимни унинг яқинига йўлатмасди. Бир сафар Рейбнерга истагимни айтгандим, менга қувурдан чиққан суваракка қарагандек совуқ қараш қилди. Хуллас,

қиз билан бафуржа гаплашишнинг имкони бўлмади. Руи берган бир воқеадан кейин бу ҳақида орзу қилмасам ҳам бўлаверади.

Ишонасизми, йўқми, бир куни кечкурун Фэнкуист Рейбнерни ўлдириб қўйди. Бу айнан саҳнада содир этилган қотилликка ўхшарди. Қиз Рейбнерга ресторан залида ҳамманинг кўз олдида ўк узди.

Аслида ўша вақтларда Рейбнер янги мижозларни жалб қилиш мақсадида ҳайратомуз томоша ташкил этмоқчи бўлиб юрувди. Доимий мижозлар учун кўрсатиладиган томошалардан унинг кўнгли тўлмас, бу томошалар бошқатунги ресторанларники билан бир хил, деб нолинарди. Мендан ҳам янги ғоя сўрагани, чўнтагини қаппайтиришга ёрдам бергим келмай, елка қисиб қўя қолдим. Кўп ўтмай янги томошани унинг ўзи ўйлаб топди ва ресторанга йиғилган оломон жангари фильмлардан сира қолишмайдиган отишмага гувоҳ бўлди. Томошанинг қандай саҳналаштирилганини сезиб тургандирсиз. Бир йигит бошқасининг юзига мушт туширади, жабрдийданин шериги эса тўппончасини чиқаради. Бу ур-тўполон мижозларни роса ҳаяжонга солди ва ўша оқшом ароқ одатдагидан анча кўп сотилди.

Томошадан кўнгли тўлган Рейбнер мижозлардан мактов эшитиш илинжида ресторанда столлар оралаб юрарди. Ҳаммамиз уни олқишлаб, кўкларга кўтариб мактадик.

Мен танишларим билан унинг хонасига чиқиладиган зина ёнидаги столда ўтиргандим. Рейбнер зални айланиб юрганида зинадан Фэнкуист тушиб кела бошлади. У ҳақиқатан ҳам соҳибжамол қиз эди. Менинг унга гап отишга ҳаддим сиғмасди. Чунки кўриниши ўта жиддий, осонгина қармоққа илинадиганлардан эмасди. Менинг эса, аёл кишига бўлар-бўлмасга тирғалаверадиган одатим йўқ, гаплашгиси келмаса дарров нари кетаман.

Фэнкуист бир-бир қадам ташлаб, зинадан тушди. Унинг кўм-кўк шахло кўзлари қиш осмонидек совуқ эди. Ёнимдан ўтаётганида кўлидаги кичкина тўппончага кўзим тушди. Фэнкуист ҳам томошада — отишмада қатнашмоқчи шекилли, деб ўйладим. Лекин унинг юзидаги мудҳиш ифода мени сергак торттирди. Аслида, ўшанда кўлидаги тўппончани тортиб олсам бўларкан. Аммо мен бундай қилмадим, томошанинг давомини кутдим. Айни дамда кўз ўнгимда газетанинг илк саҳифасини безайдиган шов-шувли воқеа рўй беришини кўнглим сезиб турарди. Шунинг учун шактни кўлдан бой бермай, столимдаги телефондан газетанинг тунги муҳарририга кўнғироқ қилдим.

Рейбнер Фэнкуистни пайқганида уларнинг орасида йигирма қадамча масофа қолганди. Ўзига ўқрайиб қараб турган қизни кўргач, у заҳарли илонни босиб олгандек сесканиб кетди. Қизнинг кўзларида ўз ажалини кўрган Рейбнер кўрққанидан нима қиларини билмай қолди! Юзи бўзариб, кўзлари бақаникидай чақчайди.

Ресторандаги мижозлар уларга завқ билан тикилар, мендан бошқа ҳамма бу иккови томоша кўрсатаяпти, деб ўйларди!

Қиз Рейбнердан кўз узмай тўппончасини унинг пешонасига тиради. Тунги муҳаррир ниҳоят трубкани кўтарганида Фэнкуист ҳали тепкини босмаганди. Қотиллик жойидан тўғридан-тўғри репортаж олиб бораётганимни эшитгач, муҳаррир хангу манг бўлиб қолди!

Тўппончадан қарсиллаб ўқ узилганда мен беихтиёр ўрнимдан сапчиб турдим. Рейбнернинг пешонасида қонталаш доғ пайдо бўлди. У гандираклаб кетди. Кейин қизга ялинаётгандек, кўлини олдинга чўзганча юзтубан йиқилди.

Фэнкуист ортига ўгирилди-да, ҳеч нима кўрмагандек бир-бир қадам босиб, зинадан тепага чиқиб кетди. Бунақа совуққон қотилни биринчи марта кўришим.

Ниҳоят, нима рўй берганини фаҳмлаган оломон шовқин солиб ресторани бошига кўтарди. Мен эса, столида ўтирганча тунги муҳаррирга қотиллик тафсилотларини етказдим. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас бу репортаж газетанинг биринчи саҳифасида босилиб чиқди ва мен машҳур бўлиб кетдим.

Фэнкуистни дарҳол хибсга олишди. Полициячилар етиб келганда у Рейбнернинг хонасида ўтирганди. Улардан энг ботири хонага бостириб кириб, қизнинг худди ширакайф хитойликдек пинагини бузмай тамаки тутатиб ўтирганини кўрди.

Ўша куни уйга ҳаяжондан дир-дир титраб қайтдим. Икки стакан ароқ ҳам титроғимни босмади. Фэнкуист нега Рейбнерга ўқ узганини ҳеч тушунолмаётгандим. Ўта совуққонлик билан амалга оширилган бу қотилликка рашк ёки оддий келишмовчилик сабаб бўлганига ишониш қийин эди.

Эртаси куни тонгги газеталар қотиллик ҳақида бутун мамлакатга жар солишди. Бош саҳифалардаги мақолаларни Рейбнер ва панжара ортидаги Фэнкуистнинг суратлари безаб турарди. Қиз турмада ҳам ўзини жуда хотиржам тутар, Рейбнерни ўлдирганининг сабабини ҳеч кимга айтмасди. Полициячилар уни соатлаб сўроқ қилишди. Лекин бунчалик гўзал қизга қарши қийноқ ишлатишга ҳеч кимнинг қўли бормади. Судга бир ҳафта қолганда “Сэмми” барида бир полиция зобитини учратиб қолдим. Деразадан унга кўзим тушгач, ичкарига кириб ёнидаги курсига ўтирдим.

У журналистлигимни пайқаб, менга ўқрайиб қўйди-да, шоша-пиша овқатини ея бошлади.

– Тиқилиб қолмасин, ошна, – дедим мен. – Менинг бўш вақтим кўп, бемалол еяверинг.

– Биламан, – деб пўнғиллади у оғзи тўла сэндвич билан. – Лекин менинг сизга айтадиган гапим йўқ.



– Мен фақат бир нарсани билмоқчи эдим. Қиз кўрсатма бердими?

– Бир оғиз ҳам гапирмаяпти, жин ургур.

– Шунақа денг. Унда сизни безовта қилмайман, – дедим ўрнимдан туриб. – Кеча кечқурун ҳалиги малла соч дўндикчани бошлаб аврадингизда ўзиям. Дидингизга қойилман. Кўришгунча хайр.

Заҳар ютиб юборгандек зобитнинг юзи буришиб, кўзи олайиб кетди.

– Тўхтанг! – деди у товуши титраб. – Бу сафсатани ким айтди сизга?

– Бу сафсата эмас. Ўз кўзим билан кўрдим-ку, – дедим мен.

– Менга қаранг, – деди шошиб қолган зобит. – Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очманг. У билан хизмат юзасидан гаплашдим... тушунарлидир?

– Жамоатчилик полициячиларнинг юриш-туришига жуда қизиқади, – дедим пинак бузмай. – Хизмат юзасидан учрашганингиз ҳақида мақолача ёзмоқчиман. Хотинингиз ўқиса, жаҳли чиқиши аниқ. Лекин менга барибир.

Худди ёрилган пуфакдек зобитнинг дами ичига тушиб кетди.

– Майли, – деди у афти бужмайиб, – нимани билмоқчисиз ўзи?

Курсига ўтирдим-да, мазали сэндвич буюрдим.

– Тергов ҳақида гапиринг. Ҳеч нарса аниқлаёлмадик, деб қулоғимга лағмон осмай қўя қолинг. Мен эса рухсатингизсиз олинган маълумотларни ошкор қилмасликка сўз бераман. Ресторандаги қотиллик ҳақида биринчи бўлиб мен мақола ёзганман ва бу жиноятнинг фош этилишини ҳам ёритиб бормоқчиман.

Зобитни кўндириш учун яна бир оз уринишимга тўғри келди. Малласоч қиз ҳақида эслатганимдан сўнг ниҳоят у тилга кирди.

Зобитнинг айтишича, Рейбнер шаҳардаги энг йирик нашафурушлар тўдасининг бошлиғи бўлган экан. Тунги ресторанини ҳам шерикларини бир жойга тўплаш учун очибди. Доим гавжум бўладиган ресторан, ҳақиқатан ҳам, нашафурушлар учун жуда қулай жой. Кўп йиллар бурун киссавурлик қилиб кун кўрган Рейбнер бора-бора шафқатсиз каллакесар сифатида ном қозонибди. Ўта маккор бу йигит бошқа жинойи тўдаларни ФБР қўлга туширган пайтларда ҳам сувдан қуруқ чиқаркан.

Спиртли ичимликлар сотишга чеклов бекор қилинган, у нарқобизнесга қўл урибди. Қизиғи, шунча йилдан бери унинг ресторанида нашафурушлар тўпланишини ҳеч ким сезмаган.

Энди Фэнкуистнинг нега Рейбнерга ўқ узганини тусмолласа бўларди. Лекин зобит қизнинг нашафурушларга алоқаси борми-йўқми, аниқ билмасдим. Полициячилар бунини аниқлай олишмабди. Тўданинг ҳамма аъзолари аллақачон гумдон бўлган, Фэнкуист эса кўрсатма беришдан бош тортаётганмиш.

– Гуллаб қўйса, ўлдириб кетишларидан кўрқаётгандир, балки, – деб тахмин қилдим мен.

– Бўлиши мумкин. Лекин барибир у нега Рейбнерни отганига ҳеч тушунолмаёпман.

– Мен ҳам. Нима деб ўйлайсиз, қизни оқлашармикан? Зобит елка қисди.

– Оқлашса яхши бўларди, – деди у. – Кетворган қиз-да ўзиям, тўғрими?

Мен бош иргадим.

Суд куни зал одамга тўлди. Эркаклар аёлларни туртиб-суртиб ичкарига ёпирилар, эслироқ хонимлар эса четга чиқиб туришарди.

Чунки бугун эркаклар байрами эди! Улар Фэнкуистни томоша қилгани келишганди ва ҳеч ким уларни

гўхтатолмасди. Судьянинг курсида шалвираган бир чол ўтирарди.

Прокурор асабийлашар, ҳимоячи эса ишонч билан гердайиб турарди. Суд маслахатчиларининг орасида бирорта ҳам аёл йўқ эди. Уларнинг Фэнкулисни оқлашига шубҳаланмаса ҳам бўларди.

Мен халтачада сэндвич ва кичикроқ идишда ароқ кўтариб, биринчи қаторда ўтирардим. Машхур фельетончи бўлганим учун ҳеч ким мени ўз томонига оғдиришга ботинолмасди. Ёнимда ўтирган тунги муҳаррир Жексон иккаламиз бу суддан кўп нарсани кутаётгандик.

Фэнкулиснинг чиройи кўзни қамаштирарди. У адвокатнинг ёнида ҳеч нима кўрмагандек хотиржам ўтирар, ёнидаги либос ўзига жуда ярашганди. Ҳар қандай мишиқи ўспирин унга бир қарашдаёқ анатомия китобларида бир йил ўқиганидан кўп нарсани билиб оларди.

– Агар бу хонимчага эрталабдан кечгача тикилиб турсам, осим оғиб қолиши аниқ, – деб ғўлдиради тунги муҳаррир.

“Бу ландовурда ҳам юрак бор экан-да”, деб ўйладим ичимда.

Прокурор ўрнидан туриб, кириш нутқини бошлади. Бу сифар у одатдагидек куйиб-ёниб айбланувчини қораламади.

– Прокурорнинг Фэнкулисни қоралагиси келмаяпти, – деди тунги муҳаррир. – Аслида, у ҳозир мутлақо бошқа нарсани хоҳлаяпти.

Лекин прокурорнинг қотил ҳақида нима дейиши унчалик муҳим эмасди. Қиз Рейбнерга ҳамманинг кўз олдида ўқ узган, инкор этиб бўлмайдиган далиллар етарли эди. Фэнкулисни электр курсида қатл этиш керак, дейишига прокурорнинг юраги бетламаган тақдирда ҳам унинг қўлидан ҳеч иш келмасди.

Ниҳоят қизнинг адвокатига сўз берилди.

– Жаноб судья, – деди у, – суд мажлисини давом эттиришдан аввал прокурордан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

Судья рухсат бергач, у прокурорга юзланди.

– Айтинг-чи, Рейбнернинг бошидаги ўқ химоямдаги қизнинг тўппончасидан отилганига далилингиз борми?

Суд зали сув куйгандек жим-жит бўлиб қолди.

Юзи бўзарган прокурор ўрнидан аранг турди.

– Эътироз билдираман, жаноб судья!

Судья Фэнкулистдан кўз узмай, унинг ховурини туширди:

– Эътирозга ўрин йўқ. Бу жуда муҳим савол.

Адвокат ғолибона жилмайди.

– Далилингиз йўқлигига ишончим комил, – деди у, шундай экан, мутахассисларнинг хулосаси етиб келгунча суд мажлисини тўхтатиб туришни сўрайман.

Судья адвокатга диққат билан тикилди.

– Нега айнан шу далилни сўраяпсиз? – деди у.

– Жаноб судья, химоямдаги қиз Рейбнерни ўлдирмаган, – деди адвокат. – Хулоса етиб келса, мурданинг миясидаги ўқ кичкина тўппончадан эмас, “Смит ва Вессон” револьверига ўхшаш катта қуролдан узилгани аён бўлади.

Хуллас, судья икки соатлик танаффус эълон қилди.

Воқеаларнинг бундай тус олишини ҳеч ким кутмаганди. Ўтган икки соат ичида судни томоша қилишга келганлардан бирортаси жойидан жилмади. Фэнкулистдан бошқа ҳамма мажлиснинг давомини ҳаяжон билан кутарди.

Ниҳоят судья кириб келиб, жойига ўтирди.

– Хўш, – деди у прокурорга қараб, – мутахассисларнинг хулосасида нима деб ёзилибди?

Прокурор хомуш тортиб қолганди.

– Ҳимоячи ҳақ экан, жаноб судья, – деди у. – Рейбнерга ҳарбийларнинг жанговар тўппончасидан ўқ узилган экан.

Залдаги ғовур-ғувур босилгач, судья адвокатга ўқрайиб қаради.

– Унда бу ишни нега судда муҳокама қиляпмиз? – деб сўради.

Адвокат ўрнидан турди.

– Ҳозир ҳаммасини тушунтираман, жаноб судья. Гап шундаки, қотиллик содир этилган куни Рейбнер ресторанида ўзига хос томоша уюштирган. Оломоннинг кўз ўстида қалбаки отишма ташкил этилган. У Фэнкуистни ҳам томошада иштирок этишга кўндирган. Фэнкуист ресторанининг қоқ ўртасида Рейбнерга ўқ узиб, ҳаммани лол қолдириши керак эди. Қиз сохта ўқ солинган тўппончадан отганида Рейбнернинг жони узилганини билмаган. У тепкини босган маҳал ресторанининг бир бурчагида ўтирган номаълум қотил ҳам Рейбнерга товушсиз тўппончадан ўқ уганини қиз қаёқдан билсин? Хуллас, Фэнкуист топширикни бажариб, хонасига қайтган. Ҳибсга олишгандан кейин эса, тўппончага адашиб ҳақиқий ўқ солиб қўйишибди, деб ўйлаган. Бошлиғини ўлдириб қўйганини англагач, тушкунликка тушиб қолган. Аслида, Рейбнерни Фэнкуист эмас, товушсиз жанговар тўппонча билан қуролланган номаълум қотил ўлдирган. Бу ҳозирча менинг тахминим, холос, лекин мен мурдани кўздан кечирдим. Фэнкуистнинг кичкинагина тўппончасидан отилган ўқ Рейбнернинг бошида бунақа катта тешик ҳосил қилиши ақлга сиғмайди. Айбловчилар эса, қизнинг ўқ уганини кўрган гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитгач, бошқа далил қидирмай қўя қолишган. Улар ҳатто Фэнкуистнинг тўппончасини ҳам текшириб кўришмаган.

Хуллас, Фэнкуистни оқлашди. Рейбнернинг қотилини эса, топа олишмади. Нашафурушнинг қотилини қидириш кимга ҳам зарил, дейсиз.

Мен бу воқеа ҳақида кўп ўйладим. Фикримча, агар Фэнкуистнинг жазмани бўлганда, у Рейбнерни гумдон

қилиш учун шу усулни жон-жон деб қўлларди. Ким билади дейсиз, балки ресторанда сохта отишма уюштиришни ҳам нашафурушга қизнинг жазмани маслаҳат бергандир. Рейбнернинг ўзи ўла қолса ҳам бунақа томошани ўйлаб тополмасди. Кейин эса, Фэнкулист унга сохта ўқ узгану, беркиниб турган жазмани каттакон тўппонча билан бояқишнинг пешонасидан дарча очиб қўйган. Қиз судгача икки ой қамоқда ўтирди. Балки бу вақт ичида унинг хуштори мамлакатдан қочиб чиқиб, дунёнинг бир бурчагида уни кутгандир. Ҳарқалай, қиз Рейбнерга тўппонча ўқталганида бояқишнинг юзидан ажали етгани билиниб турарди.

Албатта, буларнинг бари тахмин. Балки мен адашаётгандирман. Бунақа воқеа рўй берганда журналист халқи ҳар хил хаёлларга боришини биласизку. Яқинда Фэнкулистнинг Жанубий Америкага кетганини эшитдим. Хитлардан беркиниш учун жуда қулай жой, тўғрими?

*Рус тилидан  
А. ОТАБОЕВ таржимаси*

## БИР УМРНИНГ ЗАВОЛИ

Умри тижорат билан ўтган Соломон бобо кунлардан бир кун Гард кўли соҳилидаги меҳмонхонада ярим кечаси қорин оғриғидан уйғониб кетди. Бу ерга у оиласи билан бирга дам олишни келган эди. Қараса, аҳвол чатоқ: ичини биров бурғу билан пармалаётгандай, нафас оляптими, йўқми – ўзи ҳам билимайди. Қариянинг капалаги учиб кетди. Тўғри, кўпдан буён жигаридан нолиб юрарди, аммо бунақаси... У шифтга инкилганча дўппайган қорнини, сўнг кўкраги ва елкаларини таста сийпалаб чиқди. Оғриқ пасаяй демасди. Қаёқдан келишди бу касофат? Балки бирор овқат ёкмагандир? Италияга келган сайёҳлар орасида бунақа шикоятлар кулоққа кўп чалинади. Ҳаракат қилсам оғриқ тарқалар, келган хаёл билан инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Ростдан ҳам уч-тўрт қадам босиши билан сал енгил тортигандай бўлди. Аммо хона тор эди, бунинг устига, ёнма-ён қўйилган каравотда ухлаб ётган хотинини уйғотиб юборишдан чўчиди. Бекорга ваҳима кўтаришнинг нима кераги бор? Ана шу андиша билан елкасига халатини ташлаб, шиппагини сарпойчан кийди-да, секин йўлакка чиқди.

Узундан-узун, нимқоронғи йўлак хувиллаб ётарди. Қария қадамини авайлаб босиб, йўлакнинг бу бошидан у бошигача уч-тўрт қур бориб келди. Буни қарангки, нияти холис-да, бирд чекиниб, руҳи анча тетиклашди, оғриқ ҳам аввалги шаштидан қайтди. Хонасига эндигина кирмоқчи бўлиб турган эди, бирдан аллақандай шитирлаган сас уни тақа-тақ тўхтатди. Шу яқин-ўртада нимадир ғийчиллади, сўнг сал ораидаги эшик қия очилиб, пичир-пичир овозлар эшитилди, ораликдан тушган нур йўлакни лип этиб бир ёритдию яна сўнди. Нима гап ўзи? Қария беихтиёр бурчакка қапишди – синчковлигидан эмас, йўқ – жиннига ўхшаб ярим кечаси

йўлакда тентираб юрганини биров кўриб қолишидан ийманди. Аммо тасмадай нур йўлакни бир сония ёритган пайтда қия очилган эшикдан оқ халат кийган бир аёл чиқиб, зипиллаганча йўлак адоғига қараб кетганини илғади. Ё унга шундай туюлганмикан? Йўк, йўк, аниқ кўрди. Ана, йўлак охиридаги эшик тутқичи шик этди. Кейин ҳаммаёқни қайтадан сукунат босди.

Қария, худди чакмоқ ургандай, гандираклаб кетди. Ё парвардигор! Ахир, йўлак охиридаги ҳозиргина тутқичи маккорона овоз чиқарган ўша эшикдан... ахир, ўша эшикдан ўзи оиласи билан ижарага олган учта хонага кирилади-ку! Хотини ухлаб ётибди. Демак, ҳалиги аёл, – йўк, янглишиши мумкинмас, – хиёл олдин бегона эркакнинг хонасидан яшириқча чиққан ўша аёл – қизи, ўн тўққизга тўлиб-тўлмаган қизалоғи Эрна экан-да!

Қариянинг аъзойи бадани титраб кетди. Эҳ, болагинам, жигарбандим... наҳотки? Йўк, бўлиши мумкинмас, у хато қиляпти! Унда бегона эркакнинг хонасида нима қилиб юрибди?! Қария бу фикрни миясидан юлиб ташламоқчи бўларди-ю, аммо бир кўриниб ғойиб бўлган аёлнинг кўланкаси кўз ўнгидан нари кетмасди. Бу кўланкадан қутулиб бўлмайди, уни юлиб ташлашнинг иложи йўк. У ҳақиқатнинг тагига етиши керак! Нафасини ичига ютиб, деворни пайпаслаганча қизи яшаётган хона эшигига яқинлашди. Қай кўз билан кўрсинки, эшик тирқишидан, фақатгина шу эшик тирқишидан ингичка, оппоқ нур сизиб чиқмоқда эди. Кечаси соат тўртда хонасида чироқ ёниб турибди! Тағин нима керак?! Мана, яна битта исботи: электр тугмачаси ширқ этди, нур чилвирини тун қоронгиси ютиб юборди – йўк, йўк, ўзини алдаб нима қилади – бегона эркакнинг хонасидан чиқиб, ўз хонасига бебилиска кириб олган аёл – ўз қизи, Эрна!

Қария, безгак тутгандай, ҳамон қалтирар, танасидан совуқ тер қуйилар эди. Бир кўнгли, эшикни бузиб кириб,



бсхаё қизини роса дўппосламоқчи бўлди. Аммо оёқлари  
штоат этмади. Хонасига судралиб кириб, яраланган  
жонивордай ўзини каравотга ташлади.

Соломон бобо алламаҳалгача қимир этмай, коронғиликка  
термилиб ётди. Мияси ғовлаб кетган эди. Ёнгинасида  
хогини пишиллаб ухлаб ётарди. Нима қилсин? Уни уйғотиб,  
аҳрини сочсинми? Қизининг кирдикорини ошкор этиб,  
тўрига ғишт қаласинми? Жиллақурса, кўнглини бўшатиб  
онади-ку, ахир. Ҳай-ҳай-ҳай! Бу шармисорликни қайси тил  
билан гапиради? Йўқ, айтолмайди, айтолмайди. Хўш, унда  
нима қилиш керак? Нима қилиш керак!

У фикрини жамлашга уринар, аммо уддасидан  
чиқолмасди. Қандай даҳшат! Унинг қизалоғи, эркатойи,  
кўзлари мусаффо, нигоҳи мулойим арзандаси... Э, фалак!  
Алифбони олдига қўйиб, пуштиранг бармоқчасини нотаниш  
қирфларга биттама-битта теккизиб, савод чиқазгани куни  
сеча эмасмиди, ахир! Уни олиб кетишга мактабга борганида  
жаворанг кўйлагининг этаklarини ҳилпиратиб чопиб  
чиққанлари, йўл-йўлақай унга ширинликлар олиб бергани,  
бунга жавобан кизчаси унинг бўйнидан кучоқлаб, шира  
либлари билан юзидан чўлп-чўлп ўпганлари... Э воҳ...  
кечагина эмасмиди! Мана энди, икки қадам нарида, ўша киз  
бегона эркакнинг кўйнига кириб чиқиб, ҳеч нарса  
кўрмагандай сулайиб ухлаб ётибди!

“Ё алҳазар, ё алҳазар! – Қария инграб юборди. – Қандай  
шармандалик, қандай шармандалик! Менинг қизим, бокира  
қизалоғим аллақандай эркак билан... Ким ўша эркак?  
Келганларига атиги уч кун бўлди, анави олифталардан  
бирортасини ҳам Эрна илгари танимасди – на граф  
Убалдини, на италян зобитини, на мекленбурглик баронни.  
Улар билан келган кунларининг эртасига рақс пайтида  
танишишган, аллақачон ўшалардан биттаси... Хўш, қизи  
қайси бири билан... Балки у биринчи эркакмасдир, балки  
Эрна бунақа ишни анча илгари, уйдалигидаёқ

бошлаворгандир... мен аҳмоқ ҳеч нарсани пайқаман юравергандирман?.. Вой лақма-эй, вой мяси айниган чолэй... Дарвоқе, хотиним билан қизим ҳақида нималарни биламан? Уззукун ўшалар учун ишлайман, идорада ўн тўрсоатлаб ўтираман, илгари-ку умрим поездда ўтарди қўлимда – хилма-хил матоларнинг лахтаклари солинганичамадон... пул учун... азбаройи қизим билан хотиним ҳеч нарсадан зорикмасин, хоҳлаганларини еб, хоҳлаганларини кийишсин деб шундай қилардим. Кечкурун ҳориб-чарчаб ишдан қайтганимда уйда ҳеч ким йўқ: улар ё театрга, ё рақмайдонига, ёки меҳмондорчиликка кетган бўлади. Кундан-кундан қандай ўтказишади – билмайман. Энди шуни билишга турибманки, қизим, худди кўчадаги фоҳишалардай, тунларни покиза танасини бегона эркакларга бахшида этаркан. Раббий, бу қандай разолат!”

Қария яна ингради. Ҳар бир янги тахмин, янги шубҳа ва гумон ярасини туз сепгандай ловуллатарди; назарида мияси сиқоқ иккига бўлингану ана шу иккита косадаги бўтканича ичида сон-саноксиз қурт-кумурсқа ғужғон ўйнаётгандай...

“Нега шу пайтгача чидаб келдим?.. Нима учун мен бундай ерда тўлғаниб ётибман-у, анови суюқоёқ бемалол хурракни отяпти? Изидан хонасига бостириб кириб, қовурғаларини майда-майда қилиб ташласам бўлмасмиди? Йўқ, бўлмайди. Чунки мен заифман, мен кўрқоқман... Ҳамма вақт уларга ёна босиб келганман. Ўзим итдай ишласам ҳам, қизим билан хотинимни яйратиб қўйганимдан фахрланардим, бир тийинни етти жойидан тугиб, топганимни уйга таширдим. Мана, оқибати... Қоринлари тўйдию мендан ор қиладиган бўлиб қолишди... Ҳа-да... мен – қолоқман, мен чаласаводман... Тавба, менда савод нима қилсин? Ўн икки ёшимда мактабдан чиқариб олганлар. Кечани кечани кундузни кундуз демай ишлаганман, лахтак кўтариб қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар изғиганман. То бир ишнинг бошини тугиб, қаддимни ростлаб олгунимча

ортмаган азобим, чекмаган укубатим қолмаган. Ҳозир бировдан кам ерим йўқ, уй-жойим бадастир, мол-мулким, ширлатим етарли. Аммо барибир тилим қисик. Баъзан такалак отган нафсларини сал тийиб қўймоқчи бўлсам, қомонга сапчишади; раҳматли онам фақат оилам деб, ўзиморим деб яшарди десам, бурунларини жийиришади. Хўп, мен – қолоқман, ўқимаганман. Аммо қолоқсиз деб мендан ор қиладиган қизим негадир бегона эркакнинг ўйнига кириб ётишдан ор қилмайди. Биттаю битта қизим, ўзимнинг оқу қораси... Ё тангрим, қандай бедодлик бу!”

Қария қаттиқ уҳ тортган эди, хотини уйғониб кетди. “Ҳа-а, нега пишқиряпсан?” деб сўради у уйқусираб. Қоломон бобо миқ этмади. Шу ётганча эрталабгача мижжа қоқмади.

Понуштага ҳаммадан барвақт келди. Оғир хўрсиниб столнинг остига чўкди-ю, аммо дастурхондан юзини четга бурди.

“Яна ёлғизман, – деб ўйлади у, – ҳар доим ёлғизман. Эрталаб ишга кетаётганимда булар ухлаб ётган бўлади. Театрми, бирор зиёфатми, аллақайси гўрдан тинкалари туриб келишади-да. Кечкурун уйга қайтганимда яна ҳеч ким йўқ – ким билади қандай давранинг гули бўлиб туришишган экан? Эҳ, пул ўлсин-а, пул ўлсин! Уларни пул қилди... пул бизни бир-биримиздан айирди. Мен аҳмоқ қизининг кетидан қувиб юриб... Ман-а! Мана оқибати – пул мени шип-шийдон қилди, уларни эса ёмон йўлдан етаклаб кетди. Эллик йил хўкиздай ишлаб, ҳордиқ нималигини қолдирибмай орттирганим шу бўлдими! Мана, бир ўзим сўшпайиб турибман...”

Хотини билан қизидан ҳамон дарак йўқ. “Нега Эрна келмаяпти? Очиқчасига гаплашмасам бўлмайди... Ҳаммагани юзига шартта-шартта айтаман... Кетамиз, дейман... шу қуғуноқ жўнаймиз, дейман... Нега келмаяпти? Ҳа-а, уйқуга ўйямаган-да, сабаби маълум... Онаси-чи?.. Э-э, тошойнанинг олдиди ўтирган сочини тараб. Кейин тирноқларини бўйяйди,

сартарошхонага киради, упа-элик дегандай... Соат ўн бир  
кўли бўшамайди. Онаси шу бўлгандан кейин – қизи ним  
бўларди? Ҳе-э, пулни ўйлаб топганни!..”

Орқадан қадам товушлари эшитилди. “Яхши ёш  
турдингизми, дадажон?” – шу саволдан кейин аёл кишининг  
мўъжазгина боши елкаси оша энгашиб, нафис лабла  
хиёлгина чаккасига тегди. Қария беихтиёр бошини чет  
тортди: қандайдир атирнинг чучмал ҳиди унга ёқмаган эди.  
– Нима бўлди, дадажон? Нега авзойингиз бузу  
Ухлолмадингизми ёки ёмон туш кўрдингизми?

Соломон бобо ғазабини ичига ютди. Бошини куйи эги  
қизининг саволига “Йўқ, ҳаммаси жойида!” дея ғудрани  
жавоб қайтарди. Кейин унга қарамаслик ниятида апи  
тапил газетани очиб, юзини тўсди. Қўллари бетўхта  
қалтирарди. “Ҳозир, онаси йўқлигида ҳамма гап  
гапиришим керак. Ҳозир айна пайти!” дерди у ичида, бир  
тили калимага келмасди, ҳатто қизининг кўзларига қаран  
ҳам журъат этолмаётган эди.

Бирдан у шартта ўрnidан турди-да, боғ томонга қар  
кетди. Юзидан оқаётган қайноқ кўзёшларини қизи кўри  
қолишидан андиша қилди.

Оёқлари калта, пак-пакана қария боғ ичида узоқ айлани  
юрди, теварак-атрофни томоша қилди. Ёш парда  
қорачиқларини тўсиб турган бўлса-да, гўзал манзаради  
бахраманд бўлишига монелик қилолмади: кўл сатҳида  
кумушранг туман ортида кўм-кўк буталар билан қопланган  
ўрқач-ўрқач тепаликлар, уларнинг орқасида эса баланд то  
гўё у ҳам кўл жамолига маҳлиё бўлгандай чуқур сукут  
ботган. Яшнаб турган табиат бепоён қучоғини очиб  
ҳаммага бахт ва шодлик улашаётганга ўхшайди.

“Во дариғ!.. – дея қария алам билан бош чайқади.  
Умримнинг эллик йилини чўт қоқиш, ҳисоб-китоб, савдо  
сотик билан ўтказиб, биринчи марта ўзимга мана шундай  
кунларни раво кўрган эдим-а!.. Буям ҳаромга чиқди

Тмиш бешга кирибман. Бу ёғи қанча қолди – ёлғиз худога  
и. Ҳар холда тўримдан гўрим яқин. Азроил эшик қоқиб  
рғанда на пул, на бойлик, на дўхтир орага туша олади.  
урга кирмасимдан олдин мен ҳам одамга ўхшаб бир дам  
ий деган эдим-да. Э, аттанг, аттанг! Раҳматли отам  
тарди-я: “Бизнинг пешонамизга хузур-халоват битил-  
ган, сен меҳнатга туғилгансан, ўлгунингча меҳнат  
ржунини елкангдан ташлама!” дерди-я! Мен гумроҳ  
имнинг ўгитини унутибман. Лекин кечагина бахтиёр  
им-ку... Чиройли, хушчақчақ қизимга ҳавас билан  
килардим, қувончига ҳар дақиқа шерик бўлардим-ку.  
Ана, худо мени жазолади. Ҳамма нарсадан мосуво бўлдим.  
нди ўз қизим билан гаплашолмайман, кўзларига тик  
ролмайман. Энди қаерда бўлмайин – уйдаими,  
ихонадами, кечасими, кундузими – ҳозир қизим  
ердайкин, қаерга бориб келдийкин, нима иш қилдийкин,  
тан саволлар таъқиб қилаверади мени. Энди уйга  
тиржам қайтолмайман. Бир маҳаллар қизим чопиб келиб  
инимдан кучганида яйраб кетардим. Энди эса ўпгудай  
уса, бу лаблар кеча қайси лабга босилган эди, деган ўй  
нди кўнглимдан дарров. Йўқлигида ташвишга тушсанг,  
рлигида кўзига қарай олмасанг – шу ҳам ҳаёт бўлдими?  
ўқ, бундай яшагандан ўлган яхши!”

Соломон бобо боғдан чиқиб, алламаҳалгача шаҳар  
чаларида бемақсад тентираб юрди. Бир дўконнинг  
урғазмаси олдида негадир тўхтаб қолди. Ойна ортида  
иёҳларга керакли турли-туман буюмлар осиглик турарди:  
ибони кенг енгил бош кийимлари, яқтаксимон оппоқ  
ўйлақлар, спорт анжомлари, галстуклар, қармоқлар... Аммо  
рия ана шу нарсалар орасига пала-партиш ташлаб  
ўйилган, бир учига темир пойнак ўрнатилган ғадир-будир  
ёқдан кўзини узолмасди; агар шу таёқ билан қулочкашлаб  
тта-яримтанинг бошига солсанг борми!..

“Ўлдираман... Ўлдираман аблахни!” – Қўқисдан миёнага келган бу фикрдан типирчилаб қолган қария шошиқ дўконга кирди-да, ҳалиги таёқни арзимаган пулга сотиб олди. Фаройиб қуролни қўлига ушлаши билан билагига кўкирганини ҳис этди. Ҳар қандай қурол нимжон одамни ҳақ ботир қилиб юборади-да. У таёқни каттикрок қисди, шундан заҳоти қўлининг мушаклари таранглашганини сезди. Дўкондан чиқиб, қўл бўйидаги йўлкада тез-тез у ёқдан ёққа юра бошлади. Ҳадемай жикқа терга ботиб кетди, аммо бу тер тез юрганидан эмас, вужудини забт этган қажалга ғазабнинг зўрлигидан қуйилмоқда эди. Тилида фақат бошга гап айланарди: “Ўлдираман... Ўлдираман аблахни!”

Шу алфозда, номаълум душманни қидириб, сал наридан улкан дарахт остига қурилган пастак шийпонга қараб юрдим. У янглишмаган эди: шийпоннинг бир бурчагида тўқма креслоларга ястанганча, похол найчалардан ора-сира виски симириб, қизи билан хотини ва, албатта, ҳалиги уч нафар киндиги бир олифталар валақлашиб ўтиришарди. “Қайси бири экан? – деб ўйларди чол таёқни маҳкам қисганча. Қайси бирининг бошини ёрай?!” Аммо шу пайт Эрнотасини кўриб қолиб, сапчиб ўрнидан турди-да, чопи олдига келди.

– Қаерда юрибсиз, дадажон? Қидирмаган ерим қолмади. Биласизми, жаноб фон Медвис бизни мошинаси билан қўл атрофини айлантирмоқчи, кейин соҳил бўйида Дезентсаногача олиб бораман, деяпти. – Эрнотасини столча ёнига судраб келди.

Эркаклар сўрашиш учун ўринларидан туришди. Қария титраб кетди. Ёнида қизи турганидан ноилож ҳалигилар билан бирма-бир қўл узатди, кейин чўнтагидан сигара чиқазиб жаҳл билан оғзига тикди. Сал ўтмай, француз тилини кечаётган баланд пардали суҳбат шаршара мисол яна ўзанига қайтди.

Соломон бобонинг иродаси букилган эди. Оғзидаги қарияни чайнаганча ич-этини еб ўтираверди. “Тўғри қилишади... Улар ҳақ... – деб ўйларди у. – Юзимга тупирса ҳам арзийди. Ўзим қўл бердим-ку. Аммо шулардан биттаси қизимни йўлдан ургани аниқ. Мен эшшак индамай ўтирибман-а! Ҳеч кимни ўлдирганим йўқ, ҳатто чертмадим ҳам... Аксинча, сўлжайиб қўлимни узатдим. Баттар бўл, қария! Устимдан ҳар қанча қулишса ҳам кам. Мен борманми, йўқманми – ким эътибор бeryпти? Улар учун мен тирик мурдадай бир нарсаман. Ахир, қизим билан хотиним франтсуз тилини тушунмаслигимни билишади-ку. Билиб туриб, ҳар замонда мен томонга бир қўз ташлаб ҳам қўйишмайди. Яқинларим учун ҳам мен йўқман-да! Уларга фақат менинг пулим керак. О, пул, пул! Ҳаммани йўлдан қидирадиган ғаддор! Хотиним билан қизим менга ҳам бир-икки оғиз лўқма ташлаб қўйишса нима қиларкан? Кўзлари фақат анови эркакларда! Мен бўлсам тоқат қилиб ўтирибман. Урмайманми, ўлдирмайманми! Эҳ, қўрқоқ, қўрқоқ...”

– Мумкинми? – деди бузук немис тилида италян зобити ва важиғалкага қўл узатди.

Хаёлга чўмган қария сесканиб кетди ва ҳеч нарсадан беҳабар зобитга еб юборгудай кўзини қадади. Жоний ҳалқумига келиб, қўлидаги таёқни жазава билан қисди. Аммо шу заҳоти лаблари қийшайиб, маъносиз тиржайди.

– О, мумкин, мумкин, – деди у овози титраб. – Сизга ҳамма нарса мумкин, ҳе-хе... кўнглингиз нимани тусаса қилаверасиз, ҳе-хе... менда нимаики бўлса, сизнинг кизматингизда... Мен нима дея олардим...

Зобит қарияга таажжубланиб қаради. Тилни яхши билмагани учун кесатиқнинг тагига етолмади. Аммо чолнинг юзидаги ифода уни довдиратиб қўйди. Беихтиёр ўрнидан туриб кетди, иккала аёлнинг юзи доқадай оқарди – орага зилдай сукунат чўқди.

Қария яна аввалги ҳолатига қайтди, юзидаги истехзо бир зумда ғойиб бўлди, залворли таёқ қўлидан сирғалиб чиқиб, тиззалари орасига кисилиб қолди. У сувга бўккан мушукдан ғужанак бўлиб, хозиргина намойиш этган жасоратидан хижолат чеккандек секин йўталиб қўйди. Эрна ноҳуш вазиятни юмшатиш мақсадида бир нималар деб бидирлай кетди, зобитнинг чеҳраси тагин ёришди, ҳаял ўтмай узилиб қолган суҳбат яна қозондай қайнай бошлади.

Соломон бобо шод-хуррам чақчақлашаётган одамлар орасида мум тишлаб ўтирар, боши ҳалигидан ҳам куйирон эгилган эди. Аммо энди унга ҳеч ким эътибор бермас, унинг мунгли сукути узра сўз пўртанаси авжга чиқар, ора-сирин кийкириқ ва қаҳқаҳа кўпиги осмонга сапчир, шўрлик қария эса алам ва номуснинг бепоён зулумоти қаърига фарқ бўлиб кетган эди.

Эркаклар ўринларидан туришди, Эрна шошиб уларга эргашди, сал ўтказиб онаси ҳам кўзғалди. Улар тўдалашиб меҳмонхонага қараб кетишди, аммо мудраб ўтирган чолни таклиф этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Қария атрофидан кўкқисдан ҳосил бўлган бўшлиқни сезиб, кўзларини очди, бўшаб қолган креслоларга лоқайд назар ташлади, шу пайт кулоғига меҳмонхонада чалинаётган роял овози, аёлу эркакларнинг шодон кийкириқлари эшитилди. Рақсга тушишяпти! Ҳа, сулайиб қолгунча рақсга тушиш қўлларидан келади. Қонлари кўпиради, бир-бирларининг бағирларига баттароқ ёпишишади, кейин қарабсизки...

У жаҳл билан таёқни яна қўлига олиб, ўша томонга юрди. Эшик олдида таққа тўхтаб қолди. Барон роял ёнида ярим ўгирилиб ўтирар, тусмоллаб американча бир куйин тинғиллатарди. Эрна зобит билан, онаси граф Убалди билан рақсга тушаётган эди. Аммо қария фақат Эрна ва зобитдан кўз узмасди. Вой ярамас-эй! Худди маҳрига тушгандай кизининг белидан маҳкам кучоқлаб олибди-я! Қизи-чи, кизи, намунча канадай ёпишмаса! Бир-бирига капишиб

кетибди-ку! Ҳа, шу, шу. Уларнинг ҳар бир ҳаракати дон шишганидан далолат бериб турибди. Ҳа, қизини йўлдан урган мана шу аблаҳ! Ярим юмуқ кўзларидан бундан-да кучлироқ лаззат хотираси учкун сачратяпти. Қиз ўғриси — шу зобит! Қария қизини унинг бағридан тортиб олиш учун бир қадам олдинга ташлади. Лекин Эрна отасига қайрилиб ҳам қарамади. У бутун борлиғи билан рақс оҳангига берилиб кетган, шу тобда қиз куй оқими узра парвоз қилар, на замонни, на маконни, на безгак тутгандай қалтираб турган аламзада отасини пайқар эди. Ҳозир Эрна фақат оҳанг гирдобида чирпираётган дуркун гавдасини, кўзлари қирсга тўла эркакнинг иссиқ нафасини, унинг бақувват кўлларини ҳис этар, ўзини буткул зобит ихтиёрига топшириб кўйишдан чўчир, аллақандай бир тизгинсиз хоҳиш васвасасига қарши курашар эди. Буларнинг барини қария адоқсиз бир азоб билан сезиб турарди. Ҳар гал Эрна отасининг олдидан чир-чир айланиб узоқлашганда қария қизидан бир умрга жудо бўлаётгандай инграб юборарди.

Бирдан, бамисоли узилган тордай, мусиқа таққа тўхтади. Бирон сапчиб туриб, “Бўлди, чалмайман. Мен ҳам рақсга тушаман”, деди французчалаб. Ҳаммалари қийқириб кулишди, рақсга тушаётганлар ажралишиб, бир ҳовуч қиммоа меҳмонхона бўйлаб таралиб кетди.

Қария ҳушига келди: нимадир қилиш керак, нимадир дейиш керак! Бунақа, тўнкага ўхшаб туриш, бу қадар шалтираш ярамайди! Шу пайт рўпарасидан хотини ўтиб қолди: қил хансираган, ўзида йўқ хурсанд. Бирдан йўлини тўсди.

— Юр, — деди у кескин оҳангда, — айтадиган гапим бор!

Аёл эрига ажабланиб қаради. Қариянинг рангпар юзи тер билан қопланган, кўзлари ола-кула. Нима демокчи бу? Шу пайтда орага суқилиш шартмиди? Гапни чалғитишга оғиз қуфтлади-ю, бироқ эрининг авзойидан ҳайиқди, яқингинада кўрсатган жазавасини эслаб, ноилож унга эргашди.



– Кечирасизлар, жаноблар, ҳозир келаман, – деди эркакларга юзланиб.

“Булардан кечирим сўрайди, – деб ўйлади чол ала билан, – боя столдан туриб кетишганда мендан кечирим сўрашгани йўқ. Мен улар учун итман, оёқ артадиган латтаман. Тўғри қилишади, ўзим чидаганимдан кейин баттар бўлай!”

– Нима дейсан? – деб сўради хотини ниҳоят тоқати то бўлиб.

– Хохламайман... хохламайман... – дея ғудранди у титро овоз билан, – анув одамлар билан ош-қатик бўлишларингиз хохламайман.

– Қайси одамлар билан? – дея қайта сўради хотини ўзини гўлликка солиб.

– Анувлар-да... – У боши билан меҳмонхона томон ишора қилди. – Менга ёқмайди... йўқ.

– Нима учун?

“Доим ўсмоқчилагани ўсмоқчилаган, – деди чол ичинги жиниб, – худди мен унинг кулиман”. Кейин ҳаяжондан тугила-тутила давом этди:

– Сабаби бор... Жиддий сабаблари бор... Менга ёқмаяпти Эрна ўшалардан узоқроқ юрсин... Тушунтириб ўтириши шарт эмас.

– Ундай бўлса, минг афсус, – деди хотини калондимоғлик билан. – Учови ҳам бамаъни, маданиятлик одамлар, уйимизга келиб-кетадиган пандавақилардан минг марта олижаноброқ йигитлар.

– Олижаноб йигитлар эмиш!.. ғирт иш ёқмас, такасалганлар уларинг! – Қариянинг жони ҳалқумига келди. Тақиклайман. Тушундингми?

– Йўқ, тушунмадим, – деб жавоб берди аёл пинагини бузмай. – Ҳеч нарсага тушунмадим. Тавба, нима учун кизимни хузур-ҳаловатдан маҳрум қилишим керак?

– Хузур-ҳаловат!.. – Қариянинг юзи бўғриқиб кетди, шонасидан совуқ тер чикди, кўли беихтиёр таёққа тилди – суянмоқчи бўлдим, хотинини урмоқчи бўлдим ким билсин! Лекин таёқ йўқ эди. Шу ҳол уни ўзига титирди, кўнгли андак юмшади, хотинининг тирсагидан шламмоқчи бўлгандай бир қадам олдинга талпинди. Менга қара... – деди ялинчоқ товушда, – тушунсанг-чи, нимга ҳеч нарса сўрамаяпман-ку. Ўн йиллардан бери иринчи марта илтимос қияпман: кетайлик бу ердан... Шпоренциягами, Римгами... майли, қаёққа бўлса ҳам кетайлик... мен розиман... Сизлар нима десанглар – шу. Ҳотмасак – бўлди. Илтимос, кетайлик... шу бугуноқ... ортиқ чидаёлмайман!

– Шу бугуноқ? – Аёл эрига анграйиб қараб, қошини кимирди. – Шу бугуноқ кетайликми? Эсинг жойидами? Ҳақикат кимдир сенга ёқмагани учун-а? Ёқмаса – яқинлашма. Чол турган жойидан жилмади, яна ялинишга тушди:

– Чидаёлмайман... Эшитяпсанми... чидаёлмайман. Сабабини сўрама... илтимос... умрингда бир марта гапимга кир, бир мартагина...

Меҳмонхонадан яна роял овози эшитилди. Аёл эрига кетгандай қаради: нақадар ночор, нақадар абгор, нақадар шуд! Эркак ҳам шунақа бўладими?!

– Иложи йўқ! – деди у чўрт кесиб. – Улар билан сайрга кетишга ваъда бериб қўйганмиз. Хоналарни уч ҳафтага қарага олиб, эртага жўнаворсак устимиздан кетишимизмайдами! Кетишга ҳеч қандай сабаб йўқ... Мен шу гапда қоламан, Эрна ҳам қолади.

– Ўзим кетаверайми, а? Бу ерда ҳаловатингизни бузаман-ми, а! – Қария йиглаворай деди. Кейин кескин қаддини кетлади, бармоқлари мушт бўлиб тугилди, бўйин кимирлари ўқлоғдай бўртиб чикди. Афтидан, нимадир шламмоқчи ёки нимадир қилмоқчи эди. Аммо бундай бўлмади: биринчи марта бурилди-да, зинапоя томонга йўл олди, худди



ортидан биров қувиб келаётгандай тез-тез юриб тепага кўтарила бошлади.

Соломон бобо ҳансирар, тезроқ хонасига етиб олиб ёлғиз қолишни ўйларди. Мана, юқори қаватга ҳам чикди чикдию бирдан кимнингдир ўткир тирноқлари ичини аёвси тимдалаётгандай бўлди. Ранги оқариб, деворга суяни қолди. Ё раббим! Додлаб юбормаслик учун тишини тиширбосди, санчикнинг зўридан ғужанак бўлиб олди.

Билдики, яна жигар хуружи, кейинги пайтларда тез-тез такрорланиб турадиган хуружларнинг навбатдагиси. Аммо бу гал қаттиқ ушлади. Кўринмас тирноқлар жигариш тилка-пора қилмоқда эди. Хонасига судралиб кириб, ўзини диванга ташлади-да, юзини ёстиққа босди. Ётганидан кейин оғриқ сал пасайди. “Иссиқ нарса қўйиш керак, – деди ичида, – кейин томизғи дори ичиш зарур”. Аммо унинг жонига ора кирадиган ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким. Ўзининг эса қўшни хонага чиқишга ёки лоқал қўнғирон тугмачасигача етиб боришга ҳам чоғи келмасди.

“Ҳеч ким йўқ, – дея ўйларди у алам билан, – бир кунми бир кун ёлғизликда итдай ўлиб кетаман... Сезиб турибманми, жигарим оғриётгани йўқ, ўлим писиб келмоқда... Энди менга на профессор, на дори-дармон ёрдам бера олади. Олтмиш беш ёшда соғайиб кетиш қийин. Биламан, ичимни кемираётган оғриқ, бу – ўлим, қолган икки-уч йиллик умр умр эмас, секин-секин жон таслим қилиш... Дарвоқе, қачон яшаганман, қачон ўзим учун яшаганман? Шу ҳам ҳаёт бўлдимми? Нукул пул дедим, пулнинг кетидан югурдим, ўзим учун эмас, бошқаларни деб югурдим, мана, энди ўшан пуллар қоримга ярайдимми? Хотиним бор эди: бокиралигидан уйланганман, севганман, у менга фарзанд ҳадя этди. Шунча йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб келдик, бир ҳаводан нафас олдик. Пировардида уни нима жин урди? Етти ё бегонага айланди-қолди. Мен билан иши йўқ, менинг туйғуларим, ўйларим, изтиробларим уни қизиқтирмайдими?”

Одинги меҳр-оқибат қаёққа кетди? Қизим-чи, қизим? Уни чапалаб катта қилган эдим, ҳаётимиз энди яна ҳам бермазмун, яна ҳам хушнуд кечади, мабодо куним битса умрим қизим вужудида давом этади, деб ўйлагандим. У пулса кечаси бағрингдан чиқиб кетиб, бегона эркакларнинг ўшагига киради. Ё алҳазар! Алҳазар!”

Даҳшатли оғриқ ҳануз ўқтин-ўқтин жигарига чанг солар, бу оғриқ сал пасайиши билан ундан-да шафқатсизроқ бошқа бир оғриқ – зил-замбил, адоғи йўқ ўй-хаёллари бамисоли шундай қизиган серқирра чакмоқтошдай бош чаноғини тарс-травораман, дерди. Қария камзулининг тугмаларини ечган эди, бесўнақай қорни кўйлагини қанордай шишириб тепага тўпишиб чиқди. У оғриётган жойига оҳиста бармоғини теккизди. “Фақат мана шу – менман, – дея яна ўй суриб кетди чол, – иссиқ тери остидаги оғриққина менинг душманман, менга ҳозирча фақат шугина тегишли. Энди шижоратчи Соломон ҳам, савдо-сотик ҳам, ишхона ҳам, пул ҳам, уй-жой ҳам, қизиму хотиним ҳам йўқ... Ҳозир менга фақат бармоқларим сезиб турган нарса – қорниму оғриқ қилган. Бошқа ҳаммаси – пуч бир сафсата, энди уларнинг ҳаммияти йўқ. Қизим билан хотиним мени тушунмайди, мен ҳам уларни тушунмайман. Буткул танҳоман – буни ҳеч кимон ҳозиргидай яққол ҳис этмаган эдим. Энди, ўлим қорнимга ин қураётган пайтда, беҳато англаб турибман... Қудаям кеч, олтмиш бешга кирганда. Ҳадемай ўламан... Қови уятсизлар рақсга тушишади, кайф-сафо қилишади... Қаттанг, аттанг... бутун умримни ўша кўрнамакларга бағишлабман-у, ўзим учун бирор кун ҳам яшамабман...”

Қария кўл томондан келаётган соат зангини эшитмади, бош қораяётганини пайқамади. Тун яқинлашаётган, хона-наги буюмлар узра оқшом аста-секин қора парда тутмоқда эди; ана, деразадан хиёл оқариб кўриниб турган осмон ҳамчироғи ҳам сўнди. Соломон бобо ўзини қуршовга олиётган қоронғиликни сезмасди: у фақат танаси қаъридаги

зулматга термилар, фақат танаси қаъридаги бўшликка қулоқларди.

Бирдан ёнидаги хонага шўх-шодон қулги ёпирилиб кирди, эшик тирқишида чироқ шуъласи ялтиллади. Қария кўрка-писа бошини кўтарди: қизи билан хотини! Ҳозир диванда ётганини кўришади, хўжақўрсинга сўроққа тутишади. Чол шоша-пиша камзулининг тугмаларини қадади: касали хуруж қилганини билиб нима қилишадими бунақа ташвишнинг уларга нима кераги бор?

Аммо хотини ҳам, қизи ҳам уни қидирмади. Иккови ҳам типирчилаб турарди. Бонг зарби учинчи марта кечқулоққа овқатга чорламоқда эди. Кийимларини алмаштиришяпти шекилли, тик этган товуш эшитилиб турарди. Ана, жавонғаладонларини тортишди; ана, ювинадиган хонада тиллашуулар узуклар жиринглади, улоқтирилган туфлилар тарақлади, шу орада ўзларининг чакаклари ҳам тинмади. Бари қариянинг қулоғига баралла эшитилмоқда эди. Аввалига йигитларнинг тўғрисида гаплашишди, сўнг сайр чоғидаги қизиқ-қизил воқеаларни эслаб, роса қулишди. Ювинаётган, соғина тараётган, юзларига упа-элик сураётган пайтларида ҳам бир-бирларига лукма ташлаб туришди. Ниҳоят, гал ўзини келди.

– Дадам қани? – дея бирдан эслаб қолди Эрна.

– Қаёқдан биламан? – деб жавоб берди онаси энсасиз котиб. – Эҳтимол, пастда ўтиргандир, Франкфурт газетасидаги биржа хабарларини юзинчи марта ўқиётгандир – бошқа қиладиган иши йўқ-да. Лоақал бирор марта кўлинг назар ташлаганмикан? Ўлай агар, қайрилиб ҳам қарамаганми? Бугун нима дейди, дегин. Бу ер менга ёкмаяпти, кетамиз, шу бугуноқ кетамиз, дейди.

– Шу бугуноқ? Нега энди?

– Билмасам. Итфеъл-да! Атрофдаги одамлар, битта танишган улфатлар асабига тегаётганмиш. Балки уларнинг орасида ўзини олақарғадай сезяптими, ким билади... Қачон

қарасанг, эгнида гижим костюм, кўйлаги ёқавайрон. Айтганинг бўлмайдими – ҳеч бўлмаса кечқурунлари тугроқ қийинса ўладими! – сенинг гапингга киради. Бугун эрталаб кейинангга ташланиб қолганини кўрдингми? Ер қилмадию ерга кириб кетмадим!

– Ҳа, ҳа... Нега унақа қилди? Сиздан сўрайман дейман-у, қулуқ эсимдан чиқади. Нима қилиқ бу? Ҳеч қачон уни унақа кайфиятда кўрмаган эдим. Оғзим очилиб қолди.

– Парво қилма. Дадангнинг феъли ўзингга маълум. Балки биржадаги нарх тушиб кетгандир ёки французча қилишимиз ёкмагандир. Бошқаларнинг хурсандчилигини кўролмайди. Пайқадингми: рақсга тушаётганимизда эшик олдига кўриқчидай қаққайиб турволди. Кетармишмиш! Вой, кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим! Сенга ёкмаса – шировларнинг ҳаловатини бузишнинг керакми! Билганини кўрсин – кетадими, қоладими – ихтиёр ўзида.

Сухбат узилиб қолди. Афтидан, кўчага югуришга қўйиб қўрилиб бўлишди. Худди шуни кутиб тургандай, кўлақдаги эшик тикиллади, қадам товушлари эшитилди, широк тугмачаси ширқ этди, чироқ ўчди.

Қария диванда миқ этмай ўтирарди. Энг қизиғи, энди у широкни сезмас, қалбида нафрат ҳам, газаб ҳам... ҳеч нарса, ҳеч қандай ҳиссиёт йўқ эди. У шошмасдан костюминини кийди, зинапояни битта-битта босиб ресторанга тушди-да, кўё еттиёт бегона одамлар қаторига қўшилгандай, хотини билан қизининг ёнига чўкди.

Тамадди пайтида у бир оғиз ҳам гапирмади, аёллар эса кўрғошиндай зил-замбил сукунатга эътибор беришмади. Қария индамай, гап-сўзсиз ўз хонасига кўтарилди, қаравотига чўзилиб, чирокни ўчирди. Алламаҳалда, кўнгилихушликка обдон мирикқанидан сўнг хотини келди; қоронғида ечиниб, ўз ўрнига ётди. Кўп ўтмай унинг вазмин, бир текис нафас олаётгани эшитилди.

Қария ўз ёғига ўзи қоврилганча, кўзларини катта-катта очиб, тун уммонига унсиз тикилиб ётарди. Ёнгинасида эски кимдир пишиллаб ухларди. Қария ўзи билан бир ҳаводани нафас олаётган бу аёлнинг қачонлардир покиза ва эхтиросли навжувон бўлганини, унга ардокли фарзанд ҳад этганини, ўшанда булар аллақандай сирли-сехрли ришталар билан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганини эслашга уринди. Ўша дамлар бу жувоннинг таранг ва қайинов баданини энтика-энтика силаб-сийпаганига зўр бериб ўзини ишонтирмоқчи бўлди. Аммо ўтмиш хотиралари унда ҳеч қандай ҳиссиёт қўзғамади. Шу тобда у хотинининг нафас олишини худди қирғоққа урилаётган кўл мавжининг шалоп шулупини эшитгандай лоқайдлик билан эшитиб ётар эди. Бари ўтди, бари тугади, фақат тасодифий ва ёт кўшшилик қолди, холос.

Уни яна бир марта сескантирган нарса шу бўлдики, кизининг эшиги оҳиста, гўё инграгандай, хиёл ғийчиллаб очилди. “Бугун ҳам шу аҳвол!” деб ўйлади чол ва шундоқ ҳам илвираб турган юрагига игна санчилгандай бўлди. Лекин бу ҳолат ҳам тезгина ўтди: “Билганини қилмайдим! Менга нима!”

Қария яна ёстикқа суянди. Тун ели пешонасини силади қайнаб турган қони сал совиди. У уйкуга кетди.

Хотин эрталаб кўзини очганида эрини палто ва шляпада кўрди.

– Қаёққа? – деб сўради у уйкусираб.

Соломон бобо қайрилиб қарамади ҳам. Индамай тунги кўйлагини чамадонга ташлади.

– Биласан-ку, уйга қайтыпман. Зарур нарсалар...инини опкетяпман, қолганларини жўнатиб юборарсизлар.

Хотинининг капалаги учиб кетди. Нима бўляпти? Бунақа совуқ, дағал овозни биринчи эшитиши. Сапчиб ўрнидан турди.

– Наҳотки кетсанг? Шошма... биз ҳам кетамиз, Эришга  
етганман.

Қария бепарво бош чайқади.

– Йўқ... йўқ... колаверинглар... – шундай деб эшик томон  
қарди, тутқични босиш учун чамадонни ерга кўйиш керак  
эди.

Мана шу бир лаҳзалик фурсат ичида кўнглидан нималар  
қилмади дейсиз! Мато намуналари – лахтаклар солинган  
кўнглипар чамадонини бировларнинг эшиги олдига минг  
шарталаб кўйгандир-ов! Хайрлашатуриб мижозларига  
қўнглилангани, ҳамиша хизматингиздаман, дея қайта-қайта  
қўнглиқ қилганлари-чи! Аммо бу ерда хизмати тугади,  
қўнглиқ қилиш шарт эмас. Қария бирор оғиз сўз айтмай,  
хатто нигоҳи орқали бўлса-да хайрлашмай, шартта  
чамадонни кўтарди ва ўзи билан ўтмиши ўртасидаги  
эшикни қарсиллатиб ёпди.

Нима ходиса рўй берганини на она англади, на фарзанд.  
Бундай ногоҳоний ва қатъий хатти-ҳаракат уларни қарахт  
қилиб кўйган эди. Зудлик билан Германиянинг жанубидаги  
қўнглилари яшайдиган шаҳарчага, надари бузруквор номига хат  
қўнглилашди. Хатда англашилмовчилик содир бўлгани  
қўнглиланган, “яхши етиб олдингизми, соғлигингиз дурустми, биз  
ҳам орқангиздан етиб борамиз” каби узр-маъзурлар изҳор  
қўнглиланган эди. Соломон бобо хатга жавоб қайтармади. Улар  
она ёзишди, телеграммалар жўнатишди – фойдаси бўлмади.  
Фақат Соломон бобо раҳбарлик қиладиган фирмадан  
қўнглилардан бирида сўралган пулни олишди, холос. На салом  
бор, на алиқ.

Воқеанинг бундай тус олиб кетиши уларни иссиқ  
қўнглийдан қўзгатди. Гарчи қайтадиган кўнглиларини олдиндан  
қўнглибар қилган бўлсалар-да, вокзалда она-болани ҳеч ким  
қўнгликуиб олмади, уйда ҳам бирон-бир тараддуд кўнглирилгани  
қўнглисезилмасди: хизматкор аёл, хўжайин телеграммани стол  
қўнглиустига ташладию индамай чиқиб кетди, ҳеч қандай юмуш

буюргани йўқ, деди. Кечкурун, она-бола овқатланиб ўтирганда, ниҳоят, кўча эшиги тарақлади, икковлари сапчиб туриб, валинеъматнинг истиқболига югуришди; қария буларга таажжубланиб қаради-ю, юзида бирон бир ифода акс этмади, қизи кучоқлаганида кетмон сопидай қотиб тураверди, биргаллашиб ошхонага кирди, уларнинг гап-сўзларини лоқайдлик билан эшитди. Ҳеч нарсани сўраб-суриштиради, чурқ этмай сигарасини сўриб ўтираверди. Гўё кўзлари очик ҳолда ухлаётганга ўхшарди. Кейин вазминлик билан ўрнидан туриб, хонасига қараб кетди.

Кейинги кунлар ҳам шундай ўтди. Хотини минг ялтоқланмасин, пинагини бузмади. У ўз қобиғига ўралиб олган, ташқи дунё билан буткул алоқани узган эди. Тўғри, ҳамон оила аъзолари билан бирга овқатланар, меҳмон келганда ноилож кутиб олар, аммо суҳбатга қўшилмас эди. Унинг кўзларига қараган одам сесканиб кетиши аниқ эди, чунки бўшлиққа тикилган бу жонсиз нигоҳдан ҳеч қандай маънони уқиб бўлмасди.

Қариянинг юриш-туришидаги ғалатилик бошқаларнинг ҳам эътиборини торта бошлади. Таниш-билишлари уни кўчада учратиб қолса, яширинча бир-бирини туртиб қўярди: қара-я, шаҳарнинг энг бадавлат кишиларидан бўлмиш Соломон бобо шундоқ аҳволга тушиб қопти-я! Уст-боши тиланчиникидан фарқ қилмайди, шляпаси қийшайган, юриши ҳам соғ одамникига ўхшамайди, нукул ўзи билан ўзи гаплашади. Биров салом берса, чўчиб тушади, ким гапга тутса, кўзини олиб қочади. Баъзилар, қария гаранг бўпқолган, деб ўйлаб, овозини кўтариб гапирарди. Лекин у гаранг эмасди. У пароканда хаёллар оғушида яшарди. Шу боисдан ҳеч кимни йўқламас, уйда эса на хотинининг унсиз ҳасратини, на қизининг ажабтовур паришонлигини пайқар эди. Бора-бора бутун умрини бағишлаган ишидан ҳам йироқлашди. Идорасига аҳён-аҳёнда бир кўриниш берар, шунда ҳам кабинетига кирволиб, столи устидаги

қимини кутаётган сон-саноксиз хужжату мактубларга маъносиз тикилганча ўтира-ўтира, бирорта қогозга қўлнинг ҳам теккизмай қайтиб кетар эди. Пировард-оқибат бу ерда ўзининг ортиқча эканини англаб, бутунлай келмай қўйди.

Бир куни она шаҳри кўчаларида дарбадар одамдай тентираб, қоронғи тушганда уйига қайтаётган эди, шаррос ёмғир қуйиб берди. Ҳаял ўтмай эзилган шляпасининг тепаси жажжи ховузчага айланди, этак ва енгларидан ёмғир суви чакиллаб эмас, жилғадай оқа бошлади. Аммо қария бунга эътибор бермас, бўм-бўш кўчада бир ўзи шошмасдан қадам ташларди. Шалаббо ҳолда манзилига яқинлашганда қашаматли бир мошина ёнидан лой сачратиб ўтди-да, унинг танғиллама уйи олдида тўхтади. Мошинадан хотини билан бўрим кийинган бир жаноб тушди. Яна бир йигит ҳам бор эди. Шу орада қария ҳам етиб келди. Хотини уни бу аҳволда кўриб, юзини четга бурди. Қария хотинининг меҳмонлар олдида ундан ор қилганини дарров сезди. Тез-тез юриб орқа эшикдан ичкарига кириб кетди. Шу кундан бошлаб у ўз уйига мазкур эшикдан кириб-чиқадиган бўлди. Биладики, шундай қилса бирорта ёт эркакка дуч келмайди. Овқатга ҳам чиқмай қўйди – хизматкор аёл таомни хонасига келтириб берарди. Хотиними, қизими олдига кирмоқчи бўлса, эшикни очмас эди. Ахийри улар ҳам чолни ўз ҳолига қўйишди. Гоҳи-гоҳида кўшни хоналардан – энди унинг учун бегона хоналардан – мусиқа садолари ва жўшқин қаҳқаҳалар девор оралаб сизиб чиқар, кечалари уйига келиб-кетаётган мошиналарнинг шовқини эшитиларди. Аммо Соломон бобо парво қилмас, ҳатто деразадан кўчага бир назар ташлаб ҳам қўймасди – неччи пуллик иши бор? Фақат вафодор итигина ҳамма унутиб юборган кўжайинининг каравоти олдидан куну тун жилмас эди.

У абгор бўлган юрагида оғриқ сезмасди-ю, аммо қора мушук қонталаш жигарини тирноқлашда давом этар эди. Дард хуружи тез-тез такрорланавергани сабабли

дўхтирнинг кистови билан қария тиббий кўрикдан ўтиш рози бўлди. Профессорнинг авзойи бузилди. У операция қилиш лозимлигини чолга ётиғи билан тушунтирди. Соломон бобо хафа бўлиш ўрнига суюниб кетди: хайрият кутуладиган кун ҳам бор экан-ку! Ҳар куни ўлгандан кўра бирийўла ўлган яхши эмасми! Дўхтирдан оиласи билдирмасликни илтимос қилиб, операцияга тайёрлан бошлади. Охири марта ишхонасига борди (келишини ҳеч ким кутмаган экан, бегона одамдай қарши олишди), ўн ўттиз йил ўтирган қора чарм креслога сўнгги бор ўтириш чек дафтарчасини келтиришни буюрди, дафтарчадан бир варағини тўлдириб, иш бошқарувчисига узатди. Бошқарувчи анграйиб қолди. Чекда катта пул қайд этилган эди. Бу пул хайру эҳсонга ва ўзининг қабри парваришига аталган эди. Қария ишини битказиб, кабинетдан тез чиқиб кетди, шошганидан шляпаси ерга учиб тушди, лекин Соломон бобо энгашиб уни олиб ўтирмади. Шу алфозда бошланг, сочларини тўзғитиб қабристонга равона бўлди (ўткинчилар унинг изидан ёқа ушлаб қолишди). Қария ота онасининг қабртошлари билан узоқ гаплашди. Нималар деди – ёлғиз ўзига аён. Балки, ҳадемай ёнларингга келаман дегандир – ким билсин. Қабристон дарвозаси олдида уни бир тўда тиланчи қуршаб олди. Соломон бобо шоша-пиша чўнтагидаги тангаларни чиқариб, ҳаммага улашди. Энг охирида мункиллаб қолган бир кампир кўлини чўзди. Пули қолмаган эди. Фақат бармоғини оғир ва кераксиз бир нарса – тилла никоҳ узуги қисиб турарди, унга кўз қирини ташладию хаёлида олис ва мубҳам бир хотира йил этгандай бўлди. Узукни шартга ечди-да, хангу манг бўлиб қолган кампирнинг кафтига қўйди.

Хулласи калом, жамики ортиқча даҳмазалардан кутулган қашшоқ ва танҳо қария ўзини жарроҳ ихтиёрига топширди.

Соломон бобо ҳушига келгач, аҳволининг оғирлигини исобга олиб, дўхтирлар хотини билан кизини бақиртиришди.

Қизи қонсиз чехра узра мулойим энгашди. Шунда муъжиза рўй берди: қариянинг сўнган нигохидан учкун чиқради. Ана кизалоғи, суюкли эркатойи... тепасида турибди... Эрна, Эрна! Таранг қимтилган лаблар аста-секин қилиб, оғизнинг икки бурчида сезилар-сезилмас, кўпдан буён унутилган табассум ғимирлай бошлади. Қувончнинг на шу заиф, ночор ифодасидан таъсирланган қиз отасининг юзидан ўпиш учун яна ҳам пастроқ эгилди.

Аммо бирдан – ғалати атирнинг чучмал ҳиди эски, титиробли хотираларини кўзғатиб юбордими – беморнинг қозиргина ёришиб турган чехраси бужмайди, кўкарган иблари қаттиқ қимтилди, авзойи баданига титроқ кирди, иёл остидаги кўллари гўё жирканч бир нарсани ўзидан нарига итармоқчи бўлгандай типирчилай бошлади. “Даф бўл!.. Даф бўл!” Унинг бу сўзлари оғзидан аранг чиққан бўлса-да, ҳаммага эшитилди. Дўхтирлар она-боладан беморни холи қўйишни сўрашди.

Хотини билан қизи чиқиб кетганидан сўнг беморнинг юзига яна аввалги ором ва ҳорғинлик ифодаси қайтди. У ҳамон нафас оларди. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмади. Кўп ўтмай қария энтикиб бир “пуф” дедию жим бўлиб қолди. Беморнинг кўкрагига қулоғини босган дўхтир юракнинг муддатсиз ҳордиққа кетганини англади.

### Таржимондан

Юракни тилка-пора қилмоқ учун тақдири азал дабдурустдан кўкракка найза санчмайди. Пайт пойлайди. Бунга у устаси фаранг. Биз тақдири азалнинг ҳукмини “баҳонаи сабаб” деб қўя қоламиз, сўнг... бу бетайин иборамизни ҳукмининг бешафқат оқибатига таажжуб билан киёслашга тушамиз; аслида дард ошкор бўлмасидан анча



илгари бошланади. Инсон тақдири ҳам шунақа. У узоқ вақт вужудимиз қаърида, етмиш икки томиримизда яширининг ётади, сиртга чиққанида эса негадир исён кўтарамиз, аммо фойдаси бўлмайди.

### Стефан Свейг ҳаётидан бир лавҳа

Бахтсиз бир ёш йигит ўз жонига қасд қилишни ўйлаб қолди, аниқроғи, ўзини отишга қарор қилди. Бу ўсмир нафақат шу қадар бахтсиз, балки бунинг устига ўта уятчи ҳам эди. Шунинг учун, ҳеч кимни овора қилмаслик на ўзгалар эътиборини тортмаслик мақсадида у худкушлик қилишга энг маъқул жой сифатида шаҳар қабристонини танлади. Ўзини ўлдирадиган сана ва вақтни ҳам белгиласи кўйди: тўлин ой кечаси, ярим тунда.

Шу тариқа, йигитча ой нурига чўмган тинч қабристонга кираркан, ўтириб олиб, шум тақдир билан хотиржам ҳисоб китоб қилиб олиш учун мос ўриндиқ излади. Бахтга қарши (балки аксинча – бахтигадир), ҳеч қаерда скамейка йўқ эди. Бир неча ўнлаб қабрлар орасидан ўтаркан, йигит кутилмаган бир ҳолатдан бақариб юборди: унинг рўпарасида, ой ёруғида, қоп-қора кийинган ва... қанотли бир қиз турарди! Фақат яхшилаб қарагандан кейингина бахтсиз йигит хотиржам нафас ростлади: бу оддий ҳайкал экан. Ғарбда кўпинча бевақт ҳаётдан кўз юмган болалар ва ёш қизларнинг қабрлари устига шунақа фаришта ҳайкалини ўрнатишади. Бироқ бу ҳолатда ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган йигитчанинг эътиборини бошқа нарса ўзига жалб этди. Ҳайкалчанинг пойига, марҳума қизнинг исми туғилган ва вафот этган санасидан ташқари, лотин тилида қуйидаги матн ёзилганди: “Хеус ту, виатор лассе, қуи м праетереис. Вени ҳос эт қуеиессе пусилу. Сум диу амбулареис, тамен ҳос вениундум эст тиби. Бене виве пропера...”



Йигит лотинчани биларди, шу сабабли янада хайратга тушди. Матн мазмуни бундай эди: “Ҳой йўловчи, кўриниб турибдики, сен юришдан чарчагансан. Бу ерда бирпас нафас ростлаб ол. Сенинг йўлинг узок, гарчи барибир шу ерда тугаса ҳам. Йўлингда давом эт ва тириклик чоғингда бахтли бўл...”

Бу сўзлар ўзини ўлдириш ниятида келган йигитчага шунчалик мўъжизавий таъсир кўрсатдики, у қора фаришта ҳайкалидан сал орқага тисарилиб, тўсиклар ва буталар орасидан ўтиб, чўнтагидан тўшпончани чиқарди-да, узокларга ирғитиб юборди. Кейин ортига ўгирилиб, югурганча қочишга тушди.

Шу тариқа, номаълум эпитафия Стефан Свейгнинг – бўлажак австриялик буюк ёзувчининг ҳаётини сақлаб қолди...

*Низом Комил  
таржимаси*

ХАЁЛИМДА ТИРИКДАЙМАН

У машина юкхонасида типирчилаб, арқондан қутулишга уринарди. У ўлимга маҳкум эди, лекин ўлишдан қўрқарди. Агар ўлса анави қотил — олабўжини, Каинни ким жазолайди? Унинг ёвузликларига ким чек қўяди? Ким қасос олади?..

Машина тўхтади, лекин ҳеч ким юкхонани очмади. Наҳотки, бу аблаҳ бамайлихотир балиқ овлаётган бўлса?

Ниҳоят юкхона очилди ва банди қотилнинг нега имиллаганини англади: гувоҳлардан холи бўлиш учун коронғи тушишини кутган экан. Ўзингдан қўр! У қотилни боғданган оёқлари билан тепмоқчи бўлди. Лекин увишиб қолган оёқлари мўлжалга тегмади. Аблаҳ зарбага осонгина чап берди. Кейин тилга кирди:

– Ибодат қилиб олгандирсан ҳойнаҳой?

Зулматда уларнинг юзи оқ доғга ўхшаб кўринарди. Боёқиш банди оғзига тикилган латтадан қутулмоқчи бўлди. У гапиролмасди, лекин овоз чиқармай қасам ичишига ҳеч нима халал бермади: “Бу ифлосдан қасос олинмагунча тинчимайман!”

Қотил унинг чинтоғига қуролнинг муздек оғзини тиради.

“Барибир сен мендан қутулолмайсан. Қаерда бўлсанг ҳам, ўч олишнинг йўлини топаман. Мен...” Фикр тугалланмай қолди. Қотил ўқ узди.

Сержант Дейвид Амаро қусиб юборишдан ўзини бир амаллаб тийиб турди. Ириб кетган мурдадан қўланса ҳид келарди. Амаро бу ишни тергов қилишни бўйнига олганига аллақачон афсуслана бошлаганди. Бошқа изкуварлар билан бирга салқингина идорада ўтириш ўрнига мурданинг кимлигини аниқлаш учун август жазирамасида ҳаллослаб

манави чиқиндихонага келиб ўтирибди. Қўрғошиндай қизиб кетган машина юкхонасига кўз ташлагач, Дейвид сўради:

– Доктор, нима деб ўйлайсиз, мурданинг бу ерда ётганига қанча вақт бўлган?

Доктор Майлз Жейкобзнинг ҳам кўнгли айниётганди.

– Бир ойдан ошган. Камида ёз бўйи шу ерда ётган.

Мурдани шу пайтгача ҳеч ким пайқамагани Дейвидни ажаблантирарди. Унинг ҳамкасблари Том Саскова ва Рик Длабал чиқиндихона хўжайини билан гаплашаётганди.

– Тунда бу ерни ёпасизларми?

– Ҳа. Занжирли сўлоқмондай темир бўлаги билан беркитамиз.

– Кундуз куни-чи? Бирор киши машинада кириши мумкинми?

– Йўқ. Одатда йўл тўсиб қўйилади. Пачоқланган машиналарни ўзимиз олиб келамиз.

Мурданинг шахсини аниқлаш қийин бўлади, деб ўйлади Дейвид. Юзидан деярли ҳеч вақо қолмаган. Балки бармоқ изларини олишнинг иложи бордир?

– Унинг бармоқларини асранг, доктор, бармоқларини Топекка юборамиз.

Дейвид яна беҳузур бўла бошлади. У катта шаҳарлардаги полициянинг имконияти ҳақида ҳавас билан ўйлади. Бунақа тергов пайтида уларга дарров криминалистик лаборатория ёрдамга келади.

– Шу ерда тинтув қиласизми, шифохонадами? – сўради Длабал.

– Ҳозироқ тинтиб кўра қолай.

Лекин у мурдага резина қўлқопли қўлини теккизмоқчи бўлганида ҳаяжонланиб кетди. Кўнглида чексиз ғазаб, сезилар-сезилмас қўрқув ва ҳозироқ қотилни топиш нияти уйғонди. Буни кутмаган Дейвиднинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Унинг миясига бир фикр ўрнашиб олганди: “Қотилни топ! Ифлос газандани топ! Топ, аблаҳни!..”.

Сержант сесканиб кетди.

– Дейв! – деди Длабал кўркиб. – Сизга нима бўлди?

Ҳамма Амарога ажабланиб қаради. Аллақачон жони узилган юкхонадаги мурданинг ҳис-туйғулари сассик фавворадек ҳар томонга сочилаётганига ким ҳам ишонарди? Буни бировга айтишга ҳам тил бормайди!

Кўл-оёғи боғланиб, чиноғидан отилганига қараганда бу кимсани қатл қилишган. Балки ундан ўч олишгандир? Чўнтаклари бўм-бўм, қўлидаги соат ва узути ечиб олинган. Ёки каллакесарлар жанжалининг оқибатимикан бу?

Сержант Дейвид Амаро бу йил мурдалар билан шуғулланишга улгурган эди. Ўрта мактабнинг уч нафар ўқувчиси отни ҳам йиқитадиган миқдорда наша чекиб ўлишган, Конни Чаффин деган қизни эса зўрлаб, кейин бўғиб ўлдиришганди. Лекин бу мурдаларни кўрганда Дейвиднинг ғазаби ҳозиргидек қайнаб, нафрати кўзимаганди.

У полиэтиленга ўралган мурдани аравага солиб олиб кетаётган санитарларга йўл бериш учун четрокқа чиқди.

Кейин ҳамкасблари билан чорак мил юриб, дарё қирғоғини у бошидан бу бошигача тинтиб чиқди, лекин ҳеч қандай из тополмади.

– Чарчадингми, Дейв? – лейтенант Жеймс Кристофер ҳамдардлик билдираётгандек унинг елкасига қоқиб кўйди. – Уйқунг бузилганми, дейман. Бугун эрталаб роса ҳолдан тойгандай кўриндинг.

– Жазирагани қара... Куйдирай дейди-я...

Дейвид қўлидан бир иш келмаётганига хуноб бўлиб, расмий маълумот қоғозини олди: ҳамма унга худди дўхтирга ўхшаб гапиради. Психотерапевтнинг қабулига бир-икки марта борсанг бас, ҳамманинг раҳми кела бошлайди.

– Ҳалиям кечалари босинқираяпсанми? – Кристофор паст овозда, чин кўнгилдан ҳол сўрарди.

– Баъзан.

– Ўша-ўша тушларми?

Тавба... Ахир, ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку. Бор-йўғи бир кун – шунга шунча ваҳимами?!

Ўша куни тонгда у Крис ва болаларини ўпиб хайрлашиб, хизматга отланганди. Идорага кириб келганида ҳамма эси оғандек унга ёпиша кетди. Қаёққа кетгандинг? Нима бўлди?.. Ҳаммалари бугун сешанба эмас, чоршанба деб уни ишонтира бошлашди. Лекин айтишларича, Дейвидни сешанба куни ҳам кўришганмиш: у нашафурушлар ҳақидаги маълумотларни текшириш учун идорага кириб ўтганмиш. Полиция ходими унинг машинасини мактаб ёнида кўрибди, Дейвид ҳалиги бояқиш гиёҳвандларнинг дўстлари билан суҳбатлашганмиш...

Хотирасидаги ўша бир кунлик бўшлиқни ҳеч тиклаб бўлмади. Айримлар Дейвид ўша кунни эслашни хоҳламайди, дейишарди. Ёлғон! Хотирасидан ўчган кун унга ҳеч тинчлик бермасди. Уйга тўрт мучаси соғ, соқоли киртишлаб олинган ҳолда қайтган ўша куни у қаёққа борганди?.. Тўғри уйга келганида тўппонча, кишан, калит, терговчилик гувоҳномаси, ҳатто соат ва никоҳ узуги ҳам йўқолган эди...

– Йўқ, ҳар хил тушлар кўраман, – алдади у лейтенантни.  
– Чикиндихонада ёзиб олинган тафсилотларга қизиқаяпсанми?

– Ҳа-ҳа.

Дейвид ён дафтарчасини очди.

– Эркак киши, сочлари қора, бўйи беш фунту ўн бир дюйм, терисининг рангини аниқлаш қийин, қорачадан келган бўлса керак. Испанга ўхшайди. Вазни ва ёшини аниқлаб бўлмади.

Дейвид ичи коп-қоронғи узун туннел бўйлаб югурарди. Тепасидан юк поездаи ўтар, у худди бош чаноғи ичида юраётгандек туюларди. Дейвидни аллақандай махлуқ

кувлаётганди. Даҳшатли махлук. У етай-етай деб қолгани боис, Дейвид ўгирилиб қараёлмасди... Туннелнинг охирида сарғиш ёруғлик кўринар, у томоғи какраб бор кучи билан ёруғликка қараб югурарди. Сарғиш ёруғлик ичида кимдир кўрингандай бўлди. “Ёрдам беринг! – кичқирди Дейв. – Ёрдам беринглар!” Ғира-шира келбатлар тўхтаб, у томонга ўгирилишди. Лекин ҳар галгидек, шунчаки кузатиб тураверишди. Махлуқнинг тирноғи унинг елкасига қадалди. Дейвнинг дод-фарёди увлашга айланди. У қутулишга уринар, лекин махлук ўткир панжаси билан уни ўзига тортарди... Шунда Дейвид ортига ўтирилди...

– Дейвид, уйғон, мен шу ерданман, ёнингданман!..

Хайрият, хотини ёнида экан. У эрини кучоқлаб, маҳкам бағрига босди. Дейвид худди нажоткорини топгандек хотинини кучди.

– Дейвид, бу аҳволда яшаб бўлмайди... – пичирлади Крис. – Илтимос, доктор Мейеснинг олдига яна бир марта бор... Ёки... У ёзиб берган уйқудоридан ич...

– Ҳа, мен сени қийнаб кўйдим.

Айбдорлик ҳисси кўрқувни даф қилди.

Ҳамма тахминлар боши берк кўчага олиб кириб кўйди!

Дейвид ўзини орқага ташлаб, сочини силаб ўйланиб қолди. Тўғри, ҳали ФБР Ахборот марказининг бедарак йўқолган жинойтчилар ҳақидаги маълумотидан умид бор. Канзас ва ҳарбий Миссурининг катта шаҳарларига сўров хатлари юборилган, лекин...

– ... Гўдак бўлсаям, пихини ёрган экан, – ҳамкасби Билл Первайанс афтини бужмайтирди. – Умуман, чурвақалар ўша Стейсининг асосий боғловчи бўғин эканини тан олишди.

Первайанс гиёҳвандлар иши ҳақида жавраётганди.

– Стейсини гувоҳлик беришга мажбур қиламан! Балоғат ёшига етмагани учун уни ҳеч нарса қила олмаслигимизни билади-да, ҳароми. Ҳибсга олсак ҳам ўрнига бошқасини

топишади. Кейин ҳаммасини бошидан бошлаш керак. Хўш, Стейси нашани кимдан олган?

Дейвид бармоғининг учи билан қовоқларини ишқади. Яна бошланаяпти, шекилли... Худди ичига сичқон кириб олиб, аъзои баданини кемираётгандай... “Мен қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан!”, деб бақирмоқчи бўлди Дейв, кейин ўрнидан сапчиб турди-да йўлга тушди...

– Қаёққа кетаяпсан? – ортидан қичқирди Кристофер.

– Шифохонага...

...Шифохонада доктор Жейкобз мурдани ёриб текшираётган экан.

– Боёқишнинг ёши ўттиздан ошган. Тўрт ойлар бўлган ўлганига.

Демак, апрелда ўлдиришган. Конни Чаффинни ҳам апрелда ўлдиришган, мактаб ўқувчилари ҳам айнан ўша ойда нашадан заҳарланишган. Дейвид Амаронинг ўзи ҳам умрининг бир кунини апрелда йўқотди.

– Майли, менга хулосани ёзиб беринг.

Энди Дейвид терговни қанча тез битирса, иккинчи “мен”идан ҳам шунчалик тез қутулади.

Махлуқ уни қувиб етди. Лекин бу сафар туннел адоғидаги одамлар индамай қараб туришмади: улар бир нималар деб бақиришар, далда бериб, йўл кўрсатишарди. Даҳшатли тирноқлар елкасига текканда Дейв чиқиндиҳонадаги мурданинг овозини эшитди: “Терговни ташлаб қўйишга ҳаққинг йўқ. Анави газандани, Каинни тутмагунингча сени тинч қўймайман. Уни қўлдан чиқарма!”

Дейв бу сафар додламай уйгонди, лекин аъзойи бадани жикқа хўл эди. Крис ёнида мунғайиб ухлаб ётарди.

Тунги босинқирашларига мурданинг алоқаси борлиги аниқ. Дейв тиззаларини кучиб каравотда овоз чиқармай ўтирарди. Бошқа одамнинг кўзи билан кундуз куни тунни кўрганини қандай тушунтириш мумкин? Мурда билан

хотирасидан ўчган сешанба куни ўртасида қандай алоқа бор?

Коронғи хонада Дейв чўқиниб олди. Ё Тангрим, ўша машъум кунда нима бўлган эди ўзи?

Шахси иккига бўлингани Дейвиднинг ишлашига халал берарди. Мурда терговни давом эттиришни талаб қилар, Дейв бу кетишда эси оғиб қолишидан кўрқарди.

– Агар ишинг кўп бўлмаса Мадьеросга ёрдам бер, – илтимос қилди лейтенант Кристофер. – Бояқиш роса ҳолдан тойди, уч-тўртта ўғирликни бир ўзи тергов қилапти.

Лейтенантнинг гапи гап. Дейвид хўп дегандай бошини сермади-да Мадьеросга шаҳардаги буюм гаровга қўйиладиган дўконларни бирма-бир текшириб чиқишини айтди.

– Кун жуда қизиб кетди-я, сержант, – деб қарши олди уни дўконда сотувчи.

– Кўрайлик-чи, манави лаш-лушлар сизлардамикан, йўқми, – Дейвид рўйхатни очди.

Уларнинг гапини тормознинг чийиллаши бўлди. Кўчада машинасидан бошини чиқариб олган ҳайдовчи велосипед минган болани сўқар, болакай эса тиржайиб турарди. Кейин у велосипедининг олд гилдирагини кўтарганча тор кўча бўйлаб ўқдай учиб кетди...

– Эсини еган зумрашалар!

– Болалигимда велосипеднинг олдини кўтариб ҳайдашни ҳеч ўрганолмагандим, – хўрсинди Дейв.

– Ўтган йили иккита мана шунақа зумрашани машина уриб кетай деганди.

– Болалигимда велосипедни учираман, деб тўпиғимни синдириб олганман...

Дейв шундай деди-ю сесканиб кетди: у ўқийвериб ёд бўлиб кетган баённомада мурданинг ҳам болалигида тўпиғи сингани ёзилганди. Умуман, унинг танаси... Дейвни кига қуйиб қўйгандек ўхшарди.

– Сержант, сиз, ахир, рўйхатни текширмоқчи эдингиз-ку!  
– қичқирди сотувчи унинг ортидан, лекин бу пайт Дейв аллақачон машинасини шаҳар марказига қараб бурганди.

Тарихда қиёфадослар ҳақида кўп маълумотлар бор. Лекин айнан ўз қиёфадосининг ўлимини тафтиш қилаётганини ўйлаб Дейвни ваҳима босди... Бири кам дунё, деб шуни айтишса керак-да.

Лекин кўп ўтмай у мурдага қанчалик ўхшашлигини билгиси келиб қолди.

Маълумотларни титкилаб, ҳамманинг кўз олдида ўзининг баданини текшириши ноқулай эди. Шунинг учун у қоғозларни олиб, одатда, гувоҳлар сўроқ қилинадиган хоналардан бирига кирди-да, ичкаридан эшикни қулфлаб олди.

Кейин ҳаво совутгични лаънатлаб маълумотларни ўқий бошлади. Муздек ҳаво этини баттар жунжиктираётганди. Бир пайтлар мурданинг бодом безлари олиб ташлангани ҳеч нарсани англамасди. Бунақа безни кўпчиликдан олиб ташлашади. Лекин унинг тишлари пломбаларигача Дейвидники билан бир хил эди!

Узун тирнокли панжа Дейвнинг бўйнига чанг солди, ундан лаҳаднинг совуғи уфурарди...

– Хонага сен беркиниб олдингми, Амаро?

Кристофернинг овози Дейвидни ҳушига келтирди.

– Ёлғизмисан? Бу ёққа чиқ! Лабораториядан хат келди. Сен шуғулланаётган мурданинг бармоқ изларини олишибди.

– Худога шукур!

Энди ҳаммаси ойдинлашади. Дейвид дарҳол эшикни очиб Кристофернинг қўлидаги қоғозни олди.

– Буни ҳозирок...

Полицияда ишлагани учун ўзининг бармоқ изларини яхши билган Дейв қоғоздаги излар айнан ўзиники эканини дарҳол пайқади.

Ё алҳазар!



– Амаро, мазанг кочдими?

– Буни ҳозироқ Вашингтонга жўнатаман, – деди у лейтенантга ва шоша-пиша идорадан чиқди.

Бу бармоқ изи Дейвниқига қуйиб қўйгандек ўхшарди: ҳалқача, чизик ва гажакчалар шакли бир хил, чап кўлнинг кўрсаткич ва ўрта бармоғидаги гажак изларни узун чизиклардан ажратган бурама из ҳам ўша-ўша.

Тирноқлар зарб билан елкага санчилди. Оғриқдан карахт бўлиб қолган Дейв қаршилиқ қилмай қўйди. Шу пайт у кутилмаганда қоронғи туннелдан чиқиб, дарё соҳилида пайдо бўлди. Тунги шабада сочларини ҳилпиратар, оғзига латта тикилганди. Чандиб боғланган арқон билак ва товонларини оғритарди. Шу пайт кимдир уни ерга юзтубан ётқизди, тун қаёққадир ғойиб бўлди. Фақат оғриқ қолди.

Тоқати тоқ бўлган Дейв лейтенант берган қоғоз ва ўзининг бармоқ изи туширилган карточкани ғижимлаб ерга улоқтирди. Етар, бас!

Ҳа, айнан ўша кишини ўлдиришган пайтда Дейвиднинг хотирасидан бир кун ўчганди. Унинг хотирасидаги бу бўшлиқни онгсиз равишда қандайдир даҳшатли воқеани унутишга уринишнинг оқибати, деб изоҳлаш мумкин. У ўзининг ўлиmidан бўлак яна нимани ҳам унутишни хоҳлаши мумкин?

Ўз ўлими ҳақидаги хотирани тинчгина қабул қилганидан Дейв унчалик ажабланмади. Фақат кўриниши номаълум-лигича қолаётган қотилга бўлган адоғсиз нафратигина уни ҳайратга соларди. Айнан шу нафратнинг кучи эвазига мўъжиза рўй бериб Дейвид нариги дунёдан соғ-омон қайтган ва ўтган тўрт ой давомида нима рўй берганини ўзи ҳам пайқамай юраверганди. Худди Декарт ёзганидек, деб ўйлади у. Мен тирикман, деб ўйлайман, демак, мен тирикман. Чиндан ҳам: фикрдан яралган одам.

У катта кўча бўйлаб борарди. Машина беихтиёр мактаб ёнидаги тўхташ жойига бурилди. Ҳа-ҳа, ўшанда, сешанба куни унинг бу ерга келгани аниқ.

Мактабдан шимол тарафда, девор ортида қабристон бор эди. Дейвид девордан ошиб ўтиб қабр тошларини оралаб юра бошлади. Ҳаммаёқ жим-жит... Шу пайт Конни Чаффин эсига тушиб қоқилиб кетди. Чиройли қиз. Графлик бош прокурорининг қизи, енгил атлетика бўйича аёллар жамоасининг умиди. Олимпиада ўйинларида қатнашишни орзу қилади. Бир сафар машғулотлардан кейин уйига қайтмаган. Эртаси куни зўрлаб, бўғиб ўлдирилган Коннини қоровул қабристондаги харобага айланган бутхонадан топган.

Дейвид воқеани танқидий нуқтаи назардан фикрлаб кўришга уринди. Хўш, нега у бирдан Конни ҳақида ўйлаб қолди? Ахир, қизнинг иши билан бошқа терговчи шуғулланаяпти-ку.

Қабристоннинг этагида сой оқарди. Сой йиллар давомида жарликка йўл очиб олган эди. Дейвид қиялик бўйлаб сойга тушди-да, қирғоқдаги йўлакдан юра бошлади. Спортчилар ва маҳаллий ҳаваскорлар югуравериб йўлакни теп-текис қилиб юборишган эди. Конни ҳам шу йўлакда югурган. Афтидан, уни шу йўлакда пойлаб туришган.

“Конни югураётганда уларни кўриб қолган!”

Бу гапни унга ким айтган эди-я? Қани эсла-чи!.. Бўлақол!.. Ҳа, Ким Харрис!

Олдинга юришга нимадир халал бераётганди. Дейвнинг кулоғи шанғиллай бошлади. Баланд дарахтлар орасидан ўтган йўлак тушида кўрган туннелни эслатарди.

Шу пайт Дейв ҳаммасини эслади. Харрис айтганди, Стейси наша сотади, ўзи, бунинг бутун мактаб билади, деганди. Конни эса унинг нашани кимдан олаётганини кўриб қолган. “Конни йўлакда югураётганда уларни кўриб қолганини айтувди”.

Дейвиднинг хотираси панд бермади: у Харриснинг гапларини сўзма-сўз эслаб қолганди.

“Кимни кўриб қолган?” – “Стейси билан яна бир кишини. Исмини айтмади” – “Буни сенга Конни қачон айтганди?” – “Ўша куни тонгда, ҳаётининг сўнгги кунида... Биласизми, Конни нашавандларга кўшилмасди, бировнинг ишига бурун суқмасди. Лекин Билл ва Тина ўлгач, бечора роса азият чекди. У кўрганларини отасига айтмоқчи эди...”

Шунда газандалар Коннини худди маняк ўлдиргандай танасини топтаб гумдон қилишган, аслида нима бўлгани номаълумлигича қолган.

Конни дарё ёқасидаги мана шу жарда машқ қиларди. Стейси билан унинг ҳамтовоғини Конни қаерда кўриб қолган бўлса?

Йўлак қирга кўтарилиб, дарахтлар сийраклашди. Жарлик кенгайиб йўлакнинг четида ўт босган дўнгликлар пайдо бўлди. Уйларнинг айвони, деразалари кўзга ташланди. Наҳотки Конни шу деразаларда ниманидир кўриб қолган бўлса?

Дейвид аллақандай шарпани пайқади... Худди дарё қирғоғида бўлганидек, кўз олдида ўтмиш жонлана бошлади. Кўзи иссиқхонада турган одам шарпасига тушиб, хотираси тикланди: ўшанда, сешанба куни у тош зинадан кўтарилиб, деразани тақиллатганди, ҳамма бало шундан кейин бошланди...

Сержант дарахтга суянди. Сешанба. Воқеа шундай бўлганди...

...Деразани тақиллатганди, ичкаридан қотмадан келган, гавдали, қаддини ҳарбийлардек тик тутган, оқ сочли, ўрта яшар киши чиқиб келди.

– Менда ишингиз борми? – сўради у.

Дейвид хизмат гувоҳномасини кўрсатди.

– Ҳа. Сиз, ахир?..

– Майор Чарлз Баррисман, нафақадаги зобит.

Кўл сиқиб кўришаётганда Баррис Дейвнинг кафтини эзиб юборай деди.

Иссиқхона деразасидан бир олам очилиб ётган гул кўриниб турарди.

– Бунча чиройли! – деди Дейв.

Чамаси, бу мақтов Баррисни хурсанд қилди:

– Ташаккур. Хоҳласангиз гулларни яқинроқдан томоша қилишингиз мумкин. – У сержантни гулхонасига олиб кирди. – Манавилар Вьетнам навлари. Буларни ўша ёқдан келтирганман...

Дейвид ҳайратланаётгандек кўзларини пирпиратар, Баррис эса жилмаярди.

– Захирадаги зобитнинг гул ўстириши ғалати туюлади-а?

– Шундай десаям бўлади, – деди Дейв. Ичида эса: “Вьетнамдан сен яна нималар олиб келгансан?”, деб ўйлади.

– Қизиқувчанлигим учун узр, менда қандай хизматлари бор? – деди Баррис.

– Чопағонлар орасида Конни Чаффин деган қизни кўрмаганмисиз?

– Ўтган ҳафта бўғиб ўлдиришган қизними? – майор жиддий тортди. – Ҳа, кўпинча деразадан унга кўзим тушарди. Қандай фожиа... Мендан у ҳақида аввал ҳам сўрашганди. Бирор янгилик борми?

Дейвидга майор саволни шунчаки қизиққани учун бермаётгандай туюлди.

Орага жимлик чўкди.

– Бўйи олти футдан баландроқ, новча, сариқ сочли йигитни-чи? Учратмаганмисиз? – дейди Дейв Стейсини назарда тутиб.

Иссиқхона хўжайини эслашга уринаётгандек лабларини қимтиди.

– Ҳаммани эслаб қолиб бўлмайти-ку, ахир... Кўрмаганман шекилли... – унинг бир туки ҳам қилт этмади, лекин қорачиқлари кенгайиб кетди!

Шу пайт кимдир эшикни қарсиллатиб очиб, бўсағада туриб бакира бошлади:

– Майор, анави ифлос Харрис ҳаммага...

Бу Стейси эди, сержант уни кўрибоқ таниди. Шу дамда Баррис ҳам қўлга тушганини англагани. Дейв Баррисга ўтирилди. Аммо шу лаҳзада юзига гултувак урилди. Сержант ўзига келиб тўппончасига қўл чўзмоқчи бўлганда Баррис билан Стейси аллақачон унинг устида ўтиришарди.

– Буни қаёққа гумдон қиласан энди? – кўзлари ола-кула бўлиб сўради Стейси.

– Ишинг бўлмасин. Қармоқни машинанинг юкхонасига сол.

Юкхона эшиги ёпилгач, банди бошқа ҳеч нарсани эшитмади...

...Сержант ҳали ҳам дарахт ёнида турарди. Энди ҳаммаси аён. У қотил кимлигини билади.

Лекин Дейвда майорнинг Коннини ўлдирганини исботловчи далил йўқ эди. Бунинг устига бош прокурор ҳам Дейвид Амарони ўлдиргани учун Баррисни ҳибсга олишга рухсат бериши амримаҳол. Ахир, сержантнинг ўлимидан кейин роппа-роса тўрт ой ҳамманинг кўз олдида ялло қилиб юрди-ку. У Баррисни фақат наша сотгани учун ҳибсга олиши мумкин, лекин бу камлик қилади. Майор Конни ва нашадан захарланган анави ўспиринларнинг ўлими учун жавоб бериши керак.

Уни бир ёқли қилиш қўлимдан келади, деб ўйлади Дейв. Лекин қасос олса ҳамкасблари ва оиласининг номига доғ тушиши мумкин.

Дейв жилмайди. У йўлини топгани. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

У кўчадаги телефондан идорасига кўнғироқ қилди:

– Кейт, мен Дейвид Амароман. Кристоферга айт: Конни Чаффинни у мактаб ўқувчисини Стейси билан ҳамтовоғи даврасида кўриб қолгани учун ўлдиришган. Ҳамтовоғи

Вьетнамда жанг қилган, ҳозир нафақага чиққан майор, наша сотишни ҳам ўша ёқда бошлаган бўлса керак. Исми Чарлз Баррис. Биз чиқиндихонадан топган кишини ҳам ўша ўлдирган. Барриснинг манзили: Франклин драйв, 610.

Кейин Дейв майорга қўнғироқ қилди.

– Баррис, мен сен ҳақингда ҳамма нарсани биламан. Беш дақиқадан сўнг иссиқхонангга етиб бораман. Тайёр бўлиб тур.

...Баррис уни танимади. Дейвид гувоҳномасини кўрсатди:

– Наҳотки тўрт ой бурун ўқ узиб миясининг қатигини чиқарган одамни танимаётган бўлсанг? Кўриб турганингдек, сени олиб кетгани келдим.

– Нима, арвоҳ эканингга мени ишонтирмақчимисан? — Барриснинг кўзлари қисилди. – Кулгимни қистама.

Майор шундай деди-ю тўппончасига қўл чўзди. Дейвид айнан шуни кутаётганди. Баррис ўқ узгунга қадар у: “Одам тирикман деб ўйлагандагина тирик. Ўқ менга таъсир қилмайди”, деб ўйлашга улгурди.

Кейин ўқ зарбидан гандираклаб кетди.

– Арвоҳни ўлдириб бўлмайди, майор.

Баррис ортга тисарилиб кетма-кет ўқ узар, Дейвид эса ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Танасидан тиркираб қон оқсаям Барриснинг устига бостириб бораверарди.

– Йиқилсанг-чи, жин ургур иблис! – майор эсанкираб қолди.

Тўппончада ҳали ўқ кўп эди. Дейвид майорни деворга тираб қўлидан маҳкам ушлади-да тўппончанинг оғзини унинг бўйнига тўғирлади. Эсхонаси чиқиб кетган Баррис тепкини босиб юборди, ўқ унинг бўйнини тешиб ўтди. Шу пайт ташқаридан полиция машинасининг овози эшитилди. Дейвид енгил тин олди. Ҳаммаси тамом. Бу ёғи полициянинг иши.

Бўлиб ўтган воқеа ҳақида баённома ёзиш жуда қийин бўлди. Воқеа жойига етиб келган полиция зобити Дебора

Мак Гиверн иссиқхонадан фақат битта одамнинг мурдасини топди. Ваҳоланки, деворлар қонга беланган, бу ерда даҳшатли отишма рўй бергани кўриниб турарди. Сержант Амаронинг жасади топилмади, полда унинг қонга беланган кийимлари қолган эди, холос. Кейинчалик лабораторияда иссиқхонадаги қон қуйқалари Амаронинг қон гуруҳига, деворлардаги қонталаш бармоқ излари эса унинг бармоқ изига тўла мос келиши аниқланди.

– У ерда нима бўлган экан-а? – деб сўради Мак Гиверн лейтенант Кристофердан.

Кристофер нима деб жавоб беришни билмасди. Унинг ҳам боши қотган эди. Нима учун ғижимланган қоғоздаги ахлатхонадан топилган мурданинг бармоқ излари Амаронинг карточкадаги бармоқ изи билан бир хил? Амаронинг ўзи яна қаяққа ғойиб бўлди?

Бўлим бошлиғининг ўринбосари Беттенхаузен бу иш билан боғлиқ маълумотларни узоқ кўздан кечирди. Кейин сержант Дейвиднинг ҳужжатларини Кристоферга тутқазди:

– Амаро ҳақида “Топшириқни бажариб ортга қайтмади. Хизмат бурчини адо этаётиб ҳалок бўлди, деб топилсин”, деган мазмунда хулоса чиқарилишига ўзингиз кўз-кулок бўлинг. Шунда оиласига яхши нафақа тўлашади. Қолган тафсилотларни эса миянгиздан чиқариб ташланг, лейтенант.

Беттенхаузен шундай деди-да сержантнинг бармоқ изи туширилган карточкани йиртиб ташлади.

*Рус тилидан*

*А.ОТАБОЕВ таржимаси*

## ГУМРОҲЛИК

### I

– Бу жуда даҳшатли-ку, – деди Бош Аллома. – Наҳотки биз ҳеч нима қилолмасак?

– Чораси бор, Олий билимдон ҳазратлари, аммо бу сайёра жуда олисда жойлашганлиги учун ечими ўта мураккабдир. Беш юз ёруғлик йилига тенг масофада бўлганлиги боис мулоқот ўрнатиш жуда қийин. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг ёмони шундаки, унда яшовчи мавжудотлар билан мулоқот ўрнатишнинг деярли имкони йўқ. Уларда телепатик хусусиятлар ривожланмаган, муртак ҳолида қолиб кетган. Яккаю ягона йўли – ким биландир телепатик мулоқотга киришишдир...

Орага огир сукунат чўкди. Бош Аллома ҳолатни таҳлил чиғириғидан ўтказиб, ниҳоят тўғри қарорга келди.

– Ҳар қандай онгли ирқ, – деди у, – телепатик хабарни қабул қила оладиган бир неча зотга эга бўлиши лозим. Агар биз бир эмас, юзлаб кўприклар очсак, ўзимизга керак бўлган нарсани топишимиз мумкин. Битта қабул қиладиган мияни топишимизнинг ўзи кифоя, шундай эмасми?

– Тўппа-тўғри, Олий билимдон ҳазратлари. Айтганингиздек қиламиз.

### II

Шундай қилиб, улкан коинот бўшлиқлари орқали ёруғлик тезлиги етиши учун ҳам беш юз йил керак бўладиган масофаларга нурга айлантирилган фикр тарқала бошлади. Ўта юқори тезликка эга бўлган фикр – нур бир лаҳзада тубсизликни кесиб ўтиб учинчи коинотга етиб келди ва Тхаар сайёраси билан Ер ўртасида кўзга кўринмас кўприк пайдо бўлди. Тхаарликлар ўзлари учун зарур бўлган



яккаю ягона одамни ҳам зудликда топдилар... Бу Уилям Кросс эди.

Билл Кросснинг тафаккурига йўл очилишига олиб келган эҳтимоллик кечиши шунчалик тахайюлона эдики, уни кейинчалик миллиарддан бир нисбатда деб баҳоладилар. Умуман олганда, бу эҳтимоллик даражаси учта эди.

Биринчиси, жаноб Кросснинг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлиб, у фикр – нур узатилган маҳалда йўналишнинг қоқ марказида турган эди. Албатта, бу марказда Биллдан бўлак яна миллионлаб кишилар бор эди, аммо улар Кросс каби ракета техникалари бўйича муҳандис эмас ва бирортаси ҳам сайёралараро учиш тўғрисида бир умр орзу қилмаганди. Бу иккинчи эҳтимоллик даражаси эди.

Ва ниҳоят, учинчисига келсак, фикр – нур ерга етиб келган маҳали Кросс итдек ичган ва эси кирар-чиқар даражада маст эди. Унинг туманлашган онги орзу ва хаёллар дунёсига тортиб кетди.

### III

– Биз сизга, доктор Кросс, космик кемалар эмас, ҳарбий ракеталар яратишингиз учун маош тўлаймиз, – деган эди шу машмашалардан бироз аввал генерал Поттер норози қиёфада. – Агар жуда чидаб туролмасангиз, асосий ишдан бўш вақтларингизда бу бемаънилик билан шуғулланишингиз мумкин. Тушундингизми?

Тушунмай ўлибдими? Аммо, шунча машаққат билан яратган космик кемаси тарhini бир буйруқ билан йўққа чиқармоқчи бўлишяпти. Кросс шу пайтда ҳаётининг ўта ғурбатли даврини бошдан кечирмоқда эди; албатта, хотини Бренда ҳам уни ташлаб Жонни Гарднерга кетиб қолганлигини эътиборга олсак, ҳаётининг чиндан ҳам ҳолва эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Кросс енгил чайқалиб, рўпарасидаги оққа бўялган деворга маъносиз тикилди. Иккита сурат орасидаги митти

доғга нигоҳини жамламоқчи бўлди... Ва шу алфозда унинг онгига умидини деярли йўқотган юзлаб тхаарликларнинг фикрлари урила бошлади. Билл рўпарасидаги девор аста-секинлик билан эриб, ўрнида ҳадсиз туйнук пайдо бўлди.

Бу ажабтовур эврилиш унинг қизиқишларини алангалатиб юборди. “Жуда ғалати алаҳлаш-ку”, ўйлади Билл. Унинг бошида товуш пайдо бўлганида эса ҳатто кўрқиб ҳам кетди. Чунки Билл Кросс итдек ичганида ҳам ўзи билан ўзи гаплашмас эди!

– Билл, – бошлади товуш. – Дикқат билан эшит. Биз сени узок изладик ва ниҳоят топдик. Сенга етказмоқчи бўлган хабар ўта муҳимдир.

Бу гапнинг тўғрилигига Кроссда гумон пайдо бўлди, чунки айни шу дамда унинг учун муҳим нарсанинг ўзи қолмаган эди.

– Биз сен билан жуда олис сайёрадан туриб гаплашмоқдамиз, – деди товуш. – Сен биз билан мулоқотга кириша оладиган ягона ерликсан, шунинг учун гапларимизни диққат билан эшит ва хулоса чиқар.

Билл ўзининг ташвишлана бошлаётганини сезди. “Қизиқ, ҳеч кимни кўрмасанг-да, аллақандай товушлар эшитсанг, ғалати эмасми? Дарвоқе, нима ҳам йўқотаяпман, тингласам, гинглабман-да!”

– Яхши, – деди у бироз жимликдан кейин. – Фақат кулгилироқ нарсалардан гапиринглар, ҳозир юрагимга қил сиғмай турибди. Йўқса, бадимга уриб қолиши мумкин.

Ўртага оғир сукунат чўкди, кейин ташвишли овоз эшитилди:

– Биз сизни тушунмадик, Сизга етказмоқчи бўлган хабарларимиз нафақат қизиқарли, балки сизларнинг ҳаёт-мамотларингиз устида кетаяпти. Уни зудлик билан керакли одамларга етказишингиз керак.

– Мен кутаяпман, – деди Билл. – Балки мулоқот билан вақтимиз тезроқ ўтар...

Бу тутуриксиз жавобдан кейин беш юз ёруғлик йилига тенг масофада турган тхаарликлар эсанкираб қолдилар. Албатта, улар мақсадига эришиб, мулоқотга киришиб олдилар, аммо жавоб улар кутганчалик бўлмади. Шунга қарамасдан, улар давом эттиришга қарор қилдилар.

– Тингла, Билл, – давом этди товуш. – Олимларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, яқинда Сизларнинг Куёшларингиз портлаб кетади. Бу уч кундан сўнг, яна ҳам аниқроғи 74 соатдан сўнг юз беради. Портлашнинг олдини олишини асло иложи йўқ. Айтганларимизга кулоқ тутсанг, сизларни кутқариб қолишимиз мумкин.

– Вайсайверинглар, – минғиллади Билл. – Умримда бунақа алаҳламаган эдим.

– Бил, кўприксимон туйнук ўрнатамиз, – давом этди товуш. – Бу туйнук катта масофадан ўтади, у баайни сен рўпарангда кўриб турган туйнукка ўхшайди. Уни яратиш жараёни ўта мураккаб бўлиб, сизларнинг математикларингиз икки дунёда ҳам тушунмайди.

– Тўхтанглар, – жон кирди Кроссга. – Сизлар юкори ўлчамлардан ўтувчи қисқа йўллар тўғрисида гапираётган бўлманглар тагин. Бу нарса Эйнштейнгача бўлган замонларда ҳам фанга маълум эди.

Кросснинг кўринмас суҳбатдошлари ҳайратга тушдилар.

– Сизларнинг фанингиз бунчалик илғорлаб кетганлиги хусусида бизда ҳатто шубҳа ҳам бўлмаган эди, – ҳурмат оҳангида янгради товуш. – Таассуфки, назарияни батафсил тушунтириб ўтиришга вақтимиз зиқ. Моҳияти шундан иборатки, бундай туйнукдан қадам кўйганингиз заҳотиёқ бошқа сайёрага ўтиб қоласиз. Йўл ўттиз еттинчи ўлчам орқали ўтади.

– Мен сизнинг сайёрангизга ўтиб қоламанми?

– Йўқ, ерликлар бу сайёрада яшай олмайдилар, аммо Галактикада ерга ўхшаш сайёралар жуда кўп. Биз ҳамма жойга туйнуклар очиб ташлаймиз, қутулиш учун бир неча

қадам күйишгагина тўғри келади, холос. Тўғри, тамаддунни бошқатдан яратишга тўғри келади, бошқа йўли йўқ. Сизнинг вазифангиз – бу хабарни барча ерликларга етказишдир.

– Улар мени тингламаса-чи? Нима, ерда мендан бошқа одам йўқми?

– Ерда фақат сен мулоқотни қабул қила оласан, қолганлар бизнинг фикримизни илғаб ололмайдилар.

Уилям Кросс вискидан деярли бўшаёзган шишага маъносиз тикилди. Инсон мияси нималарга қодир эмас-а, – ғира-шира фикрлади у. – Тушга нима кирмайди, шайтон нима демайди? У ўтган ҳафтада охир замон тўғрисида қизиқарли бир китоб ўқиган эди.

– Мабода Қуёш чиндан ҳам портласа, қандай ўзгаришлар юз беради, – деди у алаҳлашини тикламоқчи бўлиб.

– Юпитер орбитасидаги барча сайёралар каби ерингиз ҳам кулга айланади.

– Менинг ҳурматли саробим, – деди у кўзларини айёрона ялтиратиб. – Агар мен сизларга ишонганимда нима деб жавоб берган бўлар эдим, биласизми?

– Сен, албатта, бизга ишонишинг керак, – беш юз ёруғлик йили масофасида турганлар орасида ғулгула пайдо бўлди.

– Шундай қилиб, – деди Билл мулоқотга чек қўя туриб. – Агар Ер ёниб кетса, қанча муаммолардан бирваракайига қутулган бўлар эдик. Урушлар тугаган, ғалвалар битган, хотинлар ҳамма нарсанинг қимматлашиб бораётгани хусусида вайсашлардан тўхтаган, атом уруши ҳақидаги ваҳималардан бирданига қутулган бўлардик. Сиз билан танишганимдан ўта хурсандман, ҳурматли сароб. Энди туйнук-пуйнукларингиз билан даф бўлинглар, мен ухламоқчиман.

#### IV

Тхаар сайёрасидагилар бу жавобдан шок ҳолатига тушиб қолдилар. Олий Алломанинг озиқли муҳитга солинган мияси сарғиш тусга кирди, бу нарса беш минг йил муқаддам Тхаарга Ксантил босқинчилари бостириб кирганида бир марта кузатилганди. Сайёралараро мулокот бўйича ўн беш мутахассис ақлдан озди. Комофизик марказдаги бош компьютер хотирасида қисқа туташув юз бериб, барча рақамларни нолга бўлиб ташлади ва алал-оқибат бутунлай куйиб кетди.

Ерда эса Кросс ўз алаҳлашларини ривожлантираётган эди.

– Менга қара, – деди у кўрсаткич бармоғини аранг ўзининг сарғиштук кўкрагига тираб. – Мен инсонларга фойдаси тегсин деб, сайёралараро кема яратишга ўн йиллаб умримни сарфладим. Бу махлуқларни эса фақат қирғин-барот қилувчи ҳарбий кемалар қизиқтиради. Нима учун? Бир-бирини портлатиб ўлдиришлари учунми? Энди куёш буни ҳаммангдан ҳам яхшироқ бажаради. Агар биз бошқа сайёрага ўтсак, барча машмашаларни қайтадан бошлашимизга тўғри келади.

У бир дақиқа ўйлашдан тўхтаб, фикрларини бир жойга жамлашга ҳаракат қилди.

– Қанжиқ Бренда ҳам мени ташлаб кетди, ҳатто ёзув ҳам қолдиришни раво кўрмади.

У охири гапларини адоғига ҳам етказа олмади, мастликдан тили калимага келмай қолди.

Бу маҳалда эса тхаарликлар охири бардошларини йиғиб унга яна бир карра мурожаат қилдилар.

– Билл, биз билан ҳазиллашмаяпсанми, ишқилиб. Наҳотки, ерликларнинг барчаси сен каби бетамиз бўлса?

– Қандай қизиқарли фалсафий мушоҳада, – фикрлади у. Унинг тасаввурини хира туман ўраб ола бошлади... У эрталаб генерал Поттернинг хузурига киради ва унга

генераллик юлдузчаларини қаерга тақишни айтиб ишни топширади ва ўзига бошқа иш қидиради. Хўш, Бренда-чи? Бош омон бўлса дўппи топилади, унга ҳам бошқа хотин топилиб қолар. Энг муҳими, захирада яна бир шиша виски бор, хумордан чиққунча ичиши мумкин. У оёқда аранг туриб, виски турган столга йўналди.

– Билл, – тхаарликларнинг аламзада овози сўнгги бор янгради. – Наҳотки ҳамма одамлар сендек бўлса!

Кросс орқага ўгирилиб, сирли туйнукка сўнгги бор тикилди, унинг кўзларига сон-саноксиз юлдузлар кўринди. У ўзида фахр ҳиссини туйди.

– Мендекми, – қайта сўради Билл. – Йўқ, ҳамма мендек эмас. Бироқ мен уларнинг кўпчилигидан бахтлиман.

Шу гаплардан сўнг туйнук сирли тарзда йўқолиб, оқ девор яна ўз ўрнида пайдо бўлди.

– Жуда яхши, – деди у тили огзида аранг айланиб. – Хўш, шундай қилиб навбатдаги сароб нима ҳақида бўлар экан?

Кейинги икки кун мобайнида у сирли мулоқот ҳақида умуман ўйламасдан ётиб ичди. Учинчи куни эса уни ташлаб кетган Бренда кўкқисдан қайтиб келди ва ораларида одатдагидек можаро бошланди.

Тўртинчи куни эса тхаарликлар айтган ҳодиса юз берди.

*Алижон Зоҳидий  
таржимаси*

## МАКАРЖЕР ВОДИЙСИНИНГ СИРИ

Индиана тепалигидан тўққиз милча узоқликда, шимоли-ғарб тарафда Макаржер водийси ястанган. Аслида бу водий ҳам эмас, ўрмон қоплаган икки қиялик ўртасидаги пастқам жой. Бошидан охиригача (дарёлар каби водийларнинг ҳам боши ва охири бор) икки милдан ошмайди, энг кенг жойи ўн-ўн икки ярд чиқади. Водий бўйлаб қишда сувга тўлиб, эрта баҳорда жилдираб оққан сой ўтиб бўлмас тиканзор қоплаган қияликларни бир-биридан ажратиб туради. Пихини ёрган айрим маҳаллий овчиларни айтмаса, бу водийга деярли биров қадам босмайди. Ҳатто водийдан беш мил нарида яшайдиганлар ҳам унинг номини билмайди. Лекин, бошқа томондан, бу ўлкаларда овлоқ жойлар шунчалик кўпки, барининг номини ёдда сақлаш амримаҳол.

Макаржер водийсига тушиб борсангиз, ярим йўлда тоғ ёнбағрини ўнг томондан кесиб тушган, қақраб ётган яна бир кичикроқ водийни кўрасиз. Ҳар икки водий туташган жойда мўъжазгина майдонча ҳосил бўлган. Уч-тўрт йил бурун бу майдончада битта хонадан иборат хароба бор эди. Бунақа овлоқ жойга кулба қуриш фикри кимдан чиққани номаълум. Гап-сўзларга қараганда, водийдан оққан сойнинг ўрнида бир пайтлар йўл бўлган экан. Тоғ ёнбағридан маъдан қазиб олиш учун келган, от-араваларига асбоб-анжом ва егулик ортган бир гуруҳ ишчилар ҳам бу ерда маълум вақт яшаган дейишади. Лекин тоғдаги кондан олинган даромад водийни гуллаб-яшнаган шаҳарчага айлантиришга етмаган шекилли, бу ерда қарийб вайрона кулбадан бошқа бино қурилмаган. Эшик-деразасиз бу кулбанинг тош ва лойдан тикланган мўрисини ёввойи ўт-ўлан босгани боис у хунук кўққайиб турарди. Ичкаридаги жиҳозлар ва деворга қопланган тахталарни овчилар гулханга қалаб ёқиб юборишган,

уйнинг бикинидаги суви қуриб қолган қопқоксиз қудук эски ўрани эслатарди.

1874 йилнинг ёзида сой ёқалаб юриб, кичикроқ водийдан Макаржер водийсига ўтдим. Мен бу ерларга бедана овлагани келгандим, тўрвамда аллақачон ўнтача қуш бор эди. Кулбага кўзим тушгач, якин бориб ичига мўраладим-да, кейин овни давом эттирдим. Овим бароридан келиб, водийда кун ботгунча қолиб кетдим. Энди уйимга қайтишга кеч бўлган, бу ерларда тунда юриш хавfli эди. Тунаш учун кулба, қорин тўйдириш учун тўрвам тўла бедана бор. Шуни ўйлаб, пинагимни бузмадим. Аслида Сьерра Невада тоғларида ҳаво доим илиқ бўлади, шу боис алоҳида бошпана ҳам шарт эмас. Қарағай баргларини тўшаб ёпинчиқсиз ҳам бемалол ётавериш мумкин. Бунинг устига, мен ёлғизликни ва табиатни яхши кўраман. Хуллас, тунни кулбада ўтказишга қарор қилдим. Қоронғи тушганда уйнинг якка-ю ягона хонасига шох-шабба тўшаб, бузилган ўчоққа ўтин қалаб ёқдим-да, бедана қовурдим. Олов хонанинг зах тортган деворларини ғира-шира ёритарди. Сувим тугагани учун гўштнинг устидан вино ичиб, жимжитликда мириқиб дам олдим. Табиат кўйнидаги бундай сукунат тўкин дастурхон атрофидаги ғала-ғовур мехмондорчиликдан минг бора афзал.

Лекин барибир мени нимадир безовта қиларди. Атрофнинг жимжитлигини кўриб-билиб турсам-да, нимадандир ҳадиксираб, кулбанинг кўпориб олиб ташланган эшик-деразаси ўрнидан ташқарига тез-тез аланглаб қараётгандим. Ташқаридаги тун зулмати юракка ғулғула солар, кўзимга кўрқинчли олабўжилар кўринаётгандек туюларди. Тоғда гризли айиғи яшашини эшитгандим. Йиртқичнинг водийга тушиб келиши эҳтимоли кам бўлса-да, юракдаги ваҳима чекинаё демасди.

Тунда эшик-деразасиз уйда ёлғиз ётган одам ойдалада қолган кишидан кўра кўпроқ чўчишини биласиз. Ўчоқда

милтиллаётган оловга термилганча хона бурчагидаги шох-шабба устида чўзилиб ётарканман, юрагим баттар дукиллай бошлади. Оловнинг чўғи ўчгач, ёнимдаги милтиғимни кўлимга олдим-да, зимистонда кўз илғамайдиган эшик ўрнига тўғриладим. Бармоқни тепкига текизиб, нафасимни ичимга ютганча кулбага бостириб кирадиган махлуқни кута бошладим. Кейин ўзимнинг бу қилиғимдан уялиб, милтиқни жойига қўйдим. Кап-катта одам нимадан кўрқаяпман ўзи? Қанчадан-қанча тунларни табиат қўйнида ўтказган бўлсам. Ёлғизлик, зулмат менинг доимий ҳамроҳларим-ку ахир. Ҳе йўқ, бе йўқ, қуёнюрак бўлиб қолганимнинг сабабини ўйлай-ўйлай ухлаб қолибман.

Тушимда бегона бир мамлакатнинг улкан шаҳрида юрганмишман. Атрофдаги одамлар ажнабий тилда гапиришаётган бўлса-да, менга тушунарли эмиш. Лекин қуюқ туманда уларнинг юзи ғира-шира кўринаркан. Шаҳар марказида катта қаср қурилган бўлиб, унинг номини биларканман, бироқ айта олмасмишман. Замонавий бинолар, эски кулбалар, деворлари нақшинкор қадимий обидалар жойлашган кенг ва тор кўчалар бўйлаб кимнидир қидириб кетаётган эканман.

Излаётган одамимни танимасам-да, унинг қаерда яшашини билганим учун жинкўчаларда адашиб қолишдан кўркмай гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилиб, ниҳоят, бир хунарманднинг одмигина тошли уйи ёнида тўхтабман.

Эшикни тақиллатмай ичкарига кирибман. Учбурчак ойнали биттагина деразаси бор, наридан-бери жиҳозланган хонада бир аёл ва бир эркак ўтирганмиш. Улар менга эътибор беришмабди – тушда бунақа муносабат табиий туюлади. Улар жанжаллашиб қолгандек, чурқ этмай хонанинг икки бурчагида хўмрайиб ўтирганмиш.

Тўлачадан келган аёлнинг чиройли шахло кўзлари ёдимда қолди, лекин юзини эслолмайман. Тушда одам бу-



нақа икир-чикирларга эътибор бермайди. Жувон елкасига катак рўмол ташлаб олган.

Хонанинг тўрдаги бурчагида ўтирган эркакнинг ёши аёлникидан каттарок бўлса керак. Қаншаридан мўйловигача тушган чандиқ унинг бадқовоқ қорамағиз юзига ваҳимали тус берганди. Тушимда гўё чандиқ унинг юзига тегиб-тегмай ҳавода муаллақ тургандек. Улар эр-хотин эканини хонага кирган заҳотим пайқагандим.

Кейин нима бўлганини эслолмайман. Тушимда кўринган манзара аста-секин хиралашиб қаёққадир ғойиб бўлди-ю, кўзимни очиб водийдаги хароба кулбада ётганимни эсладим.

Ниҳоят юрагимни безовта қилаётган аҳмоқона ваҳима босилди. Ўчоққа тушган шох-шаббадан қайта алангаланган гулхан хонани ёритиб турар, ташқари ҳали қоронғи эди. Бор-йўғи беш-ўн дақиқа мизгиган бўлсам-да, кўрган тушимдан таъсирланиб уйқум қочиб кетди. Ўрнимдан турдим-да, тамаки тутатиб, телбаларга ўхшаб тушда кўрганларимни ўзимча муҳокама қила бошладим.

Мен тушимда Эдинбург шаҳрида бўлгандим. Аслида бу шаҳарни ҳеч кўрмаганман. Шунинг учун унинг номини билишим мени ҳайратга солди. Ичимда нимадир тушда кўрганларинг жуда муҳим, дерди.

– Мак-Грегорлар у ерга Эдинбургдан келган-ку, – деб ҳайқириб юбордим бир маҳал.

Дастлаб айтган гапим ўзимга табиийдек туюлди. Кейин нималар деб валдираяпман деб ўйладиму, хохолаб кулиб юбордим. Тушимга кирган одамларнинг исмини қаердан биламан? Трубкаминг кулини тўкиб шох-шабба устига чўзилдим-да, кўрганларимни тезроқ унутиш учун бошқа нарсалар ҳақида хаёл сурдим. Ниҳоят, ўчоқдаги олов сўнги бор гуркираб ўчди ва хона яна зимистон бўлиб қолди.

Бир маҳал хонага тепадан нимадир гурс этиб тушди-ю, пол титраб кетди. Ўтакам ёрилиб сапчиб турдим-да,

пайпаслаб милтиқни кидира бошладим. Дастлаб бирор йиртқич ҳайвон кирди-ёв, деб ўйладим. Лекин кўп ўтмай полга кўшиб деворлар ҳам силкина бошлади. Шу пайт ёнгинамдан зарба товуши ва оёқларнинг тапиллагани эдитилди. Кейин аёл кишининг чинқирган овози келди. Бунақа даҳшатли чинқирикни умримда биринчи марта эшитишим. Қўрққанимдан ҳайкалдек қотиб қолдим. Сўнг бир амаллаб милтиқни топдим-да, атрофимдаги зулматга аланглай бошладим. Энди аёл чинқиришдан тўхтаб, жон талвасасида хириллашга тушди. У ўлаётганди!

Кўзим зулматга ўргангач, аста-секин эшик ва дераза ўрнидаги тирқишу деворларни фарқлай бошладим. Полга диққат билан разм солдим. Хонада мендан бошқа ҳеч зоғ йўқ эди, бояги ваҳимали товушлар ҳам тинганди.

Қалтираётган қўлим билан бир амаллаб оловни ёқиб атрофни кўздан кечирдим. Хона бўм-бўш эди. Чанг босган полга фақат менинг оёқ изларим тушганди. Уйнинг деворидан уч-тўртта тахтани суғуриб олдим-да (ўтин учун ташқарига чиқишга юрак дов бермасди) синдириб оловга ташладим. Тонггача трубка тутатиб, гулханнинг олдида ўтириб чикдим...

Орадан бир неча йил ўтгач, Сакраментода Морган деган одамнинг уйида меҳмон бўлдим. Сан-Франсискодаги дўстим мени унинг олдига юборганди. Морган тажрибали овчилардан экан, уйининг деворларига сон-саноксиз ўлжа илинганди. Бирга тушлик қилаётганимизда у овдаги жасоратлари ҳақида гапираётиб, менга таниш ўлкалар номиниям тилга олди.

– Мистер Морган, – дедим мезбонимнинг гапини бўлиб. – Макаержер водийсидаям ов қилганмисиз?

– Бўлмасам-чи! – деди у. – Ўтган йили ўша водийда одам суякларини топиб, газеталарга хабар юборганман.

Мен бу янгиликдан беҳабар эдим. Шарқда юрганимда газетада чиққан бўлса керак.

– Айтмоқчи, водийнинг номини кўпинча нотўғри талаффуз қилишади, – деди Морган. – Аслида Мак-Грегор водийси... Азизам, – у хотинига мурожаат қилди. – Мистер Элдерсоннинг виноси тўқилди.

Водийнинг асл номини эшитиб, қўлимдаги қадахни полга тушириб юборгандим.

– Бир пайтлар ўша водийда эски кулба бўларди, – деди мезбон хотини полни артиб бўлгач. – Лекин мен дўстим билан овга боришимдан уч-тўрт ой бурун кулбани яшин уриб ёниб кетибди. Ёғоч деворлар кулаб полнинг тахталари кўчган экан. Дўстим иккимиз полнинг остида катак рўмолга ўхшаш мато кўрдик. Эътибор бериб қарасак, мато куйган териси устихонига ёпишган аёлнинг жасадига ўралган экан. Мурданинг аҳволини батафсил таърифласам хотинимнинг мазаси қочади...

Шундай деб Морган кулиб қўйди. Ростдан ҳам уй бекасининг юзида ачиниш эмас, жирканишга ўхшаш ифода пайдо бўлганди.

– Лекин бир нарсани айтмасам бўлмайди, – деди Морган. – Жасаднинг бош чаноғи икки жойидан чўкичнинг сопи билан уриб ёрилган, қон юқи ёпишган қотиллик қуроли ҳам полнинг тагида ётарди.

Кейин у хотинига ўтирилди:

– Азизам, эр-хотин ўртасидаги жанжал баъзан мана шунақа фожиаларга олиб келади. Шундай экан, буёғига чизган чизиғимдан чиқа кўрма.

– Гапни қаёққа бураётганинг аввалдан маълум эди ўзи, – деди хотиниям бўш келмай.

– Хуллас-калом, изкуварлар марҳум Жанет Мак-Грегор бошига берилган зарбадан ўлган деган хулосага келишди, – гапида давом этди Морган. – Далиллар қотил унинг эри Томас Мак-Грегор эканини кўрсатарди. Лекин Томас аллақачон дом-дараксиз кетган эди. Айтмоқчи, эр-хотин

водийга Эдинбург-дан кўчиб келишган экан... Азизам, мистер Элдерсон кўлидаги гўштни сувга тушириб юборди.

Эдинбург ҳақида эшитиб, жўжа оёғини қўлни чаядиган товоққа ташлаб юборибман.

– Кулбадан Мак-Грегорнинг суратиям чикди. Лекин унинг ўзини барибир топишолмади.

– Расмини кўрсам бўладими?

Фотосуратдан бир неча йил бурун тушимга кирган, юзида чандиғи бор, турқи совуқ киши тикилиб турарди.

– Ўзи ўша водийга нега бунча қизиқиб қолдингиз, меҳмон?

– Водийда... хачирим йўқолганди. Тополмай роса қийналгандим.

– Азизам, – деди Морган хотинига. – Мистер Элдерсон хачирини йўқотганидан таъсирланиб, кофесига мурч солиб кўйди.

*Рус тилидан А.ОТАБОЕВ таржимаси*

## МУНДАРИЖА

Ги де Мопассан. Мархумнинг кўли.....	3
Агата Кристи. Тикувчининг хатоси.....	10
Эндрю Бенедикт. Тўрт девор орасида.....	26
Френк Грубер. Шумқадам бева.....	35
Лоуренс Блок. Устаси фаранг.....	49
Аврам Дэвидсон. Телба снайпер.....	60
Генри Слезар. Кўшни камерадаги одам.....	70
Эд Макбейн. Ноҳақ айблов.....	85
Жеймс Хэдли Чейз. Қойилмақом ҳимоя.....	95
Стефан Свейг. Бир умрнинг давоми.....	105
Ли Киллоу. Хаёлимда тирикдайман.....	130
Артур Кларк. Гумроҳлик.....	145
Амброз Бирс. Макаржер водийсининг сирини.....	152

**Дунё адабиёти дурдоналари**

**ШУМҚАДАМ БЕВА**

Детектив ҳикоялар

**Тўплаб, нашрга тайёрловчи:**  
Дилшодабону Аввалбоева

**Муҳаррир:**

Намоз Толипов

**Техник муҳаррир:**

Мухриддин Ҳамроев

**Мусахҳих:**

Моҳитобон Бузрукова

Нашриёт лицензияси: АИ № 221, 16.11.12 йил.

Босишга рухсат этилди: 30.12.2016 йил.

Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. “Times” гарнитураси.

Шартли босма табоғи: 10,0. Нашриёт ҳисоб табоғи: 5,0.

Адади: 3000 нусха. Буюртма: № 06-16.

Баҳоси келишилган нарҳда.

**Нашриёт манзили:**

“Yurist-media markazi” нашриёти,

Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй

Тел.: 212-47-79, 230-04-74

E-mail: [yurist\\_media@mail.ru](mailto:yurist_media@mail.ru)

**Босмахона манзили:**

“Good group media” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-уй.

Ги де Мопассан. Мархумнинг қўли  
Агата Кристи. Тикувчининг хатоси  
Эндрю Бенедикт. Тўрт девор орасида  
Френк Грубер. Шумқадам бева  
Лоуренс Блок. Устаси фаранг  
Аврам Дэвидсон. Телба снайпер  
Генри Слезар. Қўшни камерадаги одам  
Эд Макбейн. Ноҳақ айблов  
Жеймс Хэдли Чейз. Қойилмақом ҳимоя  
Стефан Свейт. Бир умрнинг давоми  
Ли Киллоу. Хазелинда тирикдайман  
Артур Кларк. Гүмроҳлик  
Амброз Бирс. Макаржер водийсининг сирри

ШУМҚАДАМ  
БЕВА

Детектив ҳикоялар

ISBN 978-9943-4339-5-3



9 789943 433953